

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:821.512.133 – 1С.Воҳидов.07

Зойирова Гўзал Нематовна

САМАНДАР ВОҲИДОВ ШЕЪРИЯТИ ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: Ш.Н.Ахмедова, филология
фанлари доктори, профессор

Бухоро-2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ИЖОДКОР ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ПОЭТИКАНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ	11
1.1. Шоир ижодининг шаклланиш омиллари.....	13
1.2. Шакл ва мазмун уйғунлиги.....	30
1.3. Образлар кўлами ва унинг бадиий талқини.....	42
II БОБ. САМАНДАР ВОҲИДОВ ИЖОДИНИНГ ЖАНРЛАР ТИЗИМИ	
2.1. Бағишлов ва қасида жанрида шоир маҳорати.....	62
2.2. Самандар Воҳидов дostonларига хос айрим поэтик хусусиятлар.....	73
III БОБ. ШЕЪРИЙ ШАКЛЛАР ВА ШОИРНИНГ МАҲОРАТИ МАСАЛАСИ	96
3.1. Саккизлик, тўртлик, шеърий туркумлилик.....	95
3.2. Ижодкор услуби ва бадиий изланишлар.....	123
3.3. Самандар Воҳидов шеъриятининг тил хусусиятлари.....	137
ХУЛОСА	154
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	157

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида шеър поэтикаси, ғоявий-бадиий талқиннинг узвийлиги, ижодий индивидуаллик ва унинг жанрлар тизимида акс этиши, вазимкониятлари, шеърий шакл ва бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишдаги муҳим жиҳатлар ҳақида тадқиқотлар яратилмоқда. Ҳар бир ижодкорнинг индивидуал ифода тарзи ва услубини юзага чиқарувчи илмий, ҳаётий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий омиллар мавжуд. Бу эса ижодкор биографияси, ижодига хос жанр, шакл, образ, тил хусусиятларини ўрганиш каби масалаларни яхлит тизим ҳолида тадқиқ этиш зарурияти борлигини кўрсатади.

Дунё адабиётшунослигида ижодкор поэтик маҳорати масаласи, унинг услубини шакллантирувчи омиллар, индивидуал услуб, ижодкор ва унинг бадиий маҳорати каби масалалар бўйича муайян изланишлар олиб борилмоқда, унинг натижасида янги илмий хулосаларга келинмоқда. Жумладан, адабиётшуносликда шеърият поэтикасига нисбатан алоҳида ёндашувлар кузатилиб, муайян даврда, муайян ҳудудда яшаган ижодкор ижодини индивидуал услуб ва поэтик маҳорат, образлар, мавзулар кўлами, жанрлар ва шеърий шакллар ранг-баранглигини поэтик жиҳатдан ўрганишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мустақиллик йиллари ўзбек адабиётшунослигида шоирлар ижодини чуқур ўрганиш, улар маҳоратининг янги қирраларини умумадабий жараён билан боғлиқ ҳолда ёритиш, ҳар бир ижодкорга хос индивидуал қирраларни ёритишга катта эътибор берилмоқда. Шу боис Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, бухоролик шоир С.Воҳидовнинг шеърий меросини образ, жанр ва шакллар тизимида монографик тарзда ўрганиш, бадиий маҳоратини тадқиқ этиш адабиётшунослик олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Президентимизнинг «Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йул топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда

адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак»¹, – деган фикрлари шоир С.Воҳидовнинг ҳам ижодий мақсадини эътироф этади, албатта. Хусусан, муайян ижодкор ҳаёти ҳамда асарлари мисолида тадқиқот олиб бориш, улардаги миллий ва умуминсоний кадриятларни тараннум этувчи жиҳатларга диққат қаратиш зарурлиги яққол кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида» Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги 5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш тўғрисида», 2022-2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида ўзининг юксак поэтик тафаккур намуналари билан инсоният маънавий ҳаётига сезиларли таъсир қилган ижодкорларнинг асарлари адабиётшунослар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонининг очилишида сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи, 2020 йил 21 май. <http://db.natlib.uz/ru/editions/22251>.

диққат марказида бўлган. Аристотель, А.А.Потебня, М.М.Бахтин, А.Н.Веселовский, Б.В.Томашевский, Л.И.Тимофеев, В.М.Жирмунский каби олимлар томонидан поэтика масалалари тадқиқ қилинган². Ўзбек адабиётшунослигида ҳам поэтика, маълум бир ижодкор маҳоратини тадқиқ этиш билан боғлиқ назарий тадқиқотлар яратилган³. Шу билан бирга С.Воҳидов ижодига бағишланган мақолалар ва рисодаларда унинг ўзига хос услуби, фалсафий мушоҳадага мойиллиги алоҳида таъкидланади⁴.

² Аристотель. Поэтика. – Т.: “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1980. – 152 б.; Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – 299 с.; Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: “Искусство”, 1976. – 614 с.; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: 1979. – 222 с.; Веселовский А. Н. Историческая поэтика. – М.: “Высшая школа”, 1989. – 224 с.; Томашевский Н. Традиция и новизна. – М.: “Художественная литература”, 1981; Тимофеев Л. Слово в стихе. – М.: 1982.; Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: 1977. – 408 с.

³ Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Т.: “Бадий адабиёт” нашриёти, 1965. – 329 б.; Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талкин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари. Филол.фан.докт.дисс... автореф. – Т., 1996. – 54 б.; Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ями ўзбек дostonлари поэтикаси. Филол.фан.докт.дисс... – Самарқанд, 2004. – 258 б.; Сабиридинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. Филол.фан.номз.дисс... автореф. – Т., 2004. – 46 б.; Сувонова Ж. Усмон Азим шеърлятида бадий тафаккур. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 96 б.; Қосимов Я. Ўзбек шеърлятида поэтик фикрнинг янгилини жараяни. Филол.фан.номз.дисс... – Т., 1993.; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар. Филол.фан.номз.дисс... автореф. – Т., 1997.; Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. Рисола. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2003. – 72 б.; Ашурова Г.Н. Абдулла Орипов шеърлятида анъана ва бадий маҳорат: Филол.фан.номз.дисс... – Т., 2008.; Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. Лирикада образ муаммоси. – Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988. – 201 б.; Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеърлятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол.фан.номз.дисс... автореф. – Т., 2011.; Холова М. Ўзбек модерн шеърляти поэтикаси. Филол.фан.номз.дисс... автореф. – Самарқанд, 2018. – 50 б.; Ражабов Д. Бадий образ ва ритм табиати. – Бухоро, 2002. – 102 б.; Давронова М. Ҳозирги ўзбек шеърлятида индивидуал услуб поэтикаси (Усмон Азим, Икбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин шеърляти мисолида). Филол.фан. бўйича фалс.докт.дисс... автореф. – Самарқанд, 2019. – 66 б.

⁴ Тошпўлат Аҳмад. Шукрим сенга, шеърят. // Бухоро ҳақиқати. – Бухоро, 1992.; Азимов С. “Бухорийлар бўстони”ни яратган шоир. // Бухоронома. – Бухоро, 2002. сент. – Б. 3.; Абдунаби Ҳамро. Етди сарҳисоб вақти. // Бухоронома. – Бухоро, 2002. сент. – Б. 3.; Рустамов А. Бу эл тарихига бахтдир сарлавҳа. // Бухоро ҳақиқати. – Бухоро, 2011. май. – Б. 6.; Сафаров О. Ижодкорлик саодати (Самандар Воҳидов ҳаёти ва ижодига оид чизгилар). // Бухоро мавжлари. – Бухоро, 2012. 4-сон. – Б. 30-33.; Омон Мухтор. Боқийлик касб этган боғ. // Карвон қўнғироғи. – Бухоро, 2012.; Ражабова И. Илдизин қуёшга боғлаган дарахт. // Бухоро мавжлари. – Бухоро, 2002. 4-сон. – Б.16-17.; Хуршид Даврон. Самандар Воҳидов. Ғазаллар. // www.khdavron.uz.; Қораев Т. Оқ йўл, Самандар! // Бухоро ҳақиқати. – Бухоро, 1965.; Наҳанов О. Шеър – шеър бўлсин. // Бухоро ҳақиқати. – Бухоро, 1964.; Рўзиев Р. Ҳаёт ва шеърят. // Бухоро ҳақиқати. – Бухоро, 1964.; Шеърят боғига сайр. // Ўқитувчилар, 1967. дек. – Б. 3.; Фикрлар теран, ҳислар парвозли бўлсин. (Ҳаваскорларнинг шеърлярига обзор). // Бухоро ҳақиқати. – Бухоро, 1969.; Холмуродов А. Қишлоқда қолган шоирлар. // Ёзувчи газетаси, 2003.; Азимов С. Давр тақозоси. // Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. Кириш сўз. – Т.: 1998. – Б. 3-8.; Қосимов Ф. Замон ва шахснинг бадий талқини. // Воҳидов С. Ҳаловатни ҳалолликдан изладим. – Бухоро, 2005. – Б. 58-62.; Садриддин Салим Бухорий, Азимов С. Ҳазрати Эшон Имом Бухорий. (сўз боши) // Воҳидов С. Муҳаммад (с.а.в.) хиди келгай. – Бухоро: 2010. – Б. 3-14.; Сафаров О. Алишер Навоий ғазалларига битилган кўркем мухаммаслар. // Воҳидов С. Бу боғда баҳра боқийдур. – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2011. – Б. 3-12.; Сулаймонов Ш. Сўз салмоғи (Сўзбоши ўрнида) // Воҳидов С. Дунё дарсхонадир. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2013.; Тошпўлат Аҳмад. Соғинсангиз мени изланг... (Эсселар, хотиралар, лавҳалар). – Т.: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 215-222.; Азимов С. Оташнафас шоир. // Сиз доимо қалбимиздасиз. Бухоро: “Дурдона”, 2018. – Б. 164-173.

Шоир ижодига оид жиддий ишларни профессорлар О.Сафаров ва Р.Воҳидовлар амалга оширганлар⁵. Мазкур тадқиқотлардан фарқли равишда ишимизда шоирнинг ижодий мероси, шеърятининг жанрлар, образлар олами, шеърый шакллар, дostonчиликдаги шаклий-услубий изланишлари, тил хусусиятлари, шоир услубининг индивидуал жиҳатлари яхлит ҳолда махсус тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Бухоро давлат университети Ўзбек адабиёти кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари» (2016-2023 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шоир С.Воҳидов шеърятини поэтикаси (образлар олами, жанрлар ва шакллар)ни тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

С.Воҳидов шеърый меросининг асосий ғоя ва мазмунини таҳлил қилиш, ижодий индивидуаллигининг шаклланиш жараёнини, шеърларининг шакл ва мазмун уйғунлиги ва поэтик образлар бадииятини очиб бериш;

шоирнинг бағишлов, қасида, дostonнависликдаги поэтик маҳоратини, воқеабандлик ва лирик кечинма тасвиридаги ўзига хослик, кичик шеърый шакллар (тўртлик, саккизлик), туркумлилик борасидаги изланишларини асослаш;

шоир ижодининг ғоявий-бадий хусусиятлари, поэтик тафаккур олами имкониятларини намоён этишдаги муҳим жиҳатларни аниқлаш;

шоир шеърятига хос поэтик хусусиятлар, хусусан, бадий-композицион қирралар, сўз қўллаш маҳорати каби масалаларни тадқиқ этиш шу орқали унинг адабий жараёнда тутган ўрнини илмий жиҳатдан асослаб, умумлашма хулосалар чиқариш.

⁵ Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. (Мақолалар, рисоалар) – Бухоро: “Дурдона”, 2015. – 449 б.; Воҳидов Р. Бир носир-у уч шоир ҳақида топганларим. – Бухоро, 2003.; Сафаров О., Сафарова Х. Самандар Воҳидов (Шоирнинг ижодий портрети). – Бухоро: “BUXORO NASHR”, 2022. – 264 б.

Тадқиқотнинг объектини С.Воҳидовнинг 4 жилдлик сайланмаси ташкил этади. Қиёсий таҳлил жараёнида XX аср ўзбек шоирларининг, хусусан, бухоролик шоирларнинг айрим шеърларига ҳам мурожаат қилинди.

Тадқиқот предметини С.Воҳидов шеърятининг жанрий, шаклий ва поэтик хусусиятларини, бадий маҳоратини тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда биографик, тарихий-қиёсий, структурал-семантик, статистик, лингвистик ва аналитик таҳлил усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шоир шеърларида шакл ва мазмун уйғунлиги, мисраларнинг ҳиссий оҳанг мувофиқлигидаги ўрни, образлар олами (тун, тонг, дарахт, варрак, қайиқ, шалола), образларнинг бадий талқини асосида рамзий маънолар аниқланган;

шоир асарларининг жанрий таркиби, индивидуаллиги бағишлов, қасида, дoston жанрлари, ижодига фольклорнинг таъсири масаласи дoston, ривоят-дostonлари ва дoston-марсия жанрлари таҳлили орқали исботланган;

лирикадаги кичик шеърый шакллар: тўртлик, саккизликларда фалсафий умумлашма фикрларни образлар орқали ифода эта олиш, шеърый туркумлар яратишдаги индивидуаллиги далилланган;

шоир асарларининг композицион қурилиши, эпиграф, сарлавҳа, сўз қўллаш билан боғлиқ маҳорати, поэтик тил хусусиятлари ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот ишида С.Воҳидовнинг шоир сифатида шаклланишининг даврий босқичлари, поэтик дунёқарашининг ҳаётый тажриба ва замонга муносабат тарзида ривожланиб бориши мисоллар асосида асосланган;

шоир шеърятини мазмуннинг шаклга таъсири, шаклнинг эса оҳангга таъсири масаласи, жанрлар ва шеърый шакллар яратишдаги маҳорати тадқиқ этилган;

С.Воҳидовнинг поэтик образ яратиш маҳорати, образларнинг муаллиф бадий тафаккурига ҳамоҳанг тарзда турли маъно-мазмунда товланишлари,

шоирнинг сўз қўллаш маҳорати бевосита бадиий матн таҳлили орқали очиб берилган;

тадқиқотда шоир ижодининг индивидуаллиги, асарлари таҳлили орқали ижодкор феномени масалалари ўрганилиб, поэтик маҳорати бўйича зарурий хулосалар чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг қиёсий, биографик, аналитик, лингвистик, статистик методларга асосланганлиги, келтирилган илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётшуносликда Бухоро адабий муҳити вакилларининг бадиий олами, поэтик маҳорат даражаси, услубий ўзига хослиги, ўз қалб кечинмаларини ифода эта олиши билан боғлиқ тадқиқотларда мазкур иш муайян даражада илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларининг ўзбек тили ва адабиёти, журналистика, филология факультетларида филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек) таълим йўналишларида «XX аср ўзбек адабиёти», «Истиклол даври ўзбек адабиёти», «Ҳозирги адабий жараён», «Бухоро адабий ҳаракатчилиги» фанларидан маъруза, махсус курс ва семинарлар ўтишда, шунингдек, ўрта махсус таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида адабиёт дарсларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. С.Воҳидов шеърини поэтикаси бўйича амалга оширилган ушбу тадқиқотнинг илмий натижалари куйидаги ишларда жорийланган:

ўзбек адабиётида шеърини поэтикаси муаммоларини Бухоро адабий муҳити вакили С.Воҳидов ижоди мисолида ўрганиш, шоир услубига халқ

тили ва фольклор жанрларининг таъсири, воқеабандлик, бармоқ вазнидаги шеърларида шакл ва мазмун уйғунлиги, образлар олами: тун, тонг, дарахт тимсолларининг талқин этилиши, тил хусусиятларидаги ўзига хосликни очиб бериш, хусусан, бадий-композицион кирралар, сўз қўллаш маҳорати каби масалаларга доир назарий хулосалардан Ф1-ФА -0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 17.01/128-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу фундаментал лойиҳада ижодий индивидуаллик, услуб ва маҳорат масаласини тадқиқ этишга эришилган;

С.Воҳидов шеърятининг поэтик хусусиятлари, анъанавийлик ва новаторлик жиҳатларини ёритишда ФА-Ф1-ОО5 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020-йй.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 17.01/128-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу фундаментал лойиҳа диссертация материаллари орқали бойитилган ва адабиётшуносликда шоир ижодининг шаклланиши, ижодий индивидуаллик масаласини образлар, шеърый шакллар, тил хусусиятларида намоён бўлишини тадқиқ қилиш бўйича хулосалар чиқариш имконини берган.

Шоир ижодининг поэтик тадқиқи орқали унинг индивидуал услуби, поэтик тафаккур олами имкониятларини намоён этишдаги ўзига хос жиҳатлари умумлаштирилган хулосалардан С.Воҳидов фаолият кўрсатган Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг «Менга сўз беринг», «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза», «Меҳмон туйғулар» радиоэшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 5 августдаги 1/191-сонли маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг бадий ижод, шеърят, шоир С.Воҳидов ва бухоролик кўплаб

ижодкорларнинг замонавий ўзбек адабиётида тутган ўрни, ўзига хос услуби, индивидуал маҳорати бўйича тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган. Шунингдек, ёш авлод тарбиясида адабиётнинг ўрни ва роли илмий-оммабоп кўринишда тарғиб этилиб, бу радиоэшиттиришларнинг таъсирчанлиги оширилган. Бунинг натижасида эса ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллаштирилиб, илмий далилларга бой бўлишига, оммабоплигини таъминлашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишида 12 та, жумладан, 7 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та, хорижий журналда 3 та мақола нашр қилинган.

I БОБ. ИЖОДКОР ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ПОЭТИКАНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги адабиётшуносликда «поэтик тафаккур», «поэтик тасвир», «поэтик маҳорат», «поэтик тил» тушунчалари фаол қўлланилаётганлигини кўрамиз. Бу поэтика атамаси ва унинг асосий мазмун-моҳияти, вазифаси нималардан иборат эканлигига жиддий эътибор қаратиш, поэтикага оид назарий қарашларни ўрганиш кераклигини кўрсатади. Ижодкор поэтик оламини тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий ишлар кўламининг хилма-хиллиги ва турличалиги бу масалага диққатимизни кучайтиради. Поэтика атамаси жуда қадимдан мавжуд бўлиб, у «ижод санъати» деган маънони англатади. Шу нуқтаи назардан, поэтика санъатнинг барча соҳаларига тегишли бўла олади. Поэтика – «ижод санъати» ҳар бир ижод намунасига диққат қаратади. Унинг ўзига хослигини, эстетик белгиларини, муаллиф бадиий мақсадининг юзага чиқиш омилларини ўрганади, ёритади.

Жаҳон адабиётшунослигида поэтиканиннг сўз санъати ҳақидаги илм сифатида шаклланиши Аристотельнинг «Поэтика» асари билан боғлиқ. Асар «поэтика» атамасининг бугунги кундаги мазмун-моҳиятини тўлиқ қамраб олмасида, адабиёт назариясига оид дастлабки ва тизимли илмий асар сифатида ўз қимматига эга. Шарқ адабиётшунослигида ҳам поэтика масалалари жуда қадимданок ўрганиб келинган. Ўз даврида ватандошимиз Абу Наср Форобий ҳам «Поэтика» асари таъсирида «Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола»сини ёзганлиги бунинг ёрқин исботидир. Шарқ адабиётида поэтика 3 қисмдан: 1) илми аруз, 2) илми қофия, 3) илми бадиъдан иборат маҳсус фан сифатида шаклланганлигини кўрамиз. Ўзбек адабиётшунослари ҳам поэтика масалаларини тадқиқ этишга катта эътибор қаратдилар. Навоий ижоди поэтикасини ўрганишда В.Зоҳидов, Мақсуд Шайхзода, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов⁶ ва бошқаларнинг тадқиқотлари,

⁶ Зоҳидов В. Танланган асарлар. 3 томлик. 2 том. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977.; Мақсуд Шайхзода. Ғазал мулкининг султони (Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотлар ва мақолалар мажмуаси). 6 томлик. 4 том. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1972.; Ҳайитметов А.

Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаххор романлари поэтикаси бўйича М.Қўшжонов, У.Норматов⁷ ва бошқаларнинг, ўзбек шеърининг поэтикаси ҳақида О.Шарафиддинов⁸ ва бошқаларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга⁹. Бугунги ўзбек адабиётшунослигида ҳам поэтиканинг умумий, тавсифий, норматив, назарий, тарихий турларига оид изланишлар олиб борилмоқда¹⁰.

Поэтика илмий атамаси изоҳланган манбаларда унинг ҳозирги кунда икки маънода қўлланилиши таъкидланади: кенг маънода адабиёт назарияси.., тор маънода шеърининг асар ва унинг тузилиши, ҳар бир шеърининг жанр ва унинг эволюцияси, уларнинг келиб чиқиши ва тақдири, шеърининг стилистика, шеърининг нутқ ва унинг характери, турли шеърининг санъат ва тасвир воситалари ҳам поэтика термини билан юритилади¹¹. Кейинги таъриф поэтика шеърининг назарияси ҳақидаги махсус фан бўлиб шаклланиб улгурганлигидан далолат беради, яъни поэтика адабий турлардан айнан шеърининг специфик хусусиятларини ўрганишга ихтисослашган. Рус олими В.М.Жирмунскийнинг фикрича, поэтика поэзияни санъат даражасида ўрганадиган фандир¹².

«Поэтика (гр. поетике сўзидан) – бадиий адабиёт ҳақидаги илм, адабиёт назарияси, адабиёт қоидалари. Поэтика адабиётшуносликнинг таркибий қисмидир. Поэтика баъзан бирор ёзувчи услубининг ўзига хос хусусиятларини, бадиий воситалар йиғиндисини англатади. Поэтика шеърининг, шеър тузилишининг хусусиятлари маъносида ҳам қўлланилади»¹³. Ушбу таъриф умумий бўлиб, «поэтика» тушунчасининг қўлланилиш доирасини чегаралайди. Поэтика турли хил – адабий тур ва жанрларнинг

Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т.: Фанлар академияси нашр., 1959.; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси (“Ҳазойинул маоний” асосида) – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1983.

⁷ Қўшжонов М. Абдулла Қаххор маҳорати. Монография. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1988.; Қўшжонов М. Ҳаёт ва нафосат. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1970.; Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: “Шарк”, 2007.

⁸ Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Т.: “Ёш гвардия”, 1983.; Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. (Мақолалар). – Т.: “Ёзувчи”, 1994.

⁹ www.ziyouz.com кутубхонаси. Султонмурод Олим. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Б. 375-376

¹⁰ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: 2004.; Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: “Шарк”, 2007.; Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик мезонлари ва уларнинг маромлари. – Т.: 2011.; Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2015.

¹¹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1979. – Б. 236.

¹² Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. – Т.: Академнашр, 2020. – Б. 38.

¹³ Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: 1967. – Б. 252.

Ўзига хос қонунлари, бадиий нутқ ва услуб кабиларнинг асарда намоён бўлиши масалаларини қамраб олади. Шунингдек, адабиётни яхлит тизим сифатида ривожлантириш вазифасини ҳам зиммасига олади. Поэтика умумий, хусусий, тарихий каби йўналишларга бўлинади ва шу нуқтаи назардан манбани текширади. Аниқ бир асар ёки ижодкор устида иш олиб бориб, унинг ўзига хослигини таъминлаб турувчи барча жиҳатларни тадқиқ этиш эса хусусий поэтикага дахлдордир.

Адабиётшунослигимизда шеърят поэтикасига оид эришилган билимларга таянган ҳолда, С.Воҳидовнинг бадиий маҳорати, бармоқ вазнидаги шеърларида шакл ва мазмун уйғунлиги, поэтик тасвир борасидаги ўзига хосликлари, жанр имкониятларини, тил хусусиятларини атрофлича ўрганиш ва шоирнинг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси, хусусан, адабиётдаги ўрнини белгилаш муҳимлиги кўзга ташланмоқда. Бу жараёнда унинг ижодкор сифатида шаклланиш омилларига эътибор қаратиш ҳам шоир поэтик оламини англаш ва баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

1.1. Шоир ижодининг шаклланиш омиллари

XX асрнинг 30-йилларида бир қадар инқирозга юз тутган Бухоро адабий ҳаракати 40-йилларга келиб яна жонлана бошлади. Бу адабий жараён 50-йилларнинг бошларида Бухорода Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этди. «Бухоро ҳақиқати» газетаси ҳузурида бир қанча адабий тўғарақларда юздан ортиқ ёшлар бадиий маҳорат сирларини ўргандилар¹⁴. Уларга издошлик қилган яна бир гуруҳ ижодкор ёшлар 70-йилларда китобхонлар нигоҳини ўзига қарата олган. Бу даврда Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳидов, Садриддин Салим Бухорий, Тилак Жўра, Саид Равшан, Музаффар Турсунов сингари адибларнинг ижоди мустақиллик шарофати ила янги бир босқичда давом этди. Кейинчалик ҳам ўнлаб шоиру носирлар, драматурглар Бухородаги адабий муҳитнинг янги босқичда ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бизнинг тадқиқот

¹⁴ Бақоев Х. Сафарбар ёшлик. // Шарқ юлдузи. 1984. 4-сон. –Б. 13-14.

марказимизда эса айни XX асрнинг 70-йилларида яққол бўй кўрсатган истеъдодли шоир, радиожурналист, телепублицист, таржимон С.Воҳидовнинг ҳаёти ва ижоди туради.

«Ижодкорнинг оила турмуши, қариндош-уруғлари, дўст-биродарлари билан муносабати, яшаш тарзи, унга доир одатлар, уни қамраб турган омиллар бир жиҳатдан унчалик муҳим туюлмаслиги мумкин. Лекин ижодкор ҳаётида рўй берадиган ғайриоддий ҳолатлар, оламшумул воқеаларга нисбатан ниҳоятда кўп фоизини ташкил этувчи ҳаёт тарзи бевосита маиший турмуш билан боғлиқки, бу кўп жиҳатдан ижод намуналарида ўз муҳрини қолдиради»¹⁵. Шу боис, С.Воҳидов феноменининг шаклланишига хизмат қилган биографик омилларга эътибор қаратиш жуда муҳим.

Шоирнинг ижодий йўли. С.Воҳидов 1942 йил 12 сентябрда Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Талисафед қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Онаси Алишер Навоий, Фузулий шеърларидан кўпини ёд билган ва оила даврасида мудом ўқиб берган. Сўз сеҳрига ошуфталик шоирга она сути билан ҳамроҳ бўлган. Эҳтимол, шоирнинг болалигидан қулоғига кирган, ихтиёрсиз равишда қалбига муҳрланиб қолган мумтоз шеърят оҳанглари кейинчалик унинг ҳам ғазаллар, мухаммаслар битишига сабаб бўлгандир.

Болалик йиллари II жаҳон уруши йилларига тўғри келган шоирнинг бола онгги ўзи таниган, билган кишиларининг маҳзун нигоҳи, дардли қалбларини туйиш билан ўтди. Бу ҳислар кейинчалик унинг «Гўдакликдан қолган хотира», «Ижобатсиз дуолар», «Ғалабанинг илк куни», «Етилмай янчилган донлар»... каби шеърларида «*Лекин гўдакликнинг пок дафтарида, Бир қора саҳифа йиғлайди ҳамон*»¹⁶ тарзидаги нолаларга айланди. Шоирнинг илк шеъри 5-синфда ўқиб юрганида «Бухоро ҳақиқати» газетасида чоп этилган¹⁷. Ҳарбий хизматдалигида – 1964-йили «Шарқ юлдузи» журналида ҳам шеъри босилади. Бу С.Воҳидовга далда бўлган катта матбуотдаги илк

¹⁵ Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: “Фан”, 2006. – Б.17-18.

¹⁶ Воҳидов С. Айланадир бу дунё. Сайланма. I жилд. – Бухоро: 2003. – Б.46. (Ушбу тўпламдан олинган кейинги мисолларда китоб жилди ва саҳифаси қавсда кўрсатилади)

¹⁷ Davr – info. Samandar Vohidov: Shoirlilik – qismat. Maqola. 2011.

чиқиши эди. Ўша йиллардаги матбуот саҳифаларидан биз унинг насрда ҳам калам тебратганлигини кўрамиз. У «Мунофик», «Қадрланмаган кадр», «Она меҳри», «Одобли бола» сингари ҳикоялар ҳам ёзган. Аммо илк ижодий ҳаракатларнинг каттагина қисмини шеърлар ташкил эта бошлаган эди. Унинг ҳарбий хизмат чоғида ёзилган, ҳозиргача шеърий тўпламларига киритилмаган «Нега шошар шалола?» шеъриданок истеъдоди намоён бўла бошлаганини кўрамиз:

Шарқираб, ҳайқириб бошини тошдан
Тошларга урибон тортиб оҳ-нола,
Сарфлаб юрагида бор бардошини
Ажаб, нега бунча шошар шалола?
Зарра томчиларга бўлинар гоҳо,
Тўлқинга айланиб чопади равон.
Мисоли боласин йўқотган она
Не сабаб шалола уради жавлон?
Тўсиқ тошни этмай заррача писанд,
Ғафат олға, олға чопмоқни ўйлар.
Ўз жонини, нечун, қайси боисдан
Кумуш соч малика – шалола қийнар?
Билсамки, ошиқиб, ошиқ шалола
Висол ишқи билан тўлиб тошаркан.
Йўлига интизор дилдори – дала
Васлини соғиниб унга шошаркан¹⁸.

Шоирнинг истеъдоди бадиий фикрлашга, ўзига хос тасвирий ифодалар, ўхшатишлар, сифатлашлар билан (*Кумуш соч малика – шалола, Мисоли боласин йўқотган она, Йўлида интизор дилдори – дала, ошиқ шалола*) тасвирлашга уринаётганлигида яққол кўриниб турибди. Шоир ўз ҳисларини, орзуларини шалолага қиёс этади. Муаллифнинг шеър ёзилган йиллар билан

¹⁸ Бу шеър С.Воҳидовнинг ижод лабораториясидан олинди. Газета ёки журнал парчасида “Самандар Воҳидов, солдат” номи билан чоп этилган шеър шоирнинг китобларига кирмаганлиги боис тўлиқ келтирилди. Тахминан 1964-йилларда ёзилган. (газета ёки журнал кўрсатилмаган).

боғлиқ хотираларига таянадиган бўлсак, шеърнинг мазмун-моҳияти янада равшанлашади.

С.Воҳидовнинг шеърий машқлари ҳаваскорлик билан эмас, балки кучли ички истак, юрак даъвати, руҳий эҳтиёж билан юзага келган. Шоир ҳарбий хизмат таътили чоғида Тошпўлад Ҳамид (кейинчалик институтдаги устози) билан илк учрашувини самимият билан эслайди. Устознинг унга «Шеър ёзишни бўшаштирманг...»¹⁹, деган сўзлари шалоланинг ўз даласи томон ошиққани сингари С.Воҳидовни ҳам ижод майдони сари шоширган эди. Шалола мисоли гоҳ зарра томчиларга бўлиниб, гоҳ тўлқинларга айланиб олға интилишга ундади. Шеър шоир феноменининг ўша даврлардаёқ шакллана бошлаганлиги, ички оламидан сўзлашда қандай усулларни танлаганлиги, илк шеърларидаёқ катта мақсадларни қўйганлигини намоён этиб турибди.

С.Воҳидовнинг адабиётга меҳр қўйишига ва ижод майдонига кириб келишида отаси ва акаси Искандар Воҳидовларнинг ўрни беқиёс. «...отам ҳар гал туман марказига тушганларида, албатта, икки-учта рангли китоблар олиб келардилар, мен ҳали мактабга бормасам-да, акам менга у китобларни ўқиб берар, менинг бола онгим илғайдиган даражада тушунтирарди»,²⁰ – деб ёзади шоир. Укасининг шеъриятга ошуфталигини бир лаҳза бўлсин унутмаган акаси унинг ҳарбий хизмат чоғидалигида ҳам китоблар, жумладан, Э. Воҳидовнинг илк шеърий тўпламини жўнатади. С.Воҳидовнинг Тошпўлат Ҳамид билан биз юқорида эслagan учрашуви ҳам айнан акаси сабаб юз берган. Акасининг дадиллиги, шоир укаси билан фахрланиб унинг машқларини Тошпўлад Ҳамидга олиб бориши «... Неъмат Амин, Саид Равшанга шартли равишда қиёслайдиган бўлса, ... ўта жиддий, босиқ— мулоҳазали, ўйчан ва биров маҳзун йигит»²¹ С.Воҳидов учун бу учрашув кутилмаган, аммо уни шеърият олами томон оҳанрабодек тортган воқеа бўлган. С.Воҳидов ўзининг 2008 йилда нашр этилган «Ҳаж дафтари»

¹⁹ Воҳидов С. Куёш заррасига завол бегона (эссе). // Бухоронома. – Бухоро, 2012. май.

²⁰ Воҳидов С. Нон вужуднинг, китоб руҳнинг эҳтиёжидир. Мақола. // Китоб дунёси. – Бухоро, 2010. – Б. 3.

²¹ Омон Мухтор. Боқийлик касб этган боғ. // Карвон қўнғироғи. – Бухоро, 2012. авг.

китобини акасига бағишлайди ва шундай сўзларни битади: «Ушбу китобимни менда болаликдан адабиётга меҳр уйғотган суюкли акам, илк устозим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Искандар Воҳидовга катта ҳурмат билан бағишлайман»²².

С.Воҳидовнинг илк шеърларини кузатар эканмиз, уларда шоирнинг табиатни теран англаши ва у билан руҳан яқинлик туйганлигини кўрамиз. Табиатнинг ҳеч бир ҳодисаси беسابаб бўлмаганидек, С.Воҳидов ҳам ўз туйғулари сабабини борлиқ билан боғлашга ҳаракат қилганлиги «Сув ва дарахт», «Гул ва қалб», «Тонг нури», «Тошни камситмангиз», «Билсайди...», «Соғиниш» каби дастлабки шеърлариданок англашилади. Унинг муҳаббат мавзусидаги «Сезмабмиз», «Сочларга тикилиб...», «Шунча йил ўтиб...», «Журъатсиз маҳбубга», «Унут бўлган гўзалга», «Сўнг билсам...» каби шеърларида эса қофияга эргашиш, умумий оҳангдан четга чиқиш ҳолатлари учрайди:

Этаклар шохларнинг учини
Ўпганда увишар юраклар.
Дириллар билакдай арғамчи,
Сингудек қарсиллар тераклар²³.

«Юраклар» ва «тераклар» сўзлари ҳар жиҳатдан мос қофиядош сўзлар бўлса-да, теракнинг тикка ўсиши арғимчоқ ўрнатиш учун қулай эмаслиги сабабли бу сўзлар тасвир мантиғи учун муносиб жуфтлик бўла олмайди. Теракнинг осмонга йўналган шохларига қадар арғимчоқда учиб бориш мумкин эмас. Навниҳол теракларга эса арғамчи бойлаб бўлмайди. Бирок шоирнинг бадий мақсади икки дўстнинг завқу шавқ билан арғимчоқ учиш манзарасинигина чизишдан иборат эмас. Асосий ғояни беришда муаллиф реал тасвирга мантиқан тўғри ёндашади. Арғамчини дўстликнинг ипларига қиёслар экан, «*Хавфи ҳам, завқи ҳам қўшалоқ*» бу «парвоз»ни шундай тасвирлайди: «*Икковдан баробар куч тилар, Икков тенг жавобгар эрурмиз.*

²² Воҳидов С. Ҳаж дафтари. (Эссе ва шеърлар). – Бухоро, 2008. – Б. 3.

²³ Воҳидов С. Кафтимда гул. Шеърлар. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. – Б.10.

Парвозин қудрати сусаяр Салгина бўшашсак биримиз...». Шеърятда дўстлик шишага, дарахтда (сохта дўст кўланкага) ўхшатилади. Дўстлик тушунчасини арғимчоқнинг икки ипига қиёслаш – бу шоирнинг бадиий топилмаси, поэтик кашфиётидир.

Шоирнинг ижод лабораториясини синчиклаб кўздан кечирар эканмиз, унинг бу каби шеърларини қайта таҳлилдан ўтказиб, мавжуд сакталикларни бартараф этганлиги, бадиий ишлов берганлиги, кўлёзма кўринишида кўшимча бандлар ҳам киритганлигини кўрамиз. Қайта ишланган бўлишига карамай, муаллиф бу давр шеърларининг кўпчилигини шеърый тўпламларига киритмаган. Аммо бу шеърлар унинг ижодий камолоти, бадиий юксалиши учун бир босқич вазифасини ўтади, дейиш мумкин. Уларга муаллиф ҳам шу нуқтаи назардан баҳо берган бўлса, эҳтимол.

Талабалик йилларида С.Воҳидовга оқ йўл тилаган устозларидан бири профессор Тожи Қораев унинг ижодига шундай баҳо берган эди: «Самандарнинг шеърларида учраб турадиган оригинал тасвирий воситалар, тафаккуримизга таъсир қиладиган ёрқин фикрлар, шеър учун муҳим саналган равонлик ва табиийлик унинг келажакдан далолат беради. Самандар яхши изланыпти, фикр ва сўзларнинг янги қирраларини очишга, ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларга мушоҳада билан қарашга интиляпти. Ана шу хислатлар туфайли унинг шеърлари секин-секин оригиналлик касб этмоқда, ғоявий-тематик доираси кенгаймоқда»²⁴. Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг муҳаббат мавзусидаги илк шеърлари ҳам ўзига хос: ортиқча ёниш-куйиш тавсилотларидан йироқ, аммо улардан-да юксак, самимий туйғулар тараннум этилади.

С.Воҳидовнинг 60-70-йиллар мобайнида ёзилган шеърларида кўпроқ ўз кўнгил оламини, руҳий ҳолатини бадиий ифодалашга уринганлигини кўрамиз. Айни шу жиҳат унинг барча мавзулардаги шеърларининг асосий

²⁴ Қораев Т. Оқ йўл, Самандар! Бухоро ҳақиқати. – Бухоро, 1965.

пафосини таъминлаган. Зеро, бу йилларда ўзбек шеърляти инсон кўнглига дадил кириб кела бошлаган эди²⁵.

Ўз шеърлари билан матбуотда тез-тез кўриниб турган бўлса-да, унинг илк китоби 1976 йилда чоп этилди. Болаларга бағишланган «Қорбобонинг истаги» номли бу китоб шоир Усмон Темур билан ҳаммуаллифликда чоп этилган. Унда С.Воҳидовнинг «Минора афсонаси» номли эртақ-достони ўрин олган. С.Воҳидов болалар шоири эмас, аммо унинг ўзига хос содда, равон, ўйноқи ифода услуби мавжудлиги ижод намуналари ичидан болаларга аталганларини ҳам тортиқ этишга имкон беради. «Гулхан» болалар журналининг бир нечта сониди шоирнинг шеърлари нашр этилганлиги бунинг исботидир. «Меҳрибон ўртоқ» шеъри шулардан бири:

Чўнтагим тўла конфет,
Шимиб юрардим якка.
Тиши оғримасин деб,
Бермадим-да Тилакка²⁶.

Бу йўналишдаги шеърлар шоир ижодининг дастлабки йилларида, ўз руҳиятига хос ва мос ифода йўналишини белгилаб олгунига қадар бўлган жараёнга тааллуқли. Шоир ижоди болаларга бағишланган шеърлар, таржималар, фалсафий мазмундаги лирик намуналар билан биргаликда бойиб борганлигини кўрамыз. Бу қаторга шоирнинг ҳажвий шеърларини ҳам киритиш мумкин. «Муштум» журналида ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг «Ойнадан ўпкалама» рукни остида С.Воҳидовнинг кўплаб ҳажвий шеърлари чоп этилган. Шоирнинг 80-90 йиллар оралиғидаги ижодида бу йўналиш кўпроқ кўзга ташланади. Шоир ижодида ҳажвий шеърларнинг пайдо бўлиши Ўзбекистон халқ ёзувчи Неъмат Аминовнинг адабий даврасидан баҳраманд бўлиш натижаси дея бемалол айта оламиз. С.Воҳидов Н.Аминов таклифи билан унинг ёнида вилоят радиосида иш

²⁵ Шарафиддинов О. Истеъдод жилolari. – Т.: 1976.; Ўша муаллиф. Биринчи мўъжиза. – Т., 1979.; Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Т.: 2002; Норматов У. Кўнглига кўчган шеърлят. – Т.: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006. – Б. 11.

²⁶ Воҳидов С. “Меҳрибон ўртоқ” // Гулхан. – Тошкент, 1989 й. 10 сон. – Б. 31.

бошлайди. Ва бу жараён бўлажак шоирнинг Н.Аминов услубига хос воқеа-ходисаларга ҳажв кўзгуси орқали қараш йўсинини пайдо қилганлиги «Хаскаш», «Афандининг жуфти ҳалолига дегани», «Ҳангома», «Телефон одам», «Ўхшайсан-у... айтмайман», «Биз» каби шеърларида намоён бўлган.

С.Воҳидовнинг том маънодаги биринчи шеърый тўплами «Кафтимдаги гул» номи билан 1977 йилда босилиб чиқди. 1978 йили эса «Қатраларда нур ёнар» китоби нашр этилди. Шоир шеърый тўпламларининг номланишиёқ, муаллифнинг нозик қалби ва ундан тўкилган сатрлар мазмуни ҳақида дастлабки тасаввурларни беради. Шеърыйт ихлосмандларига кафтида гул тутган шоирнинг ҳар бир қатрасида эндиликда соғинч, меҳр нури жилвалана бошлаган эди. Ҳар иккала шеърый тўпланда ҳам бармоқ вазнидаги (баъзан эркин шаклли) шеърлар ва саккизликлар жамланган.

Шоирнинг ижодий камолот сари босган йўлини ўрганар эканмиз, 1985 йилда чоп этилган «Оламдан ранг излаб» шеърый тўплами унинг жиддий ижодий изланишларга бел боғлаганлигини кўрсатади. «*Оламдан ранг излаб ўтар кунларим, Мени овутолмас мен билган ранглар*», дея кунларидан қониқиш туймаётган, ўз ҳисларининг рангларини кашф этишга чоғланган лирик қаҳрамон қиёфаси, озор чеккан кўнгли, маҳзун кайфияти тўпландаги ҳар бир шеърда ёрқин намоён бўлади. Бундай ўйчанлик, ҳаёт синовларини ҳар томонлама мушоҳада этиш «Устозни кўмсаб», «Тунги гулхан», «Баҳор азаси», «Лоқайдлигим – армонларим онаси», «Олтин балиқ ҳасрати» каби шеърларида яққол кўринади.

Шоирнинг ҳар бир шеърда ҳаётий тамойиллари акс этган. Ўзидан йироқ бўлган тушунчалар ҳақида шеър ёзиш унинг учун бегона. Унинг кўплаб шеърлари юқорида билдирилган фикрларга муболаға сифатида қарашимизга йўл қўймайди.

Қадамнинг зарбидан бир гул синмаса,
Қалбингда меҳрнинг чўғи сўнмаса,
Мурувват чашмаси тошса, тинмаса,
Уйингдан дўстларинг оёқ узмаса,

Пок иймон яшадим, десанг, ҳаққинг бор. [I, 328]

Заррага ҳам озор етказмаслик, улкан эзгуликлар қилиш шоирнинг яшашдан мақсадидир. У яшашда давом этиши учун ундан дили озор чеккан бирор кимса бўлишини истамайди. С.Воҳидов ўзининг шу ҳаётгий эътиқодига бутун умр содиқ қолди. Бир текисда оқмайдиган ҳаёт уммонининг кучли тўфонларига дуч келганда ҳам, ўзидаги ҳаётсеварлик, яратиклар ичра олийси – инсонларни севиш, кўнгилдан кўнгилга йўл топиш мезонларидан асло чекинмаганлиги унинг ҳар бир сатридан англашилиб туради:

Қилмишларим касридан бир бор –

Дўстлар ногоҳ чекканда изза,

Ёпса ишонч чашмасин ғубор,

Қалбим тинган лаҳза шу лаҳза. [I, 6]

Яхши ижодкорлар, аввало, ўз заминида қад кўтардилар, кейинчалик катта адабиётнинг етакчи вакиллари сафига қўшиладилар. Бироқ пойтахтдан узоқда яшаб ижод қилиб ҳам яхши асарлар яратиш, умумадабиёт ривожига ҳисса қўшиш мумкин. С.Воҳидовнинг салмоқли ижоди бунинг ёрқин мисолидир. Шоирнинг эллик йилдан кўпроқ ижодий фаолиятининг бир қисми шўро даврига, бир қисми эса мустақиллик йилларига тўғри келади. Бу икки даврнинг маънавий-мафкуравий моҳияти билан бир-биридан тубдан фарқ қилиши шоир ижодида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Дунёқараш ва шахсияти ҳукмрон даврда шаклланган бўлса-да, С.Воҳидовнинг мустақилликка қадар ёзилган шеърларида ўша давр мафкурасини алқаш у қадар кўзга ташланмайди. Шоир инсон кўнгил оламини тафтиш этишга, ўз туйғуларининг номини, рангини топишга, инсонлараро муносабатлардаги нозик қалб кечинмаларини англашга, англантишга уринади. Шу боис ҳам умумўзбек адабиёти «С.Воҳидов ижодида «инсоннинг ўзи – бетакрор қадриятдир»²⁷, деган ҳаётсеварлик концепцияси етакчилик қилади», дея эътироф этди. Бундан шоирни замон, давр воқеликлариغا бефарқ деган

²⁷ Saviya.uz. “O‘zbek adiblari” (S. Mirvaliyev, R. Shokirova. Toshkent, G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san‘at nashriyoti, 2016) kitobidan.

хулоса чиқармаслик лозим. Эрка ташналик, унинг ҳар қандай тортиқлардан устун эканлиги шоир ижодида ўзига хос тарзда акс эттирилган:

Бешикка кўп ётмоқ ёқмас гўдакка,
Эрка талпинади таниб ақлини.
Қўллари кутқариб,
Етгач тилакка
Оёқ тугунига чўзар кўлини²⁸.

1987 йилда ёзилган «Ҳақиқат дейдики...» номли бу шеърда шоирнинг образли тафаккур даражаси анчагина юксалиб улгурганлигини кўрамыз. Шоирнинг давр ва халқнинг ёки давр ва шахснинг ижтимоий-руҳий ҳолатини тасвирлашдаги поэтик топилмаси, ҳақиқатан ҳам оригинал. Ўша йиллар тарихига назар ташланса, халқнинг кўллари боғлиқ бўлмаса-да, қаддини тик тутган эса-да, эркин қадам ташламоғи мумкин эмас эди. Аммо шоир бундан тушкунликка тушмайди. У хурриятни шунчаки орзу қилмайди, балки унга ишонади. Ҳақиқий шоиргина келажакни олдиндан кўра олади, у ҳақида дадил ёза олади. Зеро, шоирнинг тафаккури англаган ҳақиқатгина келажакнинг хабарчиси бўла олади. Унда «*Гарчи оёқларим қисар йўрғакбоғ, Уларни ечмогим қийинмас энди*», деган ишонч янграйди. Юксак поэтик идрок, моҳиятга мос ҳаётий тасвир манбасини топа олиши, шоирнинг юрт тақдирига муносабатидан дарак беради. Бунда шахси, тафаккури, дунёқараши мустабид тузум даврида шаклланган бўлишига қарамай, шоир шеърларида миллий ўзига хослик акс этиб турганлигини кўрамыз.

Истиқлол йиллари С.Воҳидовнинг нафақат ижодий изланиш, балки ижодий юксалиш даври бўлди. Шоир ижоди мавзу ва жанрлар нуқтаи назаридан янги поғонага кўтарилди. «Хаёлинг мен билан» (1997), «Бухором бор, Бухором бор...» (1997), «Сунбула» (2002), «Умр чорбоғи» (2003) тўпламларида шоир ижодида фалсафа қуюқлаша борганлиги кўзга ташланади. Натижада ўз ўқувчисини пок қалб эгасига айлантира оладиган,

²⁸ Воҳидов С. Орзунинг осмони кенг. Сайланма. III жилд. – Бухоро, 2006. – Б. 34. (Ушбу тўпламдан олинган кейинги мисолларда китоб жилди ва саҳифаси қавсда кўрсатилади)

ҳаётида виждонини кемирувчи хатоларга йўл қўймасликка даъват этадиган, «*Ҳаводай яшасанг, ҳаводай... Кўринмасдан таратсанг баҳра*» дея беминнат яхшиликлар қилишни олий мақсади деб билгувчи покиза қалбли лирик қаҳрамон сиймоси яққол намоён бўлди. Бу лирик қаҳрамон кўнглида армонлари, ғам-қайғулари бўлса-да, бу дардларни бошқаларга раво кўрмайди. У ҳаводай яшашни истар экан, айна истакни бошқа бир шеърда янада ривожлантиради. Уни тобора мураккаблашиб бораётган дунё манзараси, инсонларнинг ўзгараётган зоҳирий ва ботиний қиёфаси, эътиқод ва ишонч қўйиб улғайган ҳаётини қарашларининг бутунлай бошқа кўринишда намоён бўлаётганлиги ташвишга солади. У шундай вазиятда инсонийликни бой бериб қўйишдан чўчийди. Шеърда ана шулар ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилади шоир:

Ҳаво бўлиб яшаш эди эътиқод,
Дикқинафас қафасларни синдирсам.
Тириклигин менда кўрса жон-жонзот,
Тошлар бағрин ёриб гуллар ундирсам.
Бугун ҳаво заҳарларга тўлишган
Мен кўрқаман ажал ҳаво бўлишдан. [I, 262]

С.Воҳидовнинг ижодий юксалиши таржима жараёни билан бирга кечди. Шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, бадий таржима унинг «ўз қобиғидан чиқиш»ни ўргатди. Унинг таржимасида қалмиқ, тожик, авар, озар, қозоқ, рус шеърляти намуналаридан ўқиш мумкин. Шунингдек, тожик тилида ижод қилган бухоролик шоирларнинг ғазал, мухаммас, рубоий, маснавий, қитъа жанридаги шеърларни жанр мезонларини сақлаган ҳолда ўзбек тилига ўғирди. Тинимсиз изланишлар шоир ижодининг жанрий имкониятларини ҳам кенгайтди. Натижада шоир ижодида ғазал, таъби худ ва тахмис мухаммаслар яратиш етакчилик қила бошлади. Шу билан бирга дoston, бағишлов, қасида жанрлари янгича мазмун-моҳиятда намоён бўла бошлади.

С.Воҳидов ижодий шаклланишида ижтимоий-адабий муҳитнинг ҳам аҳамияти катта. Шоирнинг ижтимоий меҳнат фаолияти унинг адабий

даврандан узоклашмаган ҳолда ижод қилишини таъминлади. Дастлаб радиожурналистика соҳасида, кейинчалик вилоят телерадиокомпаниясида муҳаррир, катта муҳаррир, 1979 йилдан умрининг охиригача – 35 йил бош муҳаррир вазифасида фаолият юритди. Бу эса уни Бухородаги мавжуд ижодий жараён билан янада яқинлаштирди, шу билан бирга, давр ўзгаришлари моҳиятини теран англаб етган ҳолда ижод қилишига кўмак берди.

Ижод борасида ижтимоий-адабий муҳит чегарасини шоир яшаган давр ва ҳудуд билангина боғлиқ деб белгилаш тўғри эмас. Арузий Самарқандий «Чаҳор мақола»сида шоир бўлишнинг шартларидан бири салафлар ижодидан 20 минг, замондош шоирлар ижодидан 10 минг байт шеър ёд билиши керак эканлигини таъкидлайди. Демак, адабиётимизда шоирнинг ўз замони ва турли даврлардаги бадиият намуналаридан хабардор бўлиши адабий-бадиий мезон сифатида қабул қилиб келинган. С.Воҳидов шеърининг жанрий таракқиёти ва тадрижи шуни кўрсатадики, аруз вазнидаги шеърлар таржимаси билан шуғулланиш ва Навоий асарларига ошуфталик унинг ҳам мумтоз жанрларда ижод қилишга илҳомлантирган. Натижада шоир ижодида юздан ортиқ ғазал, таъби худ ва тахмис мухаммас жанрлари ҳам ўз бадиияти билан бўй кўрсатди. Ўзбек адабиёти тарихида Навоий ғазалларига энг кўп мухаммас боғлаган шоир сифатида С.Воҳидов номини эътироф этиш муҳимдир. Хусусан, у Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маъоний» куллиётидаги 50 ғазалига мухаммас битди. Ва ўзининг «мухаммаслар гулдастасини» «Бу боғда баҳра боқийдур» номи остида мухлисларига тортиқ этди.

С.Воҳидов ижодининг каттагина қисмини воқеабанд шеърлар ташкил қилади. Бундай шеърларни унинг дostonчиликкача бўлган изланишлари сифатида эътироф этиш мумкин. Шоир жамиятдаги иллатлардан чуқур қайғуга тушади. Ва бу ҳолатлар унинг воқеабанд шеърлари учун туртки бўлган. Айниқса, дostonлари ривожида воқеабанд шеърларининг таъсири сезилади. Масалан, «Туғилгандим юрак билан» шеъри эса ўз мазмуни билан

«Юракнинг қайтиши» достонини эслатади. «Халоватни ҳалолликдан изладим» достонига қадар шоир хунармандлар ҳаёти акс этган кўплаб шеърлар ва мақолалар ёзган. Бу ижодкор тафаккурида пайдо бўлган каттарок бадиий ниятни юзага чиқариш учун изланиш, тайёргарлик кўриш жараёнидир. Унинг воқеабанд шеърларини тасвир учун асос бўлган ҳодиса нуқтаи назаридан иккига ажратамиз: биринчиси, аниқ ҳаётий воқелик ва унга оид лирик қаҳрамоннинг мулоҳазалари келтирилган; иккинчиси, табиат ёки жонсиз нарсаларнинг вазифаси билан боғлиқ шоир тасавурида жонланган воқелик. «Ижобатсиз дуолар», «Йўлбарс», «Эртакдан сўнгги ўйлар», «Ёмғирли кун», «Гўзаллар томошасида», «Анграйган болакай», «Пойгада», «Мерганнинг армони», «Халта йиғар болалар», «Каскадёр», «Шифохона – ажиб дунё», «Ўрмон сувчига тасалли», «Болаликдан қолган армон», «Сафо Кайфий ҳақида армонли эртак», «Ёглар», «Чайладаги фожиа», «Беморхона болишига сўйланган дардлар», «Бир замонлар», «Отамнинг сабоғи», «Она, она... Жўрам ўлди», «Шўх Нортой ҳақида ғамгин кўшиқ», «Оқтерак ҳикояси» каби воқеабанд шеърлари шулар жумласидандир. Шоирнинг бу каби шеърларида ҳам лирик ифода усули эпик ва драматик тасвир билан уйғунлик ҳосил қилади. Айти шу жиҳати билан улар достонларга яқинлашади. Бироқ улар ҳажм жиҳатидан фарқланади. Воқеабанд шеърларда фикрлар, ҳис-туйғулар биргина воқелик сабаб юзага келади. Шу воқелик кичик деталларга ажратилиб, уларнинг ҳар бирига алоқадор туйғулар билан сайқалланади. Воқеабанд шеърларда ҳаётни, атроф-муҳитни кузатишлари натижасида ўзи муҳим деб билган, эътиборини жалб қилган, бадиий тафаккур оламига таъсирини ўтказа олганлари ҳақидагина ёзади. Шу билан бирга, ўз яқиний ҳукмини – фалсафий хулосасини ҳам баён қилади. Уларда лирик қаҳрамоннинг шахсияти кўпроқ намоён бўлганлигини ҳам кўраемиз. «Болаликдан қолган бир армон» [I, 236] шеърини ўқир экансиз, беихтиёр муаллифнинг болалик қиёфаси кўз олдингизда гавдаланади. Қишлоққа келган кинога кириш учун пули етарли эмаслигини билгач, шошиб уйига чопган боланинг ортидан эргашиб сиз ҳам шошасиз. Лирик қаҳрамоннинг

кино кўриш иштиёқи шу қадар кучлики, «тезроқ, тезроқ бўлсанг-чи, кино бошланмасидан угурармикансан», деган ҳислар ўтади, ўқувчи қалбидан. Киночининг: *«Пул бўлмаса кармонда, қоласиз-эй армонда»* деган бакириғини ўз қулоғингиз билан эшитгандек бўласиз. Шоир бирдан ҳодисанинг якунини айтиб қўя қолади:

Мен армонда қолдим ўшал кун...

Чўнтак титсам, бори ярим сўм.

Муаллифнинг асл мақсади қишлоққа кино келгани-ю, унга пули етмаганлиги учун киролмаганлигини айтишдан иборат эмас. У шу армоннинг сабаб ва оқибатларини, покиза қалбга қўнган илк алам ва изтироб ғуборларини қаламга олади. Болаликда инсон хоҳишлари амалга ошишини шу қадар истайдики, нима қилиб бўлса-да мақсадга эришишга уринади. Болалик шижоати, юрагидаги олов билан у ҳар нега қодир. Оиладаги моддий қийинчиликлар боланинг чексиз орзуларига асло чегара қўёлмайди. Бола қалби ва унинг орзулари бу муаммолардан бир қадар устун туради. У ўз мақсадига ўзи йўл излашга ҳам қодир. Катакдан тухум олган бўлса-да, қанийди, шу билан иш битса, ҳамма ошиқиб кираётган кинога у ҳам кирса:

Ночор қолдим кўчада якка,

Суянчга зор орзуйим билан.

Кафтда уч-тўрт терлаган танга,

Қалбда юм-юм йиғлаган алам.

Иштиёқи, шижоати пулга сотилган, ишончи тубсиз жарга отилган, болалигининг покиза саҳифаларига армон оралаган, ночор бола қиёфаси мунғайиб кўрина бошлайди. Ичкаридан янграётган хитобларни эшитар экан,

Ўзимгами, уларга раҳмим –

Келиб,

Шўр таъм туйдим лабимда.

Меҳрга муҳтож, орзуси суянчга зор болақайнинг кўзларида ёш кўринади. Наҳотки, дунёнинг бешафқатлиги каттаю кичикка тенг, баробар бўлса, деган фикрлар китобхонни қийнай бошлайди. Аммо бу йўқчилик,

аникроғи, инсонларнинг кўнгил билан эмас, арзимаган ярим пул билан ҳисоблашишлари беғубор болалик орзуларининг армони бўлиб қолганлигини шоир ёниб шеърга солади: «*Бола руҳим – ярадор сайддек – Ер тирнаб, зор мўлтирар эди*».

Кичик бир воқеа. Армонли хотира. С.Воҳидов шеърларининг воқеаларга асосланган бундай жиҳатларини илғаган профессор О.Сафаров шундай ёзади: «Шоир жамиятдаги бу иллатларни шуур билан идрок этганидан уларнинг хилма-хил кўринишларини кўрсатмоқчи бўлади. Бу унинг шеърларида эҳтиросдан кўра совуққон воқеагўйликни кучайтирган омилга айланган, шеърий ифодавийликни прозаизмга мойиллаштирган. Унинг аксар шеърлари – у ёки бу кечаётган ҳодиса ва воқеаларни ифодаловчи шеърий лавҳадай»²⁹. Аммо шоир шу лавҳаларда ўз юрак сўзларини айтиб қолишга ҳаракат қилади. «Отамнинг сабоғи» [III, 66] шеърда ҳам кичик бир ҳаётий эпизоднинг инсон ҳаётига, дунёқарашига, имон-эътиқодига таъсири ҳақида ҳикоя қилади. Бу шеър ҳам лирик қаҳрамоннинг болалик хотираларини ёд этиш тарзида баён қилинган. Бегуноҳнинг жазоланаётганлиги, бунга гуноҳкорнинг ўзи ҳам кўмак бераётганлиги ўқувчини изтиробга солади. Шоир объектив мазмун баёнидан сўнг ўз бадий мақсадига кўчади. Арзимасдек кўринган воқеанинг тўғри, адолатли ечим билан тугаши лирик қаҳрамон учун катта ҳаётий сабоқ бўлганлиги қуйидаги мисралардан англашилади:

Аммо энди лол, ҳайрон,
Кузатарман оламни.
Қалбим бўлиб кетар қон,
Кўриб ғирром оламни.

Отанинг сабоғи фарзанд қалбида адолатсизлик, ноҳақликка нисбатан нафрат пайдо қила олганлиги, бир умр «*Қамчиға даста бўлмоқ*»ликдан асраб қолди. Лирик қаҳрамон ҳамманинг шундай сабоқ олишини – адолатсизлиги,

²⁹ Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. (Мақолалар, рисоалар) – Бухоро: “Дурдона”, 2015. – Б. 449.

виждонсизлиги жабрини ўша инсоннинг ўзи ҳам бир марта бўлса тотиб кўришини истайди. У шундагина мардлик, имон тантана қилишига ишонади:

Дейман: дадам сабоғин,

Кошки, ҳаёт билсайди.

Хивчин – уни узганнинг

Елкасида синсайди.

Шоирнинг асосий мақсади воқеликни баён қилиш эмас, балки унинг ёрдамида бадий мақсадни юзага чиқаришдир. Воқелик баёни эса лирик қаҳрамон ҳолатини тўғри тасаввур қилишга ёрдам берган. Лирик қаҳрамоннинг кўнгил кечинмалари тасвири лирик шеърнинг асоси ҳисобланади. Шоирнинг бундай шеърларида кечинмаларнинг объектив мазмун билан бирлашиб кетганлигини кўрамыз. Аммо шоирнинг барча воқеабанд шеърлари ҳақида ҳам бундай деб бўлмайди. Профессор О.Сафаров айтганидек, фақат воқеа-ҳодиса баёнидан иборат бўлиб қолган шеърлари ҳам анчагина. Уларда лиризмдан кўра эпиклик устунлик қилади. «Бир замонлар», «Шифохона – ажаб дунё», «Оқтерак афсонаси», «Очкўзни нафс ўлдирар», «Ҳамқишлоқлар даврасида» сингари шеърлари эпик характерда эканлиги фикрни далиллайди.

С.Воҳидовнинг кўп йиллик самарали ижодини қуйидаги жадвал яққол кўрсатади:

№	Шеърний тўпламлар	Йил	Таржималар	Вазн	Жанрлар	Шеърний шакллар	Шеърлар сони
1	“Қорбобонинг истаги” (хаммуаллифликда)	1976		Бармоқ	Ривоят-достон		1
2	“Кафтимда гул”	1977		Бармоқ	Шеърлар	Саккизлик	59
3	“Қатраларда нур ёнар”	1978		Бармоқ, эркин	Шеърлар	Саккизликлар	23
4		1981	“Ғаройиб қуш”				
5		1983	“Мухаббатим”		Шеърлар		33
6	“Оламдан ранг излаб”	1985		Бармоқ, эркин		Саккизлик, тўртлик	98
7	“Асал бобо”	1985			Достон		1
8	“Кенгликларни қўмсаш”	1991		Бармоқ, аруз	Шеърлар, бағишлов	Тўртлик	220
9		1996	“Бухорийлар		Ғазал, қитъа,		240

		(1998)	бўстони”		рубойи,мухаммас,маснавий,қитъ,мусаддас,фардлар,таржеъбанд,қасида		
10	“Хаёлинг мен билан”	1997		Бармоқ	Шеърлар		87
11	“Бухором бор... Бухором бор”	1997		Бармоқ	Шеърлар, ривоят-достон	Маснавий	26
12		2001	“Изларингдан айланай” (Қози Қурбонхон Фитрати Вардозехий)		Ғазал,мухаммас,таржеъбанд,рубойи, фард		25
13	“Сунбула”	2002		Аруз, бармоқ, эркин	Ғазал, достон, шеърлар, мухаммаслар		112
14	“Умр чорбоғи”	2003		Бармоқ, аруз	Шеърлар, ғазал, достон		72
15	“Ҳаловатни ҳалолликдан изладим”	2005			Достон		1
16		2005	“Мисли баҳор келдик яна” (Ҳазрат Хожа Исмадуллох Бухорий)		Ғазал, мухаммас,қасида, қитъа, рубойи		128
17	“Ҳаж дафтари”	2008		Бармоқ, эркин, аруз	Ғазал,мурабаъ,мухаммас,эссе	Тўртликлар – 28 та	56 (28+1)
18	“Гуллаётган кунлар”	2010		Бармоқ, аруз	Шеърлар, мухаммаслар - 12, достон-марсия	Тўртликлар – 23	76
19		2010	Муҳаммад (с.а.в.) хиди келгай (Ҳазрати Эшони Имло Бухорий)				
20	“Бу боғда баҳра бокийдур”	2011		Аруз	Таъби худ,тахмис мухаммас		51
19	“Истиқлол манзумаси”	2011		Бармоқ, эркин	Қасида		10
20	“Дунё дарсхонадир”	2013		Бармоқ, аруз		Тўртликлар(туркум)	112
21	“Айланадир бу дунё” Сайланма I жилд	2003					290
22	“Кўнглимда олам суврати” Сайланма II жилд	2004		Бармоқ, аруз	Шеърлар,мухаммас,достон,таржима		192

					лар		
23	“Орзунинг осмони кенг” Сайланма III жилд	2006		Бармоқ, аруз(таржималар)	Шеърлар, бағишлов, дoston, ривоят-doston		182
24	“Дунё ками битмагай” Сайланма VI жилд	2014		Аруз, бармоқ, эркин,	Шеърлар, ғазаллар, таржималар, мухаммаслар, дoston, касида,	Тўртлик	330

Хулоса қилиб айтганда, шоир ҳаётида содир бўлган ҳар бир ҳодиса унинг ижодий камолоти учун туртки бўлган, поэтик маҳоратининг такомиллашишига хизмат қилган. Бу жараён эса мавзулар, образлар, жанрлар хилма-хиллигини юзага келтириб, шоир ижодий меросини моҳиятан бойитди. Ижодий изланишлар самараси мавзулар мазмунинг юксалиши билан бирга вазнда ҳам кенг йўл очди.

1.2. Шакл ва мазмун уйғунлиги

Ижодкорнинг ички дунёси у яратган асарларнинг бадиийлик даражасини белгилаб беради. Муаллифнинг муайян ҳолатдаги ҳислари, туйғулари, ўй-фикрлари, борлиқдан англаганларининг барчаси бирлашиб ўз шаклий қиёфасига эга бўла бошлайди. Шакл ва мазмуннинг бир-бирини тақозо этиши ўртасидаги чегара жуда нозик. С.Воҳидовнинг кўплаб шеърларида кечинмалар ўз маъноси, ўз шакли билан туғилганлигини сезиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, шоир шеъриятида шакл ва мазмун уйғунлиги, образларга ўз фалсафий қарашларини тўлалигича сингдира олиш маҳоратини қиёсий ўрганиш ва назарий умумлашмалар чиқариш эҳтиёжи туғилди. Шоир ижодий мероси аруз, бармоқ ва кам сонли эркин вазндаги шеърлардан иборат. Унинг ғазаллари ва мухаммаснависликдаги маҳорати атрофлича ўрганилган. Шу боис биз ишда асосий эътиборни шоирнинг бармоқ ва эркин вазндаги шеърларини шакл ва мазмун жиҳатидан мувофиқлигини ўрганишга,

бу жиҳатни шоир поэтик тафаккурини намоён этишдаги аҳамиятини очиб беришга қаратдик.

Мазмун талаби билан шакл юзага келар экан, шаклнинг қатъийлашуви натижасида эса мазмун ҳам кенгайиб бораверади. «Адабиётшунослик луғати»да шакл ва мазмуннинг уйғунлашуви бадиийлик шартларидан бири сифатида эътироф этилади: «Бадиийлик тарихий категория саналади, унинг талаб ва мезонлари ҳар бир даврнинг маънавий-эстетик эҳтиёжлари, бадиий диди билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Шунга қарамай, бадиийликнинг жавҳари бўлган барқарор шартлар ҳам мавжуд. Жумладан, бадиийликнинг муҳим шартларидан бири мазмун ва шаклнинг уйғун бирлиги, уларнинг ўзаро мувофиқлигидир. Бадиийликнинг мазкур шарти инсон учун (инсоният учун) аҳамиятли мазмуннинг гўзал шаклда ифодаланиши, бадиий мукамал асарнинг органик бутунликка айланиши демакдир. Бутунлик эса асарда бирорта ҳам ортиқча, тасодифий, аҳамиятсиз унсур мавжуд бўлмаслиги, ундаги барча шакл унсурлари мазмунни, эстетик объектни шакллантиришга қаратилишини тақозо этади. Шу шартга дош бероладиган бадиий жиҳатдан мукамал асарнинг ортиғи ҳам, ками ҳам йўқ – унга бирон нарса қўшиб ҳам, олиб ҳам бўлмайди, иккала ҳолда ҳам бутунликка путур этади. Шундай бутунлик асосида ирреал олам – бадиий реаллик воқе бўлади»³⁰. Адабиётшунослигимизда назарий жиҳатдан ўрганилган шакл ва мазмун муносабати ҳақидаги ишлардан шаклий ранг-барангликларнинг асосий сабаби мазмундаги ўзгаришлар эканлиги англашилади³¹. Демак, қаламкаш ижодининг мазмун жиҳатидан юксалиши, бойиб бориши у яратган бадиий асар намуналарининг шаклий хилма-хилликларида намоён бўлади. Биз С.Воҳидов шеърятининг бу жиҳатини унинг бармоқ ва эркин вазндаги шеърлари асосида таҳлил ва талқин этишни маъқул топдик. Айниқса, унинг

³⁰ Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Академнашр”, 2013. –Б. 54.

³¹ Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2015. – 304 б.; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. –Тошкент: “Фан”, 2007. –Б. 228.;

бармоқ вазнида ёзилган шеърлари сарбастона шаклда ифодалангани билан эътиборни тортади.


Умр этагидан сочилган кунлар,	6+5=11
Янчилар икки тош –	3+3
Шому тонг аро,	5
Унми ё	3
Кепакка айланар улар,	8
Улгурмаймиз бергали баҳо.	4+5=9


Тегирмончи – ҳаёт бу ҳосилани,	4+2+5
Инсоф билан бир кун тушса элашга,	11
Бахтлисан,	3
Рағбатинг қолса,	5
Умрнинг –	2
Қолган қисмин яшашга.	7

Шеър бир қарашда сарбаст вазнида ёзилганга ўхшайди. Бироқ ифодадаги оҳангнинг такрорга мойиллиги ва бу оҳангни юзага келтираётган қофияларнинг (кунлар-улар, аро-баҳо; элашга-яшашга) мавжудлиги, бўғинлар миқдорининг эътиборга олинганлиги шеърни бармоқ вазнида ёзилганлигидан далолат беради. Шу билан бирга, шоир шеърни анъанавий бандлар кўринишида беради. Кўринадики, муаллиф ҳислари қофиянинг қатъий қоидаларига бўйсуниб қолмайди. Буни шеърнинг иккинчи – б-а-в-а тарзида қофияланган бандида кузатамиз. Шеър икки банддан иборат, дастлабки уч мисраси ўн бир бўғинли бўлиб, 1-мисра тўлиқ, яъни синдирилмаган; 2- ва 3- мисралари синдирилган. Тўртинчи қатори эса тўққиз бўғиндан иборат ва тўлиқ мисрада ёзилган. Кейинги банднинг дастлабки икки мисраси ҳам тугал шаклда. Учинчи қатори эса синдирилган ва бўғинлар сони жиҳатидан ҳам кам – 8 бўғинли бўлиб, оҳанг мутаносиблигидан четга чиқади. Сўнгги қатор ҳам синдирилган ҳолда ёзилган ва 9 бўғиндан иборат.

Синдирилмаган – тугал мисралар шеърий шакл ва оҳанг учун таянч вазифани бажармоқда.

Шаклнинг мазмунга таъсири борасида сўз юритсак. Дастлабки мисраёк кўчим билан бошланган. Шу биргина мисрадаги метафораларнинг ўзи инсонга ҳар бир кунини сарҳисоб қилишга мажбур қилади. Бўлинган мисранинг «Янчилар икки тош» қисмидан кейинги тўхтам «Нега кунлар янчилмоқда, уларни янчгувчи бу икки тош нима ўзи?» деган саволларни пайдо қилади. Умр шом ва тонг аро гўё тегирмоннинг икки тоши орасида янчилиб – синовлар қуршовида, қай бири сермазмун, қай бири эса бесамар ўтиб бораверади. Шоир инсон умрининг қисқа ва тез фурсатда ўтиб кетишини ўзига хос талқин қилади. Шеърнинг структур кўринишини куйидагича ҳосил қилиш мумкин:





Барча фикрлар, кўчимлар, образлар, ўхшатишлар “бахтлисан” таъкиди атрофида жамланади. Инсон умр бўйи бахт излайди. Бахт эса ортда қолган умрдан қониқишда, қолган умрни яшамоқ учун рағбатнинг бўлишидадир, деб билади шоир. Шеърнинг барча мисралари тиклаб чиқилса, туроқланишда ҳам турличаликлар кўзга ташланади. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, мисралар охирида беш бўғинли туроқларнинг умумий такрори шеърнинг таянч оҳангини таъминлаган ва мазмуннинг мақсаддан чекинмаган ҳолда ифодаланишига асос яратган. Шеър ўн бир ва тўққиз бўғинли – кўшма бармоқ вазнида яратилган бўлса-да, туроқланишдаги турличаликларнинг шеърнинг ритмик интонацион жиҳатига таъсир этганини сезиш қийин эмас. Айни шу ҳолат ўқувчининг мазмунни англашга бўлган эътиборини кучайтиради. Агар мисралар (масалан, 2- ёки 3-мисра) кўшилса, интонация ҳам ўзгаради, муаллиф таъкиди юклатилган сўзларнинг маъно салмоғига путур етади. Туроқланишдаги турличалик нотекис ритмик ҳаракатни юзага келтирар экан, бу ҳақида адабиётшунос Д.Ражабов шундай ёзади: «...нотекис ҳаракатли ритмга асосланган лирик яратмада бадий образ ва мусиқийлик худди текис ҳаракатли ритмга эга шеърдаги каби кечади. Фақат нотекис ҳаракатли ритмдаги шеърларда зарб яққол товланиб туради. Лирик қаҳрамон

«мен»ида, унинг характер хусусиятларида ботиний туйғу, ҳис ва зоҳирий оҳанг уйғун ҳолда жилоланади»³². Айни мана шу нотекис ритм ҳиссий кечинмани бадиият даражасига олиб чиқа олган, лирик кайфият ифодасида асосий ролни бажарган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: мазмун шаклни юзага келтирадими ёки шакл мазмунними? Биз юқорида шаклни юзага келтирувчи омил мазмун эканлигини таъкидладик. Аммо бу фикр бадиий асар яратилгунигача бўлган жараёнга тааллуқлидир. Ижодкор ўз бадиий тафаккурини банд қилган фикр, туйғу, кечинмаларини ҳиссиётлар куршовида воқелантиради. Бунда кечинмалар мазмунга мос шаклга киради. Яратилган бадиий асарнинг китобхон томонидан мазмунан тўла-тўқис қабул қилиниши, англаниши жараёнида эса, аксинча. Муаллиф ҳиссиётлари юзага келтирган шакл китобхон онгида тугал, аниқ мазмун ҳосил бўлишини таъминлайди. Бунда шакл мазмундорликка томон йўл очади.

Бундай шаклий ифодада бериш 70-80 - йиллар ижодкорларининг кўпчилигида учрайди. Ва бугунги кун шеърлятига қадар давом этиб келмоқда. Аммо баъзи шоирларнинг «...кўплаб шеърларида сўзга зеб бериш, чиройли ва оҳангдош калималарни қалдирғоч болаларидек тизиб кўйишга интилиш натижасида шеърнинг туғилишига сабаб бўлган илк туйғу – дарддан узоқлашиш бор. Шу боис бўлса керак, баъзи шеърлар зўрма-зўраки, жиддий бир юксиз, фақат шеър яшаш-у маҳоратни намойиш қилиш учунгина ёзилгандек таассурот қолдиради»³³. С.Воҳидов ижодида бундай изоҳга лойиқ шеърлар учрамайди. Чунки унинг ҳар бир шеъри фалсафий мушоҳада билан тўйинтирилган, ҳаётий ҳақиқатлар ҳадя этган хулосалар билан бадиий ифодаланган. Унинг кўплаб шеърлари одатдаги шаклий кўриниш олган бандлар билан бошланади. У туйган ҳислар поғонама-поғона юқорилаб боради. Гўё кичик бир тирқишдан сизиб чиқаётган эди-ю, кейинчалик жўшиб бораётган туйғуларнинг зарбидан отилиб чиқа бошлайди. Ана шу жараёнда

³² Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм табиати. – Бухоро, 2002. – Б. 56-57.

³³ Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2002. – Б. 172.

хислар шеър шаклига ҳам ўз таъсири ўтказди. «Шоир дарди ва дунё макри хақида баллада» номли шеърида ҳам ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Аслида тўртлик бандлардан иборат шеърнинг айрим бандлари ўсиб бораётган хислари сабаб беш, ҳатто олти сатр ҳолида ифодаланади. Шоир башарият дардини куйловчи шоирларни-да дунёнинг макрлари енгиб бораётганлигидан қаттиқ изтироб чекади. Ўзининг шу мазмундаги дардли фикрларини таъкидлаш мақсадида синдирилган мисралар шеърнинг бир неча ўрнида учраб, мазмундаги кулминацион нуқта вазифасини бажарган.

Мақтов – алдов:	2+2
Силаб-сийпалаб,	2+3=5
Суймаганни ночор суйдирар.	4+5
Мақтов – олов:	2+2
Чўғи иситиб,	5
Алангаси ошса, куйдирар.	6+3

Шу ўринда айтиш жоизки, шеъринг асарларда тиниш белгиларининг ҳам маъно англатишдаги хизмати ниҳоятда катта. Банд бошидаги «Мақтов» сўзининг тире билан ажратилиши уни иккинчи бир ном билан, яъни «алдов» деб атаётганлигини билдиради. Хўш, мақтов ва алдов бир нарса бўлса, у нималарга қодир? Муаллиф «яъни» сўзини қўллаб ўтирмайди, балки икки нуқта (:) орқали унинг нималар қила олишини баён қилади. Банднинг кейинги икки қаторида эса фикр янада кучайтирилмоқда. Ўн саккиз банддан иборат ушбу шеърнинг одатий шаклдаги – ўрнидан силжимаган (узайтирилмаган) бандлари муаллифнинг бироз ҳовуридан тушгандек, фикрни яна бир бор мулоҳаза қилишга киришаётгандек тасаввур пайдо қилади. Агар алоҳида қаторга чиқарилган жумлалар ўз ўрнига тиклаб чиқилса, 9 бўғинли бармоқда ёзилган шеър ҳосил бўлади. Бирок муаллифнинг таъкидлари сусаяди. Шеърнинг ритмик интонацияси ҳам пастга томон оғади. Чунки туроқлар ва мисралар оралиғидаги пауза бири-биридан фарқ қилади. Банддаги тире, икки нуқта, вергул тиниш белгиларига юклатилаётган маъно ҳам аҳамиятли, аммо муаллиф танлаган шаклнинг

мазмун англантишдаги ва ритмдаги ўрни бўлакча. Бундай шаклдаги намуналар шоирнинг дастлабки шеърларидан тортиб сўнггиларига қадар кузатилади.

Шоир ижодида эркин вазнда ёзилган шеърлар ҳам учрайди, аммо улар жуда кам сонни ташкил этади. Бу вазн ҳам ўзига хос шакл кўринишига эгаллиги билан мазмун ифодаси учун аҳамиятлидир. Сарбаст вазнида қофия, турок, ритм кабиларнинг катъий қоидалари бўлмаганлиги учун бундай шеърларда маъно ифодалаш учун етакчи вазифани шеърини шакл бажаради. Эркин шеър ҳам «... шаклнинг ранг-баранглиги мазмун ва мантиқ талабига, кечинмаларнинг моҳиятини рўйи-рост кўрсатувчи оҳангдорликка бўйсунди»³⁴. Шу билан бирга, улардаги стопаларнинг «мисралардаги сони бир хил эмас, яъни шеър бошидан охирига қадар битта ўлчовда ёзилмаган» бўлади. С.Воҳидовнинг «Пардалар» [I, 86] номли шеъри мана шундай мезонларга мос келган ҳолда таҳлил марказимизда туради. Шеър ритм, қофия, турок, бандлар таркиби жиҳатидан ҳам эркин.

Деразанинг пардалари –	8
Тунда хос маҳрам.	5
Зим-зиё кўчадан ёруғ хонага,	6+5
Кирмоқ бўлган нигоҳлардан,	8
Қанча сирни асрайди.	7
Йўқса, сирлар чиқар эди кўчага дайдиб.	2+6+5
Саёқ шамол уриб олар пешонасини,	8+5=13
Тўлғонар-у шоҳи кучоқда,	9
Йўлиққандай сеҳрли тузоққа,	9
Ипақдай майинлашиб кирар ичкари,	7+5=12
Гўзал қизга дуч келиб,	7
Ғурури четда қолиб,	7

³⁴ Умутов Х. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2004. – Б. 197.

Ювош тортган қайсар йигит сингари. $4+7=11$

Асрар сени хира пашшадан... 9

Шунча савоб тунда пардадан. $4+5=9$

Шунча савоб... 4

Шеър катъий тартибли бандларга эга эмас. Бу ҳам шеърнинг ташқи шакл унсурини намоён қилади. Шеърнинг кейинги – сўнгги ўн етти қатори эса тўлиқ бир бандда келтирилади. Бандлар ҳажмининг турличалигига сабаб мазмун юзага чиқиши учун зарур бўлган йўлгина босиб ўтилганлигида. Ҳар бир бандда парданинг аҳамияти очилиб борилаверади. Биринчи бандда «тунда хос маҳрам» – ичкарига кириш рухсатига эга бўлган пардалар ичкарининг сирларини сақлайди. Иккинчи бандда парда гўзал қиз тимсолида, шамол ошиқ йигит қиёфасида намоён бўлади. Уч сатрдан иборат учинчи бандда яна реал тасвир орқали «хира пашшаларга» ишора қиланади.

Шеърый асарга хос муסיқийликни таъминлашда қофия ва бандлар билан бир қаторда такрорнинг ҳам аҳамияти катта. Чунки такрорлар бадиий тасвир ва ифода воситаси сифатида шакл унсури саналади. Шоир фикр якунидан сўнг «Шунча савоб...» жумласини такрорлар экан, кўп нуқта орқали ифодаланган оҳангдан у ҳақиқатан ҳам парданинг савоби кўплигини таъкидламоқдами ёки иккиланиш ва ишончсизлик билан айтмоқдами? Бу шеърнинг яна «Шунча савоб» деб бошланувчи якуний бандида ойдинлашади.

Шунча савоб юволмас бироқ 9

Унинг бир гуноҳини: 7

Демак, «Шунча савоб...» борасидаги бизнинг иккинчи тахминимиз тўғрироқ. Шоирнинг такрори ўқувчини фикрлашга, ўз хулосалари сари боришга ундайди. Такрорни мазмун ва ғояга хизмат қилдира олиш шоирнинг маҳоратини намоён этар экан, С.Воҳидов бу борада ўз санъаткорлигини кўрсата олган.

Тонг тўлқини тун тахтига солганда титроқ, $4+4+5$

Бошинг силаб, эркалаб, $4+3$

Сенга ёрқин кун тилаб,	7
Ёғду қўлин чўзмоқ бўлган қуёшнинг	11
Тилло кафтин тўсиб турар у.	4+5

«Тонг тўлқини тун тахтига солганда титроқ»... Нақадар гўзал сатрлар... Шеър шундай кучли ҳиссиёт билан ёзилганки, беихтиёр сўзлар сеҳрига ошуфта бўла бошлайди киши. Бу ҳисларни бўлса, шоир поэтик фикрларининг ўзига хослиги сабаб вужудга келган ноанъанавий шакл юзага келтирмоқда. Шеърни ўқир экансиз, гўё шоиртабиат кишининг самимий суҳбатини тинглагандек бўласиз. Ундаги бетакрор ташбеҳу ташхислар эса уни шунчаки тасвир эмас, бадийликка йўғрилган руҳият ифодаси эканлигини англариб туради ва фалсафий мушоҳадага ундайди Ифода шаклининг ўзига хослиги, бандлар ҳажмининг турличалиги, қофияларнинг ноанъанавийлиги – барчаси шоирнинг поэтик мақсади йўлида хизмат қилган. Унинг бутун руҳий олами очилишига имкон яратган.

Юқорида шоирнинг нафақат бармоқда, балки аруз вазнида ҳам маҳорат билан ижод қилганлигини айтиб ўтдик. Маълумки, аруз вазни ўзининг қатъий талабларга эгаллиги билан эътироф этилади. Бу вазн турли баҳрларда ёзилгани сингари бармоқ вазни ҳам ўзининг турли кўринишларини ривожлантиришда давом этмоқда. Ижодкор учун бу тизимларнинг аҳамияти ҳақида сўз борар экан, С.Воҳидов ўз шеърини ҳақида шундай дейди: «Яна шуни ҳам таъкидлашни истардим: ҳар қандай шеър дастлаб ўз шаклу шамоийли билан руҳда бўй кўрсатади. Туғиладиган фарзанднинг қиз ёки ўғиллигини олдиндан билиш мумкин бўлмаганидек, шеърнинг ҳам бунисини арузда, бунисини бармоқда ёзаман, деб бўлмайди. Боз устига, унисидан эркинман, бунисидан тутқун, деб ҳам айта олмайман»³⁵. Шоирнинг сўзларидан хулоса қилиш мумкинки, у ўз ҳисларига-да эркинликни раво кўради. Кўнгил тубидан отилиб чиқаётган туйғуларини тизгинлашга шошилмайди. «Янги шакл, ифода зўр бериш билан эмас, балки дунёқарашдаги, оламни идрок этишдаги янгориш билан, бадий тафаккур тарзимиздаги, дидимиздаги

³⁵ Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. –Бухоро: “Дурдона”, 2015. – Б. 452.

янгилашиш билан, демакки, ижтимоий-тарихий, маънавий-психологик заминдаги улкан силжишлар билан дунё юзини кўради»³⁶. Самандар Воҳидовнинг ҳам 70-йиллар охири 80-йиллар ўрталарига қадар ёзилган шеърларида етакчилик қилган шаклий эркинликда унинг руҳий оламидаги, ижодий шаклланишдаги силжишларни кўриш мумкин. Бу усулнинг энг гўзал намунасини у 1976 йилдаёқ битган ва бу шеър Миртемирдай устоз шоир эътиборига тушган. Шеър «Самолётда туғилган шеър» [I, 28] деб номланади:

Бу дунё ажаб яралган-да,
Юқоридан туриб қаралганда:
Тоғ – култепа,
Дарё – энсиз камар,
Сахро – тарам-тарам кафт,
Уйлар – гугурт қути,
Дарахтлар – гугурт донаси.
Одамлар – ғивир-ғивир чумоли –
Ёлғиз тирикчилик хаёли...
Юқоридан туриб боқсанг оламга –
Шундай туюларкан одамга...

Шоир мисраларда ўзининг самимий, беғубор қалби акс эттира олган. У дунёни юқоридан туриб томоша қилар экан, болаларча ҳисларига эрк беради. Ўз ҳаяжони, таассуротлари тасвири учун энг содда ўхшатишларни беради. Ҳислар дилдан тилга борича кўчади. Шоир поэтик тасвирни моҳиятга кўчиради ва бутунлай ўзгача манзарани чизади: «*Тоғ – маъданга ҳомиладор аёл, Сахро – гулзорни яширган хаёл, Дарё – висолга ошиққан ошиқ, Дарахт – яшил қўшиқ, Уйлар – ҳижрону висолни, Камолу заволни, Кулгию кўз ёшни, Ситаму бардошни – Бағрига яширган бошпаноҳ*». Одамлар-чи? Одамлар – оламни ўзида сиғдирган “Олийлар тўпида энг олий зот” эканлигини кўради. Дунёнинг қай бир манзараси гўзалроқ эканлиги аён. Шоирнинг поэтик

³⁶ Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: “Шарқ”, 2007. – Б. 254.

кашфиётлари шу билан якун топмайди. У дунёлар ичра дунёларга тенг қалбидан сўз очади.

Менинг қалбим ҳам дунё:
Унинг ҳам бор
Ўз тоғи,
Дарёси,
Саҳроси,
Дарахти,
Уйлари,
Одами,
Бор – шу рангин оламдай олами!..
Қалбим дунёсига бермоқ-чун баҳо –
Юқоридан кўз солма,
Бўлсанг ҳам даҳо!

Шу тарзда шеър «осмон», «ер», «кўнгил» ҳақидаги ўз ва кўчма маъноларни ифодалаб, кулминацион фикр билан якунланади. Чиндан, дунё ичра қалб аталмиш дунё ҳам борки, уни англамоқ учун юқоридан кўз солмоқнинг ўзи етарли эмас. Инсон инсонни тушуниши – унинг рангин олами: орзу-армонлари, дарду ҳасратлари, изтиробу қувончларини англаш учун, аввало, қалбга теран назар солмоқ даркор. Шундагина дилга ғашлик солувчи, кўнгилга озор бергувчи ҳолатлар бўлмайди.

С.Воҳидов шеърларини аниқ бир тамойил нуқтаи назаридангина ўрганиш жуда мушкул. Чунки ушбу шеър эркин вазнда ёзилганлиги ва бу муаллиф кайфиятини, фалсафий хулосасини тўлиқ ифода этиш учун муносиблиги билан ҳам эътиборли. Шоир ифода марказидаги тасвир манбасининг ҳам шаклига, ҳам мазмунига жиддий аҳамият беради. Шеърдаги дастлабки поэтик тасвирлар объектнинг шакл-кўриниши мантиғидан келиб чиққан бўлса, кейинчалик улар нарсаларнинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ эканлигини кўрамыз. Мисраларнинг бўлиниши ўқиш тезлигини белгилаб,

мазмуннинг ҳиссий таъсир кучини оширади, фикр моҳиятини теран англантишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, С.Воҳидов ижодида ифода шаклининг эркинлиги табиий равишда рўй беради. Эркин шакли ифода шеърий асарнинг ҳиссий оҳангини ташкил қилиб, шоир поэтик оламини тўла-тўқис намоён бўлиш имконини берган. Шакл ва мазмун уйғунлиги орасида шеърий ритм ҳам борки, у мазмуннинг яхлит юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

1.3. Образлар кўлами ва унинг бадиий талқини

Атрофдаги барча нарсалар, воқеа-ҳодисалар, жараёнлар поэтик образ яратиш учун манба вазифасини бажара олади. Қачонки, ижодкор уларда ўз онгу шуурини банд этган тушунча ва туйғуларни кўра олса, руҳий ҳолати билан ҳамоҳанглик, боғлиқлик, бирликни ҳис этган ҳолда уларни фикр ёки кечинма ифодаси учун бўйсундира олсагина улар образга айланади.

Шоирнинг шеърий тўпламлари ўзининг мавзу йўналишлари, ифода усуллари ва, албатта, оҳанги билан ҳам бир-биридан анчагина фарқ қилади. Ҳаёт синовларига, турфа инсонлар, турфа характердаги кишилар билан тўқнашувларга ҳаётий ечим излаб келган шоир, эндиликда буларнинг барчасига жавоб топгандек бўлади. Шоир ўз ҳисларини бадиий тафаккур босқичига олиб чиқар экан, бу жараённинг реаллашувида тасавурида пишиб етилган образлар ҳам иштирок этиши мумкин. Шоир ўз кечинмаларини тасавуридаги образга мукамал сингдира олиши унинг поэтик маҳоратидан; образга сингдирилган фикр-туйғунинг салмоғи, асослилиги эса унинг индивидуал маҳоратидан далолат беради. Бунда барча тушунчалар марказида турган образ рамзийлик касб эта бошлайди. Рамз – бадиий адабиётда кенг фойдаланиладиган тасвир воситаларидан бири бўлиб, аниқ тасаввур этиш қийин бўлган ҳодиса ёки тушунчаларни одамнинг кўз олдига яққол келтирадиган нарсалар орқали ифодалашдир. Рамзий маъно юклатилаётган биргина образ муаллиф бадиий тафаккури, кенг дунёқараши, синчиковлиги

натижасида бир қанча маъноларни ифодалашни мумкин. С.Воҳидов шеърини шу жиҳати билан ҳам диққатни тортади. Шоир Ватан тақдирига, инсонлар кўнгил оламига теран назар ташлайди. Уларга дахлдор разилликларга, лоқайдликларга ачинади ва ўзининг бу ҳисларини образлар орқали тўла англантишга ҳаракат қилади. Аслида ўзбек шеърининг энг асосий тасвир воситаларидан бири рамздир. Профессор Н.Раҳимжонов шеърдаги рамзий образлар ҳақида сўз юритар экан, шахснинг муайян психологик ҳолатини, кайфиятини чизиш, суратлантириш тимсолнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланишини алоҳида таъкидлайди³⁷. Бу жиҳат эса қайсидир бир шоирнинг ижодида етакчи ўринни эгаллайди, яъни ҳар бир шеърда яққол кўзга ташланиб туради. С.Воҳидов ижодида ҳам рамзий образлардан ҳаётдаги ўз фалсафий ҳулосаларини беришда салмоқли тарзда фойдаланганлигини кўриш мумкин. Хусусан, шоирнинг «Занжирбанд қайиқ» [I, 148] шеърда инсон руҳиятининг ўзига хос манзараси акс эттирилган. Шеър тўлалигича ташхис санъати асосига қурилган. Жонсиз жисмларнинг ҳаракат ва ҳолатларда ифодаланиши кўнгил оламида қандай шабада эсаётганлигидан сўзлаб туради. Занжирбанд қайиқ... – имконсиз орзулар, сиқилган ҳислар.., иложсизлик, умидсизлик... Яна қанча кечинмалар яширин...

Қирғоққа бош тираб мудрайди қайиқ,
Эшкак – қўлларини қўйиб кўксига.
Тўлқинлар турткилар уни тун бўйи,
Уйқу илинтирмай бир зум кўзига.

Шеърнинг дастлабки бандиёк, ўқувчи кўз олдида сокин тун, ой нурида мавжланиб турган тўлқинлар, сарҳадсиз кенгликлар суратини чизади. Қирғоқда эса паноҳ тилаган каби қайиқ мудрайди. У ухламайди, ухлолмайди, балки мудрайди. Тўлқинларнинг турткилари уни мудрашга маҳкум этган. Эшкак – қўллари ҳам гўё ором истаб ўтинган каби кўксида. Тўлқинлар эса *«Ҳолинг шу экан-ку... Тонгдан то оқишом – Гердайиб юрасан бағримни ўйиб»*,

³⁷ Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърини. – Ташкент: Фан, 2007. –Б. 228.

– дея турткилашда давом этади. Айни тасвир аччиқ ҳаёт ҳақиқатини ёдга солади: Орзулар, мақсадлар ижобати сари одимлаб, марраларни забт этганингиз сари кимларнингдир бағри ёниб бораверади. Биргина қоқилишингиз билан эса, тепкилашга тушишади. Шоир ҳам, балки, шу кўргуликларга ишора қилаётгандир. Қайиқ – паноҳсиз, ҳалол инсоннинг тўлқинлар – пайт пойлаб ёвузлик қилишга тайёр кимсалар – томонидан жабрланишига қиёс. Бунинг устига, у занжирбанд. У эрқдан мосуво. Шоирнинг асосий муддаоси ҳам шу. Занжирбандлик фожиасини қайиқ орқали рамзий тарзда акс эттирмоқда.

Шўрлик сапчиб тушар...
Занжир шарақлар,
Қирғоққа урилар, сурилар ортга.

Инсон учун энг катта бахтсизлик – эрксизлик. Очлик, юпунлик эмас, балки эрқнинг қўлда эмаслиги ҳақиқий фожадир. Шоир қайиқ образи орқали биргина инсон ҳолатини эмас, халқнинг қиёфасини, унинг тақдирини акс эттирган. Эрксиз халқ «тўлқинлар» тепкисига чидашга мажбур. Уни озод қилгувчи қайиқчи қаерда? У уйқуда, қайиқнинг – халқнинг аҳволидан беҳабар хотиржам ухламоқда. У тонг отсагина уйғонади. Тонг эса... Бу эса тўлқинларга қўл келмоқда... Бир муддат халқимизнинг ана шу қайиқ ҳолида яшагани, тўлқинлар тепкисини татишга мажбур бўлгани, тонг отишини ва бу зулмлардан қутқаргувчи қайиқчини кутгани ҳеч кимга сир эмас:

Тонг отиб,
Қайиқчи келсайди тезроқ.
Қайиқчи қайдадир ухлар бемалол,
Тонг эса...

Уф-ф... тонг ҳали узоқ...

1987 йилда ёзилган ушбу сатрларда халқнинг мутелик занжирини узиб, тўлқинлар узра озод сузмоғини истаган оташин юракнинг армонга айланаёзган орзулари ўз ифодасини топган. Халқимизнинг ўзлик ўзанига

кайтиши учун эса, ҳақиқатдан ҳам, тонгнинг келиши узокқа чўзилди. Тонг – халқ маънавий дунёқарашининг ўзгариши, ўзлигини англаши зарурлиги рамзидир. Тонг отсагина, яъни халқ ўзлигини танисагина ором туяди, тунларини уйқусиз мудраб эмас, тинч уйқуда ўтказа олади. Шоир қалби эрк истайди. Бу қалб эса халқи эрка эришган ондагина ҳақиқий эркинликни ҳис этади.

Оддий, кичик бўлиб кўринган деталлар ҳам поэтик образлар даражасига кўтарилганлигини кўриш мумкин. Шоир шеърларида варрак образи ана шундай рамзий маъно ташиган. У бу образга жуда кўп мурожаат қилган. «Варрак учираётган болага» номли шеърида варрак омад рамзи бўлиб келган. Варрагини учира олган кишига «*Сен бугун голибсан пойгада*» дея таъкидлар экан, осмондаги варрак орзуларнинг ушалиши, омаднинг кулганлиги рамзи эканлиги англашилади. Шоир ҳатто уни тутиб турган ипга ҳам поэтик вазифа юклайди:

Ип эмас қўлингда – ироданг,

Ип эмас – орзуинг қудрати. [I, 77]

Яна бир шеърида болақайнинг қўлидан қочган варрак учун куюнаётгани, «*Дуч келганга ялиниб*» уни тутиб беришларини тиланаётгани ҳақида гапира туриб, инсоният қўлдан бой берган энг қимматли нарса – тобора қочиб бораётган Орол денгизини эсга олади. Бунда кичик маиший муаммо глобал муаммо билан боғланиб, мазмунда даражаланиш юзага келган:

Ношудликда бизлар сендан ношудроқ,

Бир денгизни бой бердик-ку анграйиб [I, 116].

Бошқа бир шеърида эса «*Тумшугида нўхта – ипдан озринар варрак, Эркин парвоз илинжида шох ташлар ҳар ён*» [I, 245] дея эркинлик сари интилаётган инсон қиёфасини чизади. Муаллиф қайта-қайта варрак образига мурожаат этса-да, ҳар сафар ундан янги маънолар келтириб чиқаради.

С.Воҳидов шеъриятда гўё бир маромда, камтарона, хотиржамлик билан қалам тебратгандек таассурот уйғотади. Бироқ унинг дил қонидан ранг олган сатрлари билан яқиндан танишиш Ватан, халқ равнақи учун куюнаётган,

баъзан инсонларнинг номаъқул хатти-ҳаракатларидан аламзада бўлаётган, баъзан соғинч ҳиссидан азобланаётган лирик қаҳрамонни намоён қилади. Шоир ижодида энг қуюқ кўзга ташланадиган жиҳат эса Бани Одам сифатида зиммасидаги эзгу ишларни тугал бажаришга ошиқаётганлиги, умрини мақсадсиз, бесамар кетказмаслик учун тиним билмаётган, ҳаётдан қониб яшашга уринаётган инсон қиёфасидир. У қайси мавзуда шеър ёзган бўлмасин, худди мана шу ҳис билан қоғозга битади:

Ўлжасини тақсимлашга кечиккан
Овчи каби шошар умр хансираб.
Улгурмаса – ов завқи бир пул экан,
Йиртқичга ем – йўл йўқотса тентираб.
Улгурай деб шошиламан жонсарак,
Мен тинмаслигим керак.

Ўлжасини тақсимлашга кечикаётган овчидай, умр ҳам атаганларини бизга тортиқ этмоқ учун тез ўтмоқда. Инсон умри озми, кўпми буни билолмайди. Оз бўлса, кўлга киритганлари бир пул. Умри кўп бўлсаю, йўлдан адашса, унда ўлжа унинг ўзидир. Шоир мана шу эҳтимолларга енгилмаслик учун жонсарак яшашга ундайди. Бунга лирик қаҳрамон ва умр образларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш орқали эришилган. С.Воҳидовнинг табиат тасвири акс этган шеърларидан ҳам айнан шу ҳисни туйиш мумкин. Унинг «Шарқира, шалола» [III, 12] шеъри бир қарашда тошдан тошга урилиб оқаётган зилол сув ҳақида ёзилгандек. Бироқ шеърдаги ҳар бир образ рамзий маъно ташийди:

Шарқира, шалола шарқира,
Тошларни уйғотсин туғёнинг.
Ҳар зарранг олмосдай ярқираб,
Ёғдуга ғарқ айла дунёни.

Шалола – жилға сувларининг тошларга урилиб, шовуллаб оқадиган жойи. Шоир шалола мисолида ўз ҳаётининг асл мақсадини, мазмунини, ҳаётини вазифаси нималардан иборат эканлигини ифодалайди. Яъни ўзининг

хам шалола мисол тошларни – мудраган қалбларни уйғотгудек туғён ургиси, хар зарраси – хар сатри ила дунёни ёғдуга – эзгуликларга ғарқ айлагиси келади. Шалоланинг тошлардан тошларга шарқираб, шовқин солиб оқиши бир томондан, шоир юрагидаги шижоат, ҳаяжон, курашувчанлик, ҳаётга муҳаббат кабиларни англатса, иккинчи томондан, бундай ҳаммани мафтун этиб ҳайқириб оқиш учун ҳам ўша совуқ «тошларнинг» зарбига дош бера олиш кераклигидир. Нима бўлмасин, шоир: «*Шарқира, шалола, шарқира, “Бундай бахт насибдир бир қарра*», – дея хар бир лаҳзани кадрлашга чорлайди. Тиним билмас шалолага қарата мурожаат қилар экан, уни ғафлатда қолмасликка ундайди:

Шарқира, шалола, шарқира,
Дарёга етгунча ҳушёр бўл.
Чим босган соҳилга кифт тираб,
Йўлингни пойлайди қанча кўл.

Тўхтаган инсон асло мақсадига ета олмайди. Оромидан кечиб, тиним билмай меҳнат қилган инсон эса ниятига ҳамиша эришган. Шу маънода дарё ва кўл образлари бир-бирига қарама-қарши қўйилмоқда, Дарё – манзил, кенглик, эркинлик, тошларсиз – тўсиқларсиз оқиш имкони. Кўл – орзулар сароби, иложсизлик, имконсизлик, «*оромин кўз-кўзлаб айлар ром*». Шеърнинг сўнгги сатрлари эса муаллиф мақсадини янада очиқ намоён этади.

Ўзлигинг унутма, ботқоқмас, –
Тоғларда туғилдинг шарқироқ.

Ушбу мисралардан яратилган ичида энг буюк хилқат – инсон қилиб яратилган экансан, шунга муносиб, эътиқодда адашмай яшаш зарур, деган хулоса англашилади. Содда қилиб айтганда, шалола муаллифнинг қалби, бутун рухий дунёси, елиб бораётган ҳислари, ором билмас юраги рамзидир.

Дарахт образи ҳам кўпчилик шоирлар учун туйғулар таржимони бўлиб келган. Хусусан, Рауф Парфи, Усмон Азим шеърлятида унинг янгидан-янги маъно талқинларини: инсон руҳонияти, кўнгил инжиқликларини акс эттириш воситасида кўрамиз. Рауф Парфи: «*Яшин уриб кетган дарахтдек тўниб,*

*Поёнсиз бўшлиққа қарайман дилсўз»*³⁸, – дея ёлғизлик, интизорлик, дилхаста кўнгил ҳолатини чизса, Усмон Азим: *«Кузда баттар туманли ҳолман, Сўнгги они гуллаш истаган Телба хоҳиш дарахт мисолман»*³⁹, – дея дўстдан жудолик сабаб пайдо бўлган изтиробларини ташбех этади. Бундай тасвирлар, хусусан, дарахтнинг образ даражасигача олиб чиқилган шеърлар ҳар иккала шоир ижодида кўплаб топилади. Дарахт билан боғлиқ табиий табиат ходисалари барча шоирлар ижодида ҳам бадиият даражасига кўтарилган, дейиш мушкул. Дарахт инсоннинг умрига, ҳаётига, унинг ўзига, аслиятига қиёс этилади. Ҳар бир инсон эса турфа хил кўнгил олами, турли тақдир эгасидир. Шундай экан, дарахт образи ва у билан боғлиқ руҳият тасвирлари ҳам турлича бўлиши табиий. Адабиётшунос олим Нўмон Раҳимжонов бу ҳақда шундай ёзади: *«Ҳозирги ўзбек лирикасида дарахт тушунчасининг маъно қирралари шунчалик сермикёски, у ёлғиз бадиий деталь ёки поэтик образ вазифаси билан чекланиб қолмасдан, символга айланди»*⁴⁰.

Дарахт образига юкланган турли ғоя ва кечинмаларни Самандар Воҳидовнинг бир қанча шеърларида учратишимиз мумкин. Хусусан, унинг «Дарахт шохигадаги бегона барглари» [I, 149] шеърида дарахт барчага яхшилик улашувчи ва фақат яхшилик кутувчи инсон қиёфасида намоён бўлади. Шеърнинг номланишиёқ кишини ўйга толдиради. Чунки бегона бўлган ҳар қандай нарса, ҳар қандай ҳис кишига фақат озор беради. Хўш, унинг ўз барглари қаерда?

Дарахт баргларидан ночор ажралди,

Бўғзига қадалгач қишнинг ханжари.

Айрилиқлар ҳаёт қонуни. Буни фасллар такрори, кузнинг қон янглиғ алвон бағирлари эсга солиб туради, ғанимат умрнинг ҳар лаҳзасини кадрлашга, ҳушёрликка чорлайверади.

Титроқ бутуқларга ёпишиб қолди,

Чирмовуқ гулларнинг беор барглари.

³⁸ Рауф Парфи. Сакина. Сайланма. – Т.: “Мухаррир”, 2013. – Б.128.

³⁹ Усмон Азим. Сайланма. Шеърлар. – Т.: “Шарқ”, 1995. – Б. 265.

⁴⁰ Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Т.: “Фан”, 2007. – Б. 226.

Ўз баргларидан ажралган бутоклар титроқда. Тиргаксиз қад ростлашга кодир бўлмаган чирмовуқнинг барглари бўлса, унга ёпишиб олган. Дарахт нега уларни шу чокқача пайқамаган экан?

Баҳорда –
куртаклар жилмайган маҳал –
Гўдаклар завқидан сармаст онадай,
Дарахт сезмаганди:
Чирмовуқларнинг
Ўрмалаб чиққанин шохга канадай.

Қалби эзгуликларга, самимийликка тўла бўлган инсон атрофини тобора ўраб бораётган қабоҳатни сезмайди. Атрофига шодлигу қувонч таратиб, шу бахтдан ўзи ҳам сармаст бўлиб юраверади. Аммо ҳаёт оқ ва қора рангларнинг мувозанатидан иборат. Оқлик, поклик, ҳалолликнинг гоҳ қаршисидан, гоҳ ортидан ҳамиша қабиҳлик чиқиб тураверади. Бу каби ёмонликни ҳеч кутмаган тоза қалблар эса «ингранади...» Афсуски, ҳаётда бировнинг меҳнатига эга чиқишга ўрганган, меҳнатсиз роҳатга эришиш пайида бўлган чирмовуқ каби пайт пойлаб, танангга зулукдек ёпишиб оладиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Шоир ўқувчига юқтира олган ҳисларини сўнгги сатрларда очик баён қилиб қўя қолади. Бу эса бизнинг дастлабки бандлардан чиқарган хулосаларимизни асослайди:

Дарахтим, чидагин...
Билмас андиша –
Бировнинг бўйнига миниб олганлар.

Шоир куз фасли ҳақида ҳеч нарса гапирмайди. Шеър мазмунининг ўзиёқ кўз олдимизга кузнинг ҳароратсиз қуёши остида, хазон барглар тепасида ўкинч-ла тебраниб турган дарахт ва унинг яланғоч шохларини чирмаб турган қоп-қора чирмовуқлар қиёфасини пайдо қилади.

Шеърини таассуротдан чизилган манзара, туйилган ҳислар беихтиёр Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги қуйидаги сатрларни ёдга солади:

Чирмашибон сунбули тар боғ аро,
Эгрилик онинг юзин айлаб қаро⁴¹.

Гарчи бу мисраларда чирмашишдан бошқа ишни билмайдиган сунбулнинг эгрилигидан юзлари қорайиб кетган, деган маъно сингдирилган бўлса-да, ҳар иккала шеърда улар эгрилик йўлини танлаган қабих кимсаларга ишора қилади. Чирмовуқ ва сунбул тимсолларига сингдирилган фалсафий мазмуннинг ўзига хос бадий талқини бу икки шеърни бирлаштириб туради.

Самандар Воҳидовнинг «Биз...» [I, 158] номли шеърида дарахт образи бутунлай ўзгача маъно ифодлаш учун хизмат қилган. 1988 йилда ёзилган бу шеърда «дарахт» рамзий маъно ташиган. Унинг дастлабки сатрлариданок Ватан озодлигини, унинг буюк ўтмишига муносиб бугуни ва эртаси бўлишини истаётган ёниқ қалб ҳароратини туйиш мумкин. Яъни шоир вақтни тўхтатиб бўлмаслиги билади, аммо биз «*Харсангдай қотирдик Вақтдаги шахтни*», дея халқ маънавий юксалишининг тўхтаб қолганлигини назарда тутди. «*Бошларга кўтардик Тождори авраб, Нон деб, оғзимизга Тош отган тахтни*», дея бу даврда ўзбек халқининг анча ожиз, қарахт ҳолда эканлигидан қуюнади. Яқин тарихдан маълумки, халқимиз не-не жабр-зулмларни бошидан кечирмади?... «ВАТАН» деганнинг ҳаётига нуқта қўйилган замонларни кўрди. Халқнинг илм-маърифатли бўлиши учун ўз ҳаловатидан кечган фидойи инсонларнинг ўлим билан юзма-юз келган қалтис даврларнинг гувоҳи бўлди. Шоир шеърда айни ўша замонларга ишора қилган. Бундай кунлар, яъни халқнинг бор нарсасини қўлидан юлиб олиб, оғзига тутгач: «*Мен сабабли қорнинг тўйяпти*», – деган алдовларга халқнинг тобора ишониб бораётгалигига ачинади:

Қуртларга топширдик
Танҳо суянчиқ,
Танҳо балогардон –
Ватан – дарахтни...

⁴¹ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1989. – Б.145.

Ватан – дарахт – инсонга танҳо суянчиқ, меҳр ошғени. У эса қуртларнинг – босқинчиларнинг қўлида. Қуртлар дарахтнинг илдиизи-ю танасини аста-секин еб битирганидек, босқинчилардан ҳам фақат шуни қутиш мумкин. Қуртлар еган дарахт эса мўрт, ҳатто суяниб ҳам бўлмайди. Дарахтни қуртларга – Ватанни босқинчиларга ем қилган ва бунга ҳам унинг ўзини балоғардон қилиб қўйган бу – биз.., бизнинг ожизлигимиз, дейди шоир баралла. Бунда дарахт тушунчаси қиёслаш асосида рамзий маъно ташимоқда.

Самандар Воҳидовнинг «Мева дарахтдами ё тирговучда...» [II, 31] номли яна бир шеърида «Сўзбоши» ва «Сўнгсўз» билан «ҳимояланган» айрим китобларни мевасиз дарахтга қиёслаганини англаб олиш мумкин. Бундай китобларнинг мевали дарахт бўлолмаганлигини – китобхонга маънавий билим бера олмайдиган асар эканлигини кинояли тарзда айтиб ўтади. Адабиётда зўрма-зўракилик билан яратилган, ичи бўм-бўш китоблар ҳам борлигидан азият чекади:

«Сўзбоши» сўзлайди,

«Сўнгсўз» сўзлайди,

«Ўртасўз» соқовдай нафаси ичда.

Китобхон жумбоққа жавоб излайди:

«Мева дарахтдами ё тирговучда?»

Шоир С.Воҳидов дарахт билан боғлиқ табиий жараёнларни диққат билан кузатади. Унинг турли фаслларда турлича қиёфада бўлишидаги, ёинки бир фаслда турфа хил кўриниш касб этиши, турли вазифаларни бажаришидаги ҳолатлардан ўз бадиий мақсади йўлида маҳорат билан фойдалана олади. Улар билан боғлиқ турли ҳолатларни ўз тафаккурига бўйсундира олади ва инсоний ҳисларга, тушунчаларга рамзий образлардан либос кийдиради. Бу эса шоир фикрларининг, илгари сураётган ғояларининг тушунарли ва таъсирчанлигини оширади.

60 - йилларда Абдулла Орипов, Рауф Парфи ижодидан бошлаб кўзга ташлана бошлаган дарахт образи 70-80 - йилларда шеъриятга кириб кела бошлаган шоирлар ижодида ҳам яққол кўрина бошлади. Дарахт образига

турлича поэтик маъно юклаш билан бир қаторда, улар орасида бир хилликларни ҳам учратиш мумкин. «Бадиий адабиётнинг ривожланишида адабий алоқалар ва уларнинг натижаси бўлмиш адабий таъсир катта аҳамиятга моликдир. Миллий адабиётларнинг ўзаро алоқаси уларни бойитади, ривожланишига туртки беради»⁴². Масалан, Шавкат Раҳмон шеъриятида шундай мисралар мавжуд:

Гўё қуёш парчалангандай...
Ғарқ қилади оламни фараҳ.
Ҳар баҳорда менга эринмай
Яшамокни ўргатар дарахт⁴³.

«Шавкат Раҳмоннинг табиат поэзиясига мурожаат қилишида чуқур рамзийлик бор. Бу қайсидир маънода тасаввуф фалсафаси билан, нокомил жамият ҳаётидан юз буриш ва фақат руҳий такомил билан шуғулланиш лозим, деган қарашлар билан бир даражада уйғун...»⁴⁴

Айни фикрни С.Воҳидов ижодига ҳам тааллуқли дейиш ўринли бўларди:

Мен ҳаётга муҳаббатни
Дарахтлардан ўргандим.
Дарахтлардан ўргандим мен –
Саботни, қатъиятни. [Ш, 26]

Шоир Садриддин Салим Бухорий ижодида эса дарахт образи бутунлай ўзгача маъно касб этади. Хусусан, у дарахт ва унинг куртаклари, гулларига поэтик маъно юклайди. У куртакларни дарахтнинг ўй-хаёллари, куйлари, кулгиси, орзуси деб атайди. Ўй-хаёл, куйлаш, кулгу, орзу бўлса инсонгагина хосдир. Уларнинг куртак ёзиши эса, орзуларнинг ушалишидир:

Куртаклар дарахтнинг кулгиси,
Кулгилар жаранглаб берар сас.
Куртаклар дарахтнинг орзуси,

⁴² Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. A.Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2004. – В. 220.

⁴³ Раҳмон Шавкат. Сайланма. – Т.: “Шарқ”, 1997. – Б. 34.

⁴⁴ Намоз Мусулмон. Туманларни қўпорар тоғлар. // Ватан. 1995, 14–22 июль.

Орзулар ушалар басма-бас⁴⁵.

Дарахтнинг куртак ёзмоғи учун парвариш: сув, тупроқ, қуёш нури канчалар зарур бўлса, инсоннинг ўз орзулари рўёбига эришмоғи учун соғлом ижтимоий муҳит, кучли хоҳиш, билим ва меҳнат зарур. Албатта, шоир булар ҳақида очиқ ёзмайди. Бироқ дарахт нега, қачон, қай мақсадда куртак ёзади, деган саволлар инсонга кўчирилса, шу каби хулосалар келиб чиқиши тайин. Худди шундай тасвири С.Воҳидовнинг «Ёмғирга илтижо» шеърида ҳам учратамиз. Шоир ёмғирга мурожаат қилар экан, дарахт тушунчасидан деталь сифатида фойдаланади:

Дарахтлар орзуси янглиғ
Кўз очса нур каби куртак.
Лабин босса, ўпиб шўх-шўх,
Висол завқидан айт эртак. [I, 279]

Шоир Тилак Жўра эса «*Умидларим томчи эди – Дарёландилар, Куртак эди – чинорландилар*»⁴⁶ дея ҳамюрт ижодкор дўстларига ҳамоҳанг мисралар битади. Бундай адабий ўхшашлик: қалб ва шуурнинг ҳамоҳанглиги, туйғулар ва тасаввурларнинг уйғунлигини Садриддин Салим Бухорий, Тилак Жўра, С.Воҳидовларнинг нафақат бир даврда яшаганлиги билан, балки улар орасида жуда яқин, самимий адабий алоқалар шаклланганлигидан далолат беради. Адабий алоқалар эса адабий таъсир ҳодисасини юзага келтириши табиий. Бу ижод жараёнига ижобий таъсир этибгина қолмай, унинг тараққиётини тезлаштиради. Адабий таъсир натижасида юзага келган асарларни тақлидан яратилган, дейиш тўғри эмас. Шу жараён натижасида яратилган ҳар қандай асар ўз муаллифигагина тааллуқли бўлган ички эҳтиёжларни ва унинг ўзига хос эстетик идеалини намоён этиб туради. Бир шеърида шоир Садриддин Салим Бухорий олма дарахтида мурожаат қилади, уни «сингилгинам» деб атайди:

Рангинг бутун бўлмиш заъфарон,

⁴⁵ Салимов С. Оққушим. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1979. – Б. 3.

⁴⁶ Тилак Жўра. Райҳон. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. – Б. 44.

Сингилгинам, олма дарахти!

Баҳор чоғи сенга беармон

Боқар эдим, олашим бахти.

Шоир, ранглари заъфарон – барг тўкаётган, қишни қаршилаётган олма дарахтига сўз қотмоқда, унга юпанч бўлмоқда, келажакка умид уйғотмоқда. Муаллиф шахслантирган олма дарахтига энди тўғридан - тўғри «сингилжон» дея мурожаат қилади:

Дунё ўзи қизиқ, сингилжон,

Кимки қишга чидаса агар,

Баҳор гулга буркар бегумон

Ва бахт яна ташлайди назар⁴⁷.

Инсон ҳаёти бир текис эмас. Унинг баҳори, саратони, ёмғирию дўллари бор. Ҳаёт қийинчиликларига матонат билан туриб бера олган кишигина гўзал кунларга эриша олади. Шоирнинг дарахтга нидоси «*аёзли қишларга*» таслим бўлмасликка чорлайди.

Бухоро адабий муҳитида етишиб чиққан қаламкашлар ижоди дарахт образи нуқтаи назаридан қиёсланар экан, уларнинг ҳар бирида дарахт куртаклари юз очган орзуларга ўхшатилаётган бўлса-да, муаллифларнинг турли марказий фикрлари атрофида бирлашган. Садиддин Салим Бухорийнинг дастлабки эътиборга тортилган шеърда дарахт тимсол вазифасини бажарган бўлса, С.Воҳидовнинг қиёслаш учун олинган сатрларидаги тасвир шоирнинг ёмғирга мурожаати остида жамланган ҳислари атрофидаги деталлардир. Тилак Жўра ижодидаги шеърини парча ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, С.Воҳидов ижодида дарахт оддий деталь даражасида қолиб кетмаган. Шоирнинг дарахт тушунчаси остида ўз кечинмаларини ифода этишда эркин танлов йулидан борганлиги унинг индивидуаллигини кўрсатиб туради. Демак, шоир дарахт мисолида инсон ва унга тегишли хусусиятларни қаламга олади.

⁴⁷ Салимов С. Оққушим. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1979. – Б. 35.

Реалистик образлар. Бадиий адабиёт инсон образини тўлалигича ўзида жамлаган, унинг ботиний ва зоҳирий дунёсини акс эттиришни мақсад қилган поэтик оламдир. Ҳар бир ўқилган асар: у хоҳ насрий, хоҳ шеърий бўлсин, ўз образлари билан китобхон онгида гавдаланади. С.Воҳидов инсонларнинг турфа образларини яратишда, уларнинг ички қиёфасини намоён қилишда бир неча йўлдан: атрофдаги реал воқеликлардан, хаёлда содир бўлган воқеалардан; инсонлар билан зиддиятли муносабатларнинг ҳал қилувчи ўринларидан, диалоглардан, давр муаммоларидан, хотиралардан фойдаланади. Шоир инсоннинг ижобий ва салбий образларини яратар экан, бунда у аллегорик образларга, хаётда мавжуд инсонларнинг прототиپига мурожаат қилади.

С.Воҳидов ижодида яққол намоён бўлиб турган инсон образи – бу деҳқон образидир. Шоир бу образни бутун бўй-басти билан ўз шеърларида гавдалантира олган. Унинг «Деҳқон оиласининг бир куни» шеърисида захматкаш деҳқон қиёфаси намоён бўлади. 1989 йилда ёзилган ушбу шеър нафақат деҳқоннинг, балки деҳқон аёлнинг, давр аёлининг ўзига хос образини акс эттирганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шоир саҳарлаб далага отланган аёлнинг хаёлларига-да кулоқ тутди. Аёл ҳали уйғонмаган болалари ҳақида ўйлаганча қадам ташлайди. Қуйидаги сатрлар эса аёлнинг тушгача оғир меҳнат қилиб ҳолдан тойган қиёфасини кўз олдимизда пайдо қилади: *«Аввал аёл чиқар эгатдан, Хўл рўмолин сиқар бемажол. Истиҳола қилар кўйлагин, Қуритғали ечиб бемалол»* [I, 152]. Фарзандлари билан бир дастурхон атрофида овқатланиш, аллаю эртақлар айтиб ухлатиш, умуман, оналик меҳрини уларга бериш орзу-хаёллари билан далада кунини ўтказаятган деҳқон аёл сиймоси тасаввурда гавдаланади. С.Воҳидов акс эттирган деҳқон образларининг барчаси ҳам бу каби иложсиз эмас, бу каби жисмоний меҳнатга муте бўлиб қолмаган. Шоирнинг «Даҳо армонини ушатган деҳқон» [IV, 71] шеъри ўзбек деҳқонининг бутунлай бошқа образини намоён қилади. Шеър шоирнинг бадиий тўқимаси бўлмай, балки ҳамқишлоғи, кекса деҳқон Сулаймон ҳожи Бурҳоновнинг эзгу нияти ҳақида.

Бу ният шунчалар улуғки, Навоий тараннум этган инсоний туйғуларнинг йўқолмаганлигидан ва кўнгилларга етиб келганидан далолат беради.

Шукр, ниятимга етказди Худо,
Ҳажни соғу омон айласам якун,
Бир умра қиларман, иншооллоҳ,
Ҳажга боролмаган Навоий учун...

Оддий деҳқон юрагидаги бағрикенгликдан, кўнгилнинг бир четида неча аср олдин яшаган инсон учун бир ният борлигидан хайратга тушади киши. Деҳқоннинг сўзлари унинг ўз ҳаётидан мамнун, шижоатга тўла шодон, самимий қиёфасини яратади:

Бу гапни шу қадар айтди самимий –
Ки, гўё сўз борар отаси ҳақда.

Бир ҳаётий ҳодисани бадиийлаштиришда шоирлар турлича йўлдан борадилар. Бу борада С.Воҳидовнинг ўзига хос ёндашганлиги шундаки, у оддий суҳбат орасида айтилган ниятнинг аслида буюк ният эканлигини ҳис этган ва бу ниятни ўзиники қилмай борича акс эттирганлигидир. Шу билан бирга, у суҳбатдошининг шунчаки тингловчиси ҳам эмас. У қаршисидаги инсонда қарийб олти аср олдин яшаган инсоннинг кўнглидан сачраган некбинлик нурларини кўради: *«Тасаввур айладим! Деҳқон ва Даҳо Бирга байтуллоҳни тавоф этмоқда»*. Бу ҳис беихтиёр ўқувчини ҳам чулғаб олади. Неча асрки, авлодлар шуурини ёритиб келаётган Навоий ижоди ва бу ижодга муносиб бўлишга ҳаракат қилаётган инсонлар билан ғурурланиш ҳисларини туяди, киши.

С.Воҳидов ижодини ўрганиш жараёнида унинг ўқувчилик йилларида Самандар Раҳмонов исм-шарифида эканлигини ва шу ном билан туман газетасида кичик мухбир бўлиб ишлаганлигининг гувоҳи бўлдик. Кичик мухбир дейишимизга сабаб, аввало, унинг ҳали ўқувчилиги бўлса, яна бири, унинг номи билан берилган кичик статистик маълумотлардир. Аҳамиятлиси, шоирнинг бу маълумотлари деҳқонлар, уларнинг пахта режасини бажаришларига дахлдор. Айни мазмундаги маълумотларни тўплаш унинг

деҳқонлар ҳаётини яқиндан билиш, улар билан суҳбатда бўлиш имкониятини ҳам берган бўлиши, эҳтимол. Шоирнинг «Қўша бобо чорбоғи», «Деҳқон», «Кузнинг дардли оқшоми», «Деҳқоннинг ўйлари», «Деҳқоннинг гумони», «Қишлоқ чойхонасида», «Оқил бобонинг...», «Деҳқон ёзи» каби шеърларида гоҳ ҳорғин, гоҳ эрта тушган совуқдан шошиб қолган, гоҳ ҳазил-мутойибага мойил, гоҳида донишманд қиёфада ўзбек деҳқонининг бадиий образи чизилади.

Деҳқон образи шоирнинг нафақат шеърларида, балки дostonларида ҳам мавжуд. «Асал бобо» дostonидаги бу образ саховатпешалик, инсонпарварлик, ўз қилган ишидан мамнунлик, хушнудлик туйғулари билан яшаётган инсон қиёфасида ўқувчи кўз олдида гавдалантирилади. Буни муаллиф деҳқоннинг ўй-хаёллари, хотиралари тасвири орқали дoston сюжетида изчиллик билан ёритади. Шу ўринда муаллифнинг инсонлар феъл-атворини, воқеаларга турлича муносабатда бўлишларини сергаклик билан кузатганлиги Болта чол образида кўзга ташланади. Бу образда салбий хусусиятлар: калтабинлик, ғараз, бахиллик кабилар учрайдики, бу ўз-ўзидан ўқувчида унга нисбатан нафрат уйғотади. Болта чол тилидан Чориқулбой ҳақидаги ривоятни келтириш орқали ижодкорнинг ҳар бир образга хос индивидуал хусусиятини очишга ҳаракат қилганлигини кўрамыз.

Шоирнинг «Ҳаловатни ҳалолликдан изладим» дostonи ҳам прототип асосида яратилган образлари билан эътиборлидир. Муаллиф Бухоронинг икки машҳур ҳунарманди – уста Шариф ва Амин боболарнинг (ёзувчи Неъмат Аминнинг отаси) тўлақонли образини яратишга эришган. Амин бободан бир латифа, уста Шариф тилидан Шайх Саъдийдан ҳикоя келтириш орқали бу образларнинг маънавий қиёфаси ўқувчи кўз олдида яхлит гавдаланади. Шоир Амин бобонинг ҳазил-мутойибага бой характерини тўла-тўқис ярата олганлиги қуйидаги сатрларда яққол кўринади:

Усто Шариф, шу Брежнуф
Падар қусур эзма чол,
Кўп ўч экан ўрдин-пўрдин,

Ҳар хил темир-терсакка.
Сизга темир қаҳат эмас,
Ясаб уч-тўртта мидол,
Темирчидан «награждон» деб,
Жўнатинг шу пирсакка.

Уста Шариф ва Амин бобонинг ўзаро суҳбатидан бу инсонларнинг неча турли замонлар ўтса-да, ота-боболаридан мерос бўлиб қолган хунарга садоқатли, букилмас иродали, пок тийнатли кишилар эканлиги англашилади. Достонни ўқир экансиз, Бухоронинг эски шаҳар кўчалари бўйлаб темирчилик устахонаси томон шошиб бораётган Амин бобони, олов гуруллаб турган иссиқ хонада ловуллаган темирга зарб билан ишлов бераётган Шариф отани кўргандек бўласиз. Шоир: *«Ҳукмдори мазах бўлса, Демак, нобон замона»*, – дея, уста Шокир тилидан ўз ҳаётий қарашларини ҳам баён қилади. Достон икки қаҳрамоннинг ўзаро суҳбати орқали давр хунарамандларининг қисматини кўрсатиб берганлиги билан Ғафур Ғуломнинг «Менинг ўғригина болам» ҳикоясини ёдга солади. Ҳикояда ҳикоячи баён қилган Роқиябиби ва ўғрининг суҳбати мазмунидан, достонда эса уста Шокир айтиб берган отаси уста Шариф ва Амин боболарнинг суҳбатидан замон носозликлари, хунар аҳлининг қийинчиликларидан воқиф этилади.

Образлар орқали ҳаёт воқелиги типиклашади, эмоционал тасвир бўёғига эга бўлади. Бадиий адабиётнинг бош тасвир объекти инсон ва унинг ҳаёти ҳисобланар экан, «Андух» достонида ҳам замондош шахс сиймоси, руҳияти, унинг ҳаёт муаммоларига дуч келамиз. Муаллиф ижроқўм раисаси ҳаётидаги лавҳаларни баён этар экан, ёлғизлик аччиқ қисматига айланган аёлнинг мунгли суратини шоирона чизади. Достонда ёлғиз фарзанди учун бутун умрини бағишлаган, ҳаётнинг жамики лаззатини шу фарзандида кўра олган она образи муҳим ўрин тутади. Унда қисматлари ўхшаш, айти чоғда эътиқодда айрича бўлган аёллар образлари гавдалантириллар экан, уларнинг бари раиса образи фожиасини очиб беришга хизмат қилган. Она тилидан

айтилган ҳасратлар, ушалмаган умидлар дostonдаги барча аёлларнинг дарди бўлиб жаранглайди:

Бешик қубба тутмади кафтим,
Унут бўлди эртагим, аллам.
Болам эмас, армон йўргадим,
Шўрпешона эканман, болам [II, 222].

Муаллиф раиса образини тўлалигича ўқувчи кўз олдида гавдалантириш мақсадида яна ранглар ва тун манзарасига мурожаат қилади:

Қора асфальт йўлда елар оқ «Волга»
Қоп-қора осмонда сарсон оққушдай [II, 237]

Шоир Раисанинг кейинги ҳаётидан гапирмайди. Бироқ унинг оққушга ўхшатилиши, оққушнинг эса ёлғизликда яшай олмаслиги бу ҳақида тасаввур пайдо қилади.

С.Воҳидов инсонларнинг турли табиатларини ифодалашда аллегорик образларга ҳам мурожаат қилади. Шоирнинг образ яратишдаги бундай ёндашуви натижасида, асосан, шахсий характер қусурлари бор бўлган кишилар фош қилинади. Демак, аллегориялардан шоир салбий образларни тасвирлашда фойдаланади. «Шоҳ қарға ва вазир булбул» ривоят-дostonи, «Товус», «Йўлбарс», «Буқаламунга», «Чумоли ва фил» шеърлари шулар жумласидан.

Хулоса қилиб айтганда, С.Воҳидов ижодидаги ҳар бир образда унинг инсоний қиёфаси намоён бўлади. У инсонларнинг покиза туйғулар асири бўлишини истайди. Риёкор, дунё молу- мансабига эътиқод қўйган кимсаларга дуч келар экан, бу каби кишилар туфайли яхшиларнинг ҳаёти мураккаблашиб бораётганлигидан қайғуга чўмади. Унинг шеърларини ўқиган китобхон ўз кўнглида мудраб ётган эзгу ҳислар билан рўбарў бўлади. Шоир шеърларидаги образларга юкланган маъно инсон кўнглини асрашга, унга озор бермасликка даъват этади.

I боб бўйича хулосалар

Ижод мураккаб жараён бўлиб, шоирнинг ҳаётий биографияси мана шу жараённинг шаклланиши, қарор топиши, юксалиши учун муҳим аҳамият касб этади. Яратилган ижод намуналари эса шу умр йўлида топилган, англаниган, кўнгил оламини банд этган кечинмалардан ҳикоя қилади. С.Воҳидовнинг ижод йўли унинг поэтик оламини яқиндан таниш, талқин этиш имконини беради. Шоирнинг дастлабки ижод намуналариёқ унинг табиатнинг теран кузатувчиси бўлганлигини кўрсатади.

С.Воҳидовнинг адабиётга кириб келиши, ижодий йўлини кузатар эканмиз, оила муҳити, ўқиш жараёни, устозларнинг рухий кўмаги – мотивацияси, газеталар таҳририятида фаолият кўрсатиш, ўқиб-изланиш, таржима, сўз санъатига фидойилик, адабиётни ўзи учун муқаддас деб билиш каби қатор омиллар шоир шеъриятининг шаклланиш манбалари бўлиб хизмат қилди.

С.Воҳидов анъанавий бармоқ вазнидаги шеърларини ноанъанавий эркин шаклда ифодалаб, фикр моҳиятини теран англантишга, ҳиссий таъсирчанликни оширишга эришган. Бу шоир поэтик оламининг яққол намоён бўлишига имкон яратган.

Шоир ижодий ўсишининг дастлабки йилларидаёқ нафақат бармоқ вазнидаги эркин шаклли, балки эркин вазни шеърлар яратганлиги унинг руҳиятидаги эркинликка интилиш ва ижодкор сифатида туйғулари, кечинмалари ифодасида атайин вазн изламаганлиги табиий оҳанг ва шаклда вужудга келган шеърлари билан изоҳланади.

Поэтик образларга ўз ҳаётий қарашларини, фалсафий хулосаларини сингдира олиш С.Воҳидов шеъриятига хос асосий белгилардан биридир. Шоир бир қарашда унчалик муҳим бўлмаган ҳаётий воқеани, оддий нарсаларни тасвир маркази этиб белгилайди. Шеър якунида эса улар асл маъносини, инкор этиб бўлмас ҳаёт ҳақиқатларини китобхоннинг ҳиссий ва ақлий билиш оламида жилолантириб туради.

С.Воҳидов инсон ҳаётининг азалий ва абадий мезонларини яхши англаган шоир. Унинг шеърларида ҳам, дostonларида ҳам замондош шахс сиймоси, орзу-армонлари, ҳаёт муаммолари, ҳар бир ташбеҳ инсон, унинг руҳий олами, ўй ва кечинмалари билан боғлиқ ҳолда талқин этилади.

II БОБ. САМАНДАР ВОҲИДОВ ИЖОДИНИНГ ЖАНРЛАР ТИЗИМИ

2.1. Бағишлов ва қасида жанрида шоир маҳорати

С.Воҳидов Бухоро адабий муҳитининг бетакрор ижодкори сифатида лирик, лиро-эпик (сўнгги йилларда насрий) турларда фаол ижод қилди. Шоир лирикаси нафақат бармоқ, балки аруз вазнидаги гўзал шеър намуналари билан бойиди. Шоирнинг мухаммаснависликдаги маҳоратини кенг тадқиқ этган олим О.Сафаров шундай ёзади: «У Алишер Навоий ғазаллари руҳини, вазну оҳангини, тасвирий жозибасини шу қадар нозик ва теран ҳис қила олганки, кўп ҳолларда унинг мисраларини буюк устози сатрларидан фарқлаш қийин, гўёки уларнинг барчасини бир қалам соҳиби ёзгандай туюлаверади»⁴⁸.

С.Воҳидовнинг ғазал жанридаги ижод намуналари профессор Р.Воҳидов томонидан атрофлича ўрганилган⁴⁹. Олим «Ишқ – шеър жавҳари» номи остида шоир ғазалларини бадиийлик мезонлари асосида таҳлилга тортади. Ушбу тадқиқод ишида эса С.Воҳидовнинг ҳали ўрганилмаган қасида, бағишлов ва дostonларини поэтик тадқиқ этишни мақсад қилдик.

Шоир ижодининг жанрий ва шаклий таркибини инобатга олган ҳолда куйидагича таснифладик:

Лирик асарлар: ғазал, мухаммас, қасида, бағишлов, тўртлик, саккизлик, туркум; маснавий, мухаммас, мусаддас шаклидаги шеърлар, бармоқ вазнидаги эркин шаклли шеърлар, эркин вазндаги шеърлар.

Лиро-эпик асарлар: дoston (ривоят-дoston, эпик дoston, лирик дoston, дoston-марсия), воқеабанд шеърлар.

Таржималар. (Шарқ ва рус адабиётидан таржималар; Рудакийдан Садриддин Айний даврига қадар Бухорода яшаб форс-тожик тилида ижод қилган 30 та шоирнинг шеърларидан таржималар).

Эсселар: «Қуёш заррасига завол бегона», «Яшаб ўтди шундай бир одам», «Ижод кўзгусида акс этар қалби» каби хотира-эсселар.

⁴⁸ Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. (Мақолалар, рисоалар) –Бухоро: “Дурдона” нашр., 2015. –Б. 468.

⁴⁹ Воҳидов Р. Бир носир-у уч шоир ҳақида топганларим. – Бухоро, 2003.

Айрим публицистик мақолалар. «Ошкоралик овози», «Сўзларим етгайми сенга...», «Ёзма нутқ – саводхонлик кўзгуси», «Нон вужуднинг, китоб руҳнинг эҳтиёжидир».

Шоир ижодида бағишловлар салмоқли ўрин эгаллайди. Бу жанр ўзбек адабиётига Европа ва рус адабиёти орқали кириб келган. «Посвящение – бағишлов» жанрига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритилар экан, «Шарк адабиётида эса бу вазифани қасида бажарган»лиги айтилади⁵⁰. Бу эса қасида ва бағишлов жанрлари ўртасидаги алоҳидаликларни аниқлаштириб олишга эҳтиёж туғдиради. «Бағишлов – у ёки бу кишига бағишланувчи шеър жанри, аммо қасида ё хат эмас»⁵¹ дейилади. Хусусан, қуйидаги аниқ таърифни ўқиймиз: «Бағишлов ёрқин келажакка эга, новатор жанрдир, шу билан бирга, унинг машхур воқеаларга бағишланган тури инқилобдан олдинги анъаналарга ҳам эгадир. Бағишлов прототипли шеър ҳамдир. Бу ҳол ундаги типиклаштириш ва индивидуаллаштиришга ҳам муайян талаблар юклайди.

Бағишлов жанрининг бирон кишига аталган ё бирон жонли воқеага бағишланган ё бирор ташкилотга бахшийда этилган, ёки бирор миллатга, халққа қаратилган кўринишлари бизда кенг тарқалди. Бу жанрнинг ўзи ўзбек лирикасининг ғоявий-бадий таракқиётида алоҳида мавқега эга»⁵². Айни шу манбада қасида жанри ҳақида шундай дейилади: «Қасида – бирон машхур арбоб, тарихий шахс, қаҳрамон, муҳим воқеага мадҳия тарзида ёзилган асар»⁵³. Кўринадикки, қасида ва бағишлов жанрлари бир-бирига жуда яқин турса-да, ўзига хос характер хусусиятлари билан фарқланади. Қасидалар марказида турган шахслар ёки воқеалар ўз ижтимоий даражасига кўра анча юқори ўриндалигини кўриш мумкин. Масалан, Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим», «Инсон», А.Ориповнинг «Ўзбекистон», Жамол Камолнинг «Инқилоб», «Ўзбекистон» қасидалари мисолида фикримиз далилланади. (Шу ўринда

⁵⁰ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати – Тошкент: «Ўқитувчи», 1979. – Б. 238.

⁵¹ Адабий тур ва жанрлар. (Тарихи ва назариясига оид) Лирика. 3 жилдлик. 2 жилд. – Тошкент: «Фан», 1992. – Б. 163.

⁵² Шу манба. –Б. 165.

⁵³ Шу манба. –Б. 155.

айтиб ўтиш керакки, мумтоз адабиётимизда баҳор, куз фаслига; ҳажвий ва ҳасби ҳол мазмунидаги қасидалар ҳам мавжуд.) Қасида ва бағишловларнинг яна бир фарқли жиҳати шундаки, қасидалар ҳажм жиҳатидан бағишловларга караганда анча катта бўлади. Қасидалар ўз мазмунига кўра, одатда, дабдабали характерга эга бўлиб, тантанавор услубда ёзилади. Бағишловларда эса бу жиҳат биров қуйи кўринишда намоён бўлади. Юқоридаги манбаларда қасида ва бағишловларга берилган таъриф бир-бирига ўхшаш эканлигини кўрамиз. Бағишлов жанрига хос хусусиятнинг ёркинроқ ифодаси, уларнинг қандай муносабат билан ёзилиши жиҳатидан қуйидагича изоҳланади: 1) «асарнинг бирон-бир шахсга бағишланганлигини ифода этувчи қисми, дебоча»⁵⁴. Бундай бағишловларда асарнинг бошланиш қисмида танланган шахснинг мадҳи келтирилган, яъни унга миннатдорчилик изҳор этилган махсус қисм ўрин олган. С.Воҳидов ижодида бундай бағишлов тури мавжуд эмас. 2) «замонавий адабиётда бағишлов асарнинг муаллиф хурмати, эъзози, миннатдорлиги, муҳаббати ва ҳ. туйғулар ифодаси сифатида бирон-бир шахс, унинг хотираси, муайян бир жой, муассаса, воқеа-ҳодиса ва ш.к.ларга бағишланиши, шу ҳақдаги қайд»⁵⁵ дейилар экан, бундан шартли равишда шундай хулосага келиш мумкин. Яъни бағишловлар 1) реал шахсга ва; 2) бирор предмет (воқеа)га қаратилган бўлади. С.Воҳидов ижодида, асосан, реал шахсга атаб ёзилган бағишловлар мавжуд. Шоирнинг реал шахсга қаратилган бағишловлари марказида турувчи прототип эса бағишлов ёзилаётган вақтда ҳаёт ёки вафот этиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Айни шу жиҳат бағишловнинг мазмун мундарижасини, муаллифнинг бадий мақсад йўналишини белгилаб беради. С.Воҳидов бағишловлари ҳам шу тасниф жиҳатидан фарқланади. Шоирнинг бағишлов шеърларини характерига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин: **а) мадҳия бағишлов** – шоирнинг хурмати ифодаланган, миннатдорлиги акс этган бағишлов шеърлар: «Жайронлари бордир» – Жайрон қўриқхонаси жонкуяри Ғулом Жумаевга; «Уйқусиз тун

⁵⁴ Қуронон Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: “Академнашр”, 2013. – Б. 68.

⁵⁵ Шу манба. – Б. 68.

балладаси» – Абдунаби Ҳамрога; «Шоир қалби» – Жаҳонгирга; «Сингли борнинг...» – Синглим Саломатга; «Сино қайтаётир» – Бухоро театри саҳнасида Ибн Сино сиймосини яратган актёр Муҳаммад Рафиқовга; «Ўзинг экмаган боғда» – Устоз Шариф Нурхонга; «Кузнинг дардли окшоми» – Синфдошим, жонкуяр деҳқон Холмурод Ҳожиёвга; «Томирида Зарафшоннинг тугёни» – Заҳматкаш ёзувчи укам Жўра Фозилга. Бундай бағишловларда шоир шеърда назарда тутилган шахснинг эзгу фазилатларига, одамийлик хислатларига кўпроқ аҳамият беради, уни мадҳ этади, мактайди. Буни «Дилида икки дарё бор» (Шифокор ва шоир биродарим Аҳмад Самад Ниҳолийга бағишлайман) шеъри мисолида ҳам кўрамыз:

Маҳорат берса гар Оллоҳ гул очгай турфа хислатлар,
Кўрингай бир юракда бир эмас, кўша фазилатлар. [IV, 42]

б) хотира бағишлов – шоир эътиборидаги инсонларни хотирлаш тарзида баён қилинган бағишлов шеърлар: «Беморхона болишига сўйланган дардлар» – Мураккаб қисмат эгаси шоир, шифокор Сайфи Нажмий хотирасига; «Куйга айланган юрак» – Саҳнада жон берган моҳир найчи Ҳомиджон Жалолов хотирасига; «Дуодан бошқа иш келмас кўлимдан» – Таниқли адиб биродарим Сафар Барноев хотирасига; «Ҳеч ким устун бўлмас дунёи дунда» – Устозим – профессор Саиджон Алиев хотирасига; «Сени кўмсаб...» – Афғонистонда ҳалок бўлган Баҳрон Ашуров хотирасига; «Армон» – Истиклол юрти ҳимояси йўлида жон берган югитларимиз хотирасига; «Ҳаёт ошуфтаси эрдинг» – Шоира Марям Турдиева хотирасига; «Баҳор азаси» – Отам хотирасига. Биринчи гуруҳга мансуб шеърлар кўтаринки, ҳатто тантавор руҳда ёзилганки, улар бағишланаётган инсоннинг эзгу фазилатларини мадҳ этади. Бағишлов марказидаги шахснинг самимийлик ва жонкуярлик каби инсоний фазилатлари фахр билан тилга олинади, уларга тилаклар тиланади. Чунки улар реал шахслар бўлиши билан бирга, шеър ёзилган вақт бирлигида яшаб турган инсонлардир. Иккинчи гуруҳга мансуб шеърлар эса муаллифнинг вафот этган яқинлари, дўсту ёрларига бағишловларидир. Уларнинг айримлари ўз мазмуни билан марсияларга ҳам бир қадар

яқинлашади, шу билан бирга, уларда миллий бўёқдорлик кучли эканлиги кўринади:

Тишлаган кулчангиз қолди токчада,
Куёвлик сарпонгиз қолди бўғчада,
Гулингиз кулмайин сўлди муғчада,
Эй мардлик бўстони беҳазонларим,
Ватан, деб, жон берган укажонларим! [Ш, 139]

Халқимизда олис сафарга чиққан инсоннинг насибаси тортиб, ўз уйига соғ-омон қайтиб келиши ирим қилиниб, нон тишлатиш одати бор. Шоир халқнинг шу эзгу ниятини каламга олади. Шаҳид кетган ўғлонларнинг куёвлик бахтига бенасиб, «гулингиз кулмайин сўлди» дея севган ёрининг фироқда қолганлигини акс эттиради. Шунга қарамай, асарда йиғи оҳангидан кўра, уларни фахр билан хотирлаш кайфияти етакчилик қилади. Хотира бағишловларда унда назарда тutilган инсоннинг фидойилик, мардлик фазилатлари соғинч билан эсланади. Улар ҳаётидаги энг характерли ўринлар ибрат қилиб кўрсатилади. Марсияларда эса айрилиқ изтироблари, ачиниш, ғам-қайғу туйғулари бўртиб туради.

3) бағишлов таснифидаги яна бир гуруҳга «лирик жанр, бирор-бир шахс (нарсa, жой ва ш.к.)га мурожаат шаклида ёзилиб, кўпроқ уни, унга муносабатни ифодалашга қаратилган шеърий асар»⁵⁶ таърифи берилади. С.Воҳидов бағишловларининг бир гуруҳи ана шундай мурожаат тарзида ёзилган. «Тушларимда юргин, болалик», «Ҳазрат Яссавийга ҳасби ҳол», «Синглимга хат», «Ифтихор» – Ўғлим Журъатга, «Шоир укам Шодмон Сулаймонга», «Муборакбод» – Синглим Саломатга каби шеърларини шу гуруҳга киритиш мумкин. Уларда шеър бағишланаётган киши характеридаги кўзга кўринган, бўртиб турган фазилатлари тилга олинади. С.Воҳидов бағишловлари ушбу жанрнинг ғоявий-бадиий тараққиётига алоҳида ўринга эга. Шоир атрофидагилар билан суҳбат қураётган экан, мулоқот жараёнида туғилган саволларга шеърий жавоб йўллайди, гўё. У қандай мавзуда суҳбат-

⁵⁶ Шу манба. – Б. 69.

мунозара олиб борган бўлса, бу мавзуни шунчаки унутиб юбормайди. Улар хақида узоқ ва чуқур мулоҳаза юритади. Ўша мавзудаги ўз фикрларини бағишлов тарзида шеърини баён қилади. «Шоир калби» шеърини «Жаҳонгирга» дея бағишлар экан, унга шоирлик ва шоирона калб қандайлигидан сўзлайди:

Шоир ҳам кўнгилда борин чиқариб,
Пинҳона чекса-да азоб, азият,
Ўзлигин борликка борар сингдириб,
Дарахти, дарёси унинг – шеърини! [IV, 24]

С.Воҳидов ижодининг сўнгги йилларида бу жанрга кўпроқ мурожаат қилганлигини кўрамыз. Шоирнинг бағишловларига мушарраф бўлган шахслар замона кишиларидир. Муаллиф уларни ибрат қилиб кўрсатар экан, улардаги айни эътирофга сазовор фазилатларнинг давр учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳам англашилиб туради. Эзгулик, ҳалоллик, илмпарварлик, меҳнатсеварлик, эътиқодда собитлик каби хислатларнинг юксак маънавий даражасини реал кишилар мисолида намуна қилиб кўрсатади. «*Ҳақ гапни ёлгонга бўямайди у, Дўст учун жонини аямайди у*» [IV, 91]. Шу жиҳатига кўра бағишлов жанрини ҳозиржавоб, замонабоп жанр деб аташ мумкин.

Шоир илм-у қалам аҳлига атаб қатор бағишловлар битган. «Бағишловларим – дил қутловларим» номли кириш шеър билан бошланган бу туркумни битишда шоир ўзида маънавий эҳтиёж сезади. Жамол Камолга, Гулом Шомуродга, О.Сафаровга, Омон Мухторга, И.Ҳаққуловга, журналист дўсти А.Жалиловга, Шодмон Сулаймонга атаб ёзилган бағишловлар аруз вазнида, ғазал жанрида ёзилганлиги билан эътиборлидир. Қасидалар ҳам ғазал сингари қофияланса-да, ҳажм жиҳатидан чекланмаганлиги билан улардан фарқ қилади. Ва уларда таҳаллус келтириш ҳам шарт эмас. С.Воҳидовнинг аруз вазнидаги бағишловлари қофияланиш жиҳатидан ҳам, ҳажм жиҳатидан ҳам ғазал кўринишида. Аммо мазмун-моҳияти, асарнинг чуқур ҳурмат кайфиятида эканлиги бағишлов жанри хусусиятларидан дарак

беради. Умуман, бугунги кун шеърияти поэтикасига назар ташлайдиган бўлсак, шеърий асарларнинг шаклий кўринишидан эмас, балки, мазмун-моҳияти, пафос, ифода усулидан келиб чиққан ҳолда жанрини аниқлаш тамойили амал қилаётганлигини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан, шоирнинг кўплаб шеърларини бағишлов жанрида ёзилган дея баҳоладик. С.Воҳидовнинг бағишлов яратиш борасидаги ўзига хосликларидан яна бири шундаки, уларда ғазалдаги каби мақтаъда тахаллус келтирилишидир. Баъзиларида фақат муаллифнинг исми келтирилса, баъзиларида бағишлов аталаётган шахснинг исми, айримларида эса ҳар иккала шахснинг исми келтирилади.

«Икки дунё, Ё Худо, асра Жамолинг сарбаланд»

Жойнамоz узра Самандар айлар дуo тун, субҳидам. [IV, 90]

Тасаввуфда борлиқдаги барча нарсалар Аллоҳ жамолининг тажаллиси эканлиги айтилади. Шу асосда “Жамолинг” сўзи ийҳом санъатини юзага келтирганлиги англашилади. Яъни байтда муаллифнинг Аллоҳдан ҳам бутун оламни ва ҳам қаламқаш дўсти Жамол Камолни асрашини сўраб ёлвораётганлиги тушуниш мумкин. Шунингдек, мақтаъда тазод санъати устунлик қилаётганлигини ҳам кўрамиз. Ҳатто «Икки дунё» жумласининг ўзи боқий ва омонат дунё тушунчаларини англадиб, ақлий билишда қарама-қарши маъноларни ҳосил қилади.

Бағишлов эстетик белги, пафос ва муайян мазмун йўналишига асосланадиган жанрлар сирасига киради. Жанрнинг характерли белгиси шундаки, унда назарда тутилаётган реал шахснинг муҳим жиҳати бўрттирилмай борича, самимий баён қилинади. Шахс ва воқеалар эса муаллифгагина таниш ва маълум бўлиши ҳам мумкин. Яъни уларнинг ижтимоийлик, сиёсийлик, тарихийлик даражаси у қадар аҳамиятга эга бўлмайди. Улар фақат муаллифнинг ҳаётида муҳим ўринга эга бўлишади.

С.Воҳидов ижодида қасида жанрининг ҳам гўзал намунаси мавжуд. Ўзбек мумтоз лирикасининг жанри саналмиш қасида ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтган. Замонавий адабиётда эса у ўзининг мазмун-моҳияти ва

вазн мезонларини ҳам кенгайтирганлигини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан, С.Воҳидовнинг «Истиклол манзумаси» номли қасидасини жанр тараққиёти ва ўзига хослиги билан боғлиқ айрим мулоҳазалар асосида тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

«Истиклол манзумаси» қасидаси мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан ёзилган бўлиб, асарда шу давр мобайнида эришилган ютуқлар, озодлик тухфа этган фахр ва ифтихор туйғулари куйланади. Шоир 20 йиллик муддатни сарҳисоб қилади гўё. Хурлик ҳада этган имкониятларни жўшиб куйласада, мустабид тузумининг чекловларидан сўз очмайди. Агар шундай бўлганида эди, қасидага хос кўтаринкилик, тантанаворлик кайфияти бир поғона пастга тушган бўларди. Жанрларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ жараён ҳам шуки, улар, аввало, мазмунан қарор топади. Кейинчалик эса ўзининг банд, қофия, ҳажм, композицион қурилиш каби мезонларига эга бўлади. Қасида жанри ҳақидаги назарий маълумотларда унинг ғазал каби қофияланиши (а-а, б-а, в-а...), бироқ ҳажман ғазалдан катта, чекланмаган бўлиши айтилади. Демак, қасида ўзининг қофияланиш тизимига эга. Саккокий, Навоий, Огаҳий қасидалари бунга мисол бўла олади. Ва бу қасидалар аруз шеър тизимида яратилган. Бугунги ўзбек адабиётида яратилган қасидалар, нафақат мазмун, балки мумтоз адабиётдаги қасидалардан ўз вазни, қофияланиш жиҳатидан ҳам фарқ қилди. Қасиданинг ўзига хос характерда тараққий этганлиги, ижтимоий-фалсафий, рухий мазмун касб эта борганлигини Э.Воҳидов («Ўзбегим», «Инсон»), А.Ориповлар («Ўзбекистон») ижоди мисолида кўрамиз. Мумтоз лирик жанр саналмиш қасида «кириш (насиб ёки ташбиб), таъриф жойи, объектнинг баёни (гузиргоҳ), мадҳ ва мамдуҳ (мақталувчи) ҳақиқа дуо ва шоир нияти (қасд) каби қисмларда иборат бўлади. Агар қасидада кириш қисми бўлмаса, маҳдуд деб аталади»⁵⁷. Э.Воҳидов, А.Орипов қасидаларида махсус кириш қисм йўқ. Уларда кучли ҳиссиёт билан бошланган фикр ва туйғуларнинг поғонама-поғона янада даражаланиб бораётганлиги, ватан меҳри билан

⁵⁷ Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: “Академнашр”, 2013. – Б. 384.

жаранг сочаётган қалб торларининг садолари янграйди. С.Воҳидов қасидаси эса махсус дебоча билан бошланиб, таъриф, тавсиф, мадҳ қисмлари билан давом этади, хотима билан якунланади. Бу ўринда С.Воҳидовнинг мумтоз шеърият анъаналарини давом эттирганлиги, жанр талабларини адо этишга бел боғлаганлиги намоён бўлади. Хусусан, дебочада шундай сатрларни ўқиймиз:

Шундай юртнинг фарзанди бўлсанг,
Боз устига, бўлсанг шоири.
Ҳис қилганинг зикр қилмасанг,
Ким айтадир «Бор, – деб , – ғурури?» [IV, 50]

Шоир қасидасининг фақат кириш қисмигина тўққиз бўғинли бармоқда ёзилган. Бу эса ҳиссиётлар шиддатини ифодалашда асосий вазифани ўтаган. С.Воҳидовнинг қасида жанридаги новаторлиги шуки, шоир дебочадан хотимага қадар алоҳида номланишларга эга саккизта шеър келтиради. Бу шеърларнинг барчаси тўртлик бандларлардан иборат бўлиб, «...Истиқлолга минг ташаккур!», «Халоскор Истиқлол, сенга ташаккур!», «Эй одил Истиқлол, сенга ташаккур!», «...Истиқлолга ғайбдан» ташаккур!»... сингари жумлалар билан якунланади. Мана шу миннатдорлик ҳисси қасиданинг барча қисмларини моҳиятан боғлаб туради.

Шоир истиқлолдан сармаст қалбини тошқин дарёга қиёс этар экан, ватанга муҳаббати чексизлигига ишора қилади. Хотиманинг олти мисралик бандлари мусаддасга хос қофияланган. Охирги икки мисранинг бандлараро қофиядош бўлиб келиши қасиданинг тантанаворлик, жўшқинлик кайфиятини белгилаган.

Шоир қалбидаги ватан мадҳини куйлар экан, муболағали тасвирлар билан бир қаторда ўзига хос ташбеҳларни ҳам қўллашга уринади:

Ёришсин деб бутун олам, нур эмсин, деб бани башар,
Сочган каби коинотга юлдузларни Парвардигор,
Қисмат бизнинг аждодларнинг хокин, гарчи ҳар ён сочар,
Улар номин дил тўрида ардоқловчи авлоди бор. [IV, 51]

Шоир Беруний, Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Бобур, Фуркат... номларини бирма-бир келтирмайди. Уларни ўзга юртларда қолиб кетганлигини яхшиликка йўйишга интилади. Яъни уларни фақатгина ер юзини эмас, бутун коинотни ёритиб турувчи юлдузларга қиёслайди. Шу ўринда С.Воҳидовнинг ташбеҳ санъатини қўллашдаги ўзига хослиги ҳам кўзга ташланади: у ҳар бир ўхшамиш билан ўхшатишмишни ёнма-ён келтирмайди. Шоир мустақиллик йилларидаги ўзгаришларни, янги-янги биноларнинг қад кўтараётганлигини ҳам ўзига хос тарзда ифода этади:

Нуроний бобонинг нурли бағрида
Набира ўсгандай баркамол, ўктам.
Умрзоқ бинолар силсиласида,
Ярашиқ янгилар юксалар кўркам. [IV, 57]

Қасидадаги бу каби ўхшатишлар мазмуннинг таъсирчан ифодаланишига ёрдам берган. Шоир ўзбек деҳқони ҳақида ёзаркан, унинг истиқлол сабаб қувонч туйган қиёфасини «Офтобга юз бурган кунгабоқардай, Ёғду тафтин сизди сўлгин юзида» дея оҳорли ташбеҳда ифодалайди. Мустақиллик шарофати ила чирой очиб бораётган қишлоқларнинг шаҳар билан тенглашганини «Битта нақш олманинг икки бўлаги, Бир гўзал чехрада икки гул яноқ» ташбеҳида тасвирлайди.

Қасида жанрида талмеҳ шеърий санъатидан ҳам фаол фойдаланилади. Ўзбек адабиётидаги илк қасидалардан то шу бугунгача яратилганларини кўздан кечирадиган бўлсак, бу санъатнинг қўлланиш доираси айна шу жанрда анча кенгайганлигини кўраемиз. Масалан, «Қутадғу билиг» асаридаги илк қасида намунаси саналмиш «Баҳор мадҳи»да шундай талмеҳни учратамиз: «Сэвинчин, авынчын, қувончин эли, Ашасу, яшасуны Лукман йылы»⁵⁸ (Севинч, овинч, қувонч билан эли, Лукмон ёшини яшасин (ва) ошасин). Умуман, асардаги қасидаларда талмеҳ санъатидан кўра ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, қаршилантриришлардан фаол фойдаланилган. XV

⁵⁸ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1971. – Б. 157.

асрга келиб эса қасида жанрининг етук намуналари яратилиб, уларда талмех санъати етакчилик қила бошлаганлигини кўрамиз. Масалан, Саккокий Мирзо Улуғбекни мадҳ этар экан, Сулаймон, Нўширавон, Мусо, Қорун, Ахриман, Шохруҳбек каби номларни кўллаб, унинг олимлик, подшоҳлик фаолиятини юқори баҳолашга эришган. Алишер Навоийнинг «Ҳилолия» қасидасида ҳам ўнга яқин номлар келтирилади. XX асрда яратилган қасидалар эса ўзининг моҳиятида кўра ҳам янгича мазмун касб этди. Эндиликда уларда биргина тарихий шахс, улуғ давлат арбоби тасвир марказида бўлмай, балки, халқ, миллат, Ватаннинг ўтмиши, бугуни, келажаги билан боғлиқ жиҳатларни камраб олган қасидалар ёзила бошлади. Бу, албатта, даврга алоқадор ўзгаришлар, юртнинг мустамлака сиёсати остида кечаётган ҳаёти сабаб юзага келди. Халқ маънавий оламини бойитиш, миллий руҳни қайта уйғотиш, ўзликни танитиш, юрт тақдирига бефарқ бўлмаслик каби вазифалар қасида жанрининг асосий мазмун бирлигига айланди. Айни масъулият сабаб юртнинг асл ўғлонлари, маърифатпарвар зиёлилари номлари қаламга олинди. «Истиқлол манзумаси»нинг бу борадаги ўзига хослиги шундаки, шоир нафақат, бутун дунёга маълуму машҳур шахсларни, балки бухоролик деҳқон, фермер, темирчи, зардўз, меъморларни ҳам фахр билан тилга олади. Юртга муҳаббатни оддий инсонларнинг ҳалол меҳнатида, чидам ва бардошида кўради.

2.2. Самандар Воҳидов дostonларига хос айрим поэтик хусусиятлар

Ҳар бир тарихий даврга тегишли ижтимоий воқеликлар дoston жанри табиатида сезиларли из қолдирганлигини XX асрда яратилган дostonларни кўздан кечириш жараёнида яққол англаш мумкин. Ўзбек адабиётшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган дostonларнинг жанр генезиси, назарияси хусусида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган⁵⁹.

⁵⁹ Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек дostonчилигида услубий изланишлар. Жанрлар типологияси ва услуб ранг-баранглиги. – Тошкент: “Фан”, 1983.; Раҳимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма. – Тошкент: “Шарқ”, 1986.; Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор аънаналари. – Тошкент: 1990.; Норматов У, Ҳамдам У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2002. декабр сони.; Ҳасанов Ш. XX асрнинг

Хусусан, уларнинг тадқиқ марказида дostonларнинг жанр динамикаси, сюжет ва композициясидаги етакчи принциплар, воқеликни акс эттиришдаги ўзига хосликлар, дoston ва фольклор муносабати каби масалалар турганлигини кўрамиз.

С.Воҳидов дostonларини кузатиш жараёнида она-ватан, қадим Бухоро мавзуси шоир севиб мурожаат қиладиган улуғвор мавзулардан бири эканлиги аёнлашади. Айниқса, унинг ўнга яқин дostonлари Она шаҳри Бухоронинг бугуни ва эртасидан, у билан боғлиқ ривоят ва афсоналардан, давр кишиларининг матонатю жасоратидан ҳикоя қилади.

Шоир дostonларини яратилиш даври нуқтаи назаридан иккига бўлиб тадқиқ этиш мумкин. Яъни, **а) мустақилликка қадар яратган дostonлари:** («Минора афсонаси» (ривоят-дoston, 1976), «Ҳақ сўзнинг қудрати ёки Ибн Сино ва шоҳ ҳақида ривоят» (1981), «Шоҳ қарға ва вазир булбул» (ривоят-дoston, 1984), «Асал бобо» (1985), «Андух» (1990).

б) истиқлол йилларида яратган дostonлари: («Сунбула» (1999), «Юракнинг қайтиши» (2000), «Ҳаловатни ҳалолликдан изладим» (2005), «Видо» (дoston-марсия, 2010). Бундай таснифлаш ижодкор дostonларининг мазмун-моҳиятини, давр билан боғлиқ жиҳатлари, специфик хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради.

XX асрнинг иккинчи ярми адабий дostonчилигининг ўзига хос хусусияти ҳақида фикр юритилар экан, бу даврга келиб ўзбек дostonчилигида фольклорга мурожаат қилиш, унинг эпик жанрларидан фойдаланиш янада кучайганлиги кўринади. Хусусан, 70-80 - йиллар дostonчилигида фольклорнинг эртак, афсона, ривоят сингари жанрларини бадиий синтез ва стилизация қилиш йўлидан борилган лиги таъкидланади. Фольклордан ижодий фойдаланиш бадиий ижоднинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Шоир ва ёзувчилар фольклордан, унинг мавзу ва ғояларидан,

иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. Филол.фан.докт.дисс... – Самарқанд, 2004.; Мирзаев С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор аънаналари. – Тошкент: “Истиқлол”, 2005.; Қувватова Д. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг таракқиёт хусусиятлари. Диссертация. – Тошкент, 2016.

сюжет ва образларидан, бадий тил воситаларидан, содда ифода услубидан ижодий фойдаланиб, ўз асарларининг халқчил бўлишига интиладилар.

С.Воҳидов яратган дастлабки уч дoston ҳам халқ оғзаки ижодининг эпик жанрлари стилизацияси эканлигини кўриш мумкин. Ўзбек адабиётида Мирмуҳсин, Усмон Қўчқор, А.Орипов, Э.Воҳидов, Хуршид Даврон, Омон Матжон ижодида ривоят стилизацияси асосида яратилган дostonлар мавжуд. Адабиётдаги бу ходисани олима Л.Шарипова «Агар афсона, ривоят сюжети айнан асар мазмунини сақлаб, шаклан ўзгарган ҳолда ўзлаштирилса, стилизация фольклоризм юзага келишини таъкидлайди»⁶⁰. С.Воҳидовнинг ҳам ривоят-дostonлари бадий мақсади ва 60-70 - йилларда яратилганлиги, унинг вилоятда, маҳаллий ижодкорлар сафида турган бўлса-да, умумий адабий жараён билан ёнма-ён ижод қилганлигини намоён қилади. У халқ орасидаги ривоятлар мазмунини шеърий йўл билан бадий ишлов берган. Жумладан, «Минора афсонаси» [III, 241-256] дostonида Вобкент туманидаги миноранинг нима сабабдан қурилиши тугалланмай қолиб кетганлиги ҳақидаги ривоятни қаламга олади. Якуни фожиа билан тугаган ривоятнинг ўз сюжети бор. Аслида фольклор асарлари эзгуликнинг ғалабаси билан тугайди. Аммо айрим ҳолларда ёвузлик тантана қилиши ҳам мумкин. Халқ оғзаки ижоди ҳам ҳаётнинг инъикоси бўлганли учун реализмнинг таъсири фольклор намуналарида учрайди.

Шоир ривоятни шунчаки баён қилмайди. Дастлаб, Бухоронинг жаҳонни ўзига оҳанрабодек тортиб турувчи меъморий обидаларга бойлиги ва ҳар бирининг ўз афсонаси ҳам борлигидан сўзлайди. Муаллиф дostonга дидактик руҳ бериш мақсадида устознинг шогирдга ўғитларини келтиради. Дostonда халқ қарғиши мазмунида битилган мисраларнинг учраши, ундан кейин содир бўладиган фожианинг – шогирднинг ўлими ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилган:

Сўнги сўзим еткарингиз:

⁶⁰ Шарипова Л. XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеъриятида фольклоризм. Монография. – Тошкент: “Фан”, 2011. – Б. 82.

«Оқ этдим мен, этдим тарк.
Кун кўрмасин нонкўр ҳаргиз,
Тезроқ бўлсин жувонмарг...»

Мазкур қарғиш сўзларини ўқир эканмиз, муаллиф баёни реализмдан йироқлашганлиги кўзга ташланади. Чунки дастлаб устознинг шогирдга ҳаёт синовларига матонат билан тура олиш, тўсиқларни ҳалоллик билан енгиб ўтиш кераклиги ҳақида жонкуярлик, меҳрибонлик билан сўзлагани, кейин эса биргина ёлғон хабарга ишониши ва севимли шогирдини қарғаши ривоят-достон сюжети мантиғига бироз бўлса-да путур етказган. Айна қарғиш сўзлари ҳам устознинг эмас, балки фитначи, кўролмасларнинг ёлғони тарзида берилганида устозга нисбатан ўқувчининг ҳурмати ва ишончи тўла сақланиб қолинишига эришилган бўлар эди.

Шогирд образи эса ўз мантиқ чизиғи бўйлаб ҳаракат қилади. Шогирд тилидан *«Аввал ота, кейин устоз», Дейилади ҳикматда. Отамдан ҳам Сизни мумтоз Кўрган эдим ҳикматда»* сўзларини келтирар экан, «Устоз отангдек улуғ» халқ мақолини қайта ишланиб, оддий фольклоризм юзага келган. Бу орқали шогирд дунёқарашининг индивидуал томони ҳам очиб берилган. Достонда эпик ривоят, шунчаки шеърый шаклдагина ифодаланиб қолмай, унда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатига ҳам кенг ўрин берилади. Хусусан, шогирднинг руҳий изтироблари шундай тасвирланади:

Минорадан термулди-ю
Бухоро томон нохуш,
Дилда она диёр билан
Сўнг бор қилди хайри хўш.

Шоирнинг ушбу ривоятни тилга олишидан мақсад нафақат халқ оғзаки ижоди намунасини китобхонларга етказиш, балки даврнинг энг қора ишларига ҳам зимдан ишора қилишдир. Чунки мустабид тузум ҳукмронлиги йилларига халқимизнинг илм-маърифатли, зиёли кишилари туҳматлар билан катагон қилинди. Юрт, Ватан келажаги учун қайғурган киши борки, ҳаётига хавф солинди. Бундай катта йўқотишлар эса миноранинг битмаган жойи каби

халқимиз қалбида, маънавий дунёсида ҳам бир кемтиклик пайдо қилди. Шоирнинг дoston сўнгидаги сатрлари айнаи мана шу кемтикликка ишора қилади:

Ҳамон сўнги минорада
Турар ўша кемтик жой,
Бу – тухмат фожиасин
Гувоҳига ўхшайди.

С.Воҳидов «Ҳақ сўзнинг қудрати ёки Ибн Сино ва шоҳ ҳақида ривоят»⁶¹ ва «Шоҳ қарға ва вазир булбул» ривоят-достонида халқнинг одил подшоҳ ҳақидаги орзу-армонларини ўзига хос тарзда ифода этган.

Халқ орасида Ибн Синонинг табиблик маҳорати билан боғлиқ турли афсона ва ривоятлар талайгина. Муаллиф эса улар орасидан айнан шоҳнинг беморлиги билан боғлиқ мотивни танлаганлиги аҳамиятлидир. Муаллиф ўзининг мансаб ва эрк тўғрисидаги ҳаётий хулосаларини «*Озодлик менга матлаб, Эрк билан тирик инсон. Мартаба, мансаб, билсанг, Бўйинга тушган илмоқ. Унга бир бор илинсанг, Мушкул кейин қутулмоқ*» тарзида табибнинг сўзлари орқали ифодалайди. Бу ўринда муаллифнинг ўз қарашларини эпик воқеликка муносабат тарзида айта олиш имкониятига эгаллиги кўринади. Шоҳнинг «*Ҳамд-у сано, хушомад*»дан мадори қуриб шол бўлиб қолиши ҳам, тузалишининг ҳам сўзнинг сеҳрли кучи орқали содир бўлиши, халқ оғзаки ижодидаги олқиш ва сўкиш жанрларининг спицефик жиҳатларини кўздан кечиришга ундайди. Хусусан, профессор О.Сафаров: «...қарғиш, сўкиш ва олқиш жанрларида сўз магияси унсури ғоят кучли» эканлигини таъкидлайди⁶². Табиб тилидан баён қилинган сўкишлар халқ тилига яқинлиги билан асарнинг халқчиллигини таъминлаган ва эътироф этилганидек, сўз магиясининг ўз кучини кўрсатишига эришилган. Шу билан бирга аналитик фольклоризмни ҳам юзага келтирган:

– Ётибсанми банди марг,

⁶¹ Воҳидов С. Кўнглимда олам суврати. Сайланма. II жилд. –Бухоро, 2004. –Б. 317-326. (Ушбу тўпلامдан олинган кейинги мисолларда китоб жилди ва саҳифаси қавсда кўрсатилади).

⁶² Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. –Toshkent: "Musiqa", 2010. –B. 57.

Нафси юҳо, ҳаромхўр.
Йўқ, ўлмайсан сен номард,
Жирканади сендан гўр.

Шоҳнинг беморлиги тугун бўлса, ўзи ҳақидаги ҳақиқатларга чидолмай, Ибн Синога ҳамла қилиши кулминация ва тузалиб кетиши эса ечимдир. Асарда ижодкорнинг маҳорати ривоятни содда, халқона жумлаларда баён қилганлигида кўринади. “Шоҳ қарға ва вазир булбул” [II, 326-344] ривоят-достони эса мумтоз адабиётимиздаги дostonларга хос маснавийда ёзилганлиги билан бу борадаги енгилликни янада оширади. Маснавий воқеанинг шеърӣ ифодаси учун қулай усул саналади. Мумтоз адабиётда дostonларнинг айнан шу шаклда яратилганлиги бунинг далилидир.

С.Воҳидов ўз дostonларида ривоят стилизациясини амалга оширар экан, улар орқали эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий жангларда охир-оқибат, албатта, эзгулик ғалаба қозонишини ўз ўқувчисига уқтиришни мақсад қилади. Шоирнинг ривоят-дostonлари стилизациялашган фольклоризм намунаси бўлса-да, муаллиф халқ ривоятларини қайта ҳикоя қилиш баробарида ўз қарашларини ҳам сингдиришга ҳаракат қилган. Шу сабаб уларни прогрессив стилизация намунаси деган маъқул.

Халқ ривоятларининг бадиӣ ишланиши С.Воҳидов ижодини мазмун жиҳатидан бойитган. Мустамлаканинг зулм ва хўрлик замонларини бошидан кечирган халқимизнинг маънавий эҳтиёжи нимадан иборат эканлигини тўғри англаган шоир шеърга солган ривоятлари орқали ўзлигимизни сақлаб қолишга даъват этади: *«Майли қарға бўлмасин булбул, Унга қисмат гўнг титмоқ нуқул», «Қарға бўлмай ўлган булбулга, Ўзлигига собит кўнгилга – Қушлар ўқир таҳсин, тасанно, Шундайлардан гўзал бу дунё».*

С.Воҳидовнинг лиро-эпик турдаги маҳорат қирралари унинг ҳар бир достони баёнида турлича ифода усулини танлаганлигида ҳам намоён бўлади. «Андух» [II, 205-238] лиро-эпик достони шоир дostonлари ичида инсон руҳӣ ҳолатини бадиӣ тасвирий бўёқларда ҳамда эпизодик воқеалар асосида тасвирлаганлиги билан ажралиб туради. Дoston оддий ҳаётӣ

воқеалар тизими асосида қурилган. «Андух» қаҳрамони тақдирига ўхшаш кишилар билан ҳар кун учрашамиз, мулоқотда бўламиз. Уларнинг ҳаётида содир бўлаётган турли воқеалардан ҳам хабордормиз. Аммо биз бу воқеаларга шу қадар одатланганмизки, улардаги шахслар ўз ҳаётини, умрини дарду ҳасратларга, ички фожиаларга тўлдириб бораётганлигига эътибор қилмаймиз. С.Воҳидов эса ҳаёт уммонининг энг сокин кўринган нуқтасида рўй берган тўфонларни қаламга олади. Собиқ тузум даврида жамиятдаги барча юмушларда аёлларнинг эркаклар билан елкама-елка туриб меҳнат қилиши одатий ҳолга айланган эди. Шундай ҳаёт тарзи натижасида кўплаб кизлар ўз вақтида шахсий ҳаётларини қуришга шошилишмас эдилар. «Андух» достони қаҳрамони ҳам раҳбарлик пиллапояларидан кўтарилар экан, аёл, она бўлиш бахтидан бенасиб қолади. Элликларга бориб қолган бу аёлнинг қисмати юзаки қараганда одатдагидек туюлса-да, шоир аслида жуда аянчли ҳолатга ишора билан дostonни бошлайди:

Саргашта қайиқни хасдай ўйнатиб,
Эзгилаб қирғоққа отгандек долға,
Уни, тун – қирғоққа
Кундуз – денгиздан,
Чиқариб қўйди-ю, қайтди оқ «Волга».

«Саргашта», «эзилган», «хасдек бир чеккага улоқтирилган» тасвирлари орқали муаллиф ўз қаҳрамонини китобхонга танитишни дастлаб унинг руҳий ҳолати ифодасидан бошлайди. Қизил чироқлари милт-милт ёниб тун зулматига шўнғиган машинани *«Қоп-қора гиламга томган сингари – Дардли дийдалардан икки қатра қон»* дея ўзига хос ўхшатишларда беради. Достонда танланган фасл, ранглар, воқеалар жамланган вақт ҳам қаҳрамон руҳий азобларини тўла ифода эта олган. Ранглар – қора ва қизил, фасл – куз, вақт – ойсиз тун:

Ой ҳам шом еганми –
Тахти ҳувиллар,
Сарбонсиз карвондай саргардон, ғариб –

Юлдузлар осмонга ёпишиб ухлар,
Уфқнинг этаги келар оқариб.

Ойсиз кечанинг нақадар қоронғи эканлиги дoston воқеалари қайғули кечишини, юлдузларнинг ойсиз ғариб эканлиги асар қаҳрамонининг ёлғизликда ғам-андухлар гирдобиди эканлигидан дарак беради. Муаллиф чизган сукунат манзаралари китобхонни-да сукунатга чорлайди. Шу онда эса «Аллага тўймаган гўдак» йиғиси ва «тунни тилкалаган» «ҳузурбахш алла» янграйди. Муаллифнинг халқ алласи оҳангги ва мазмунида ижод қилган **адабий алласи** дostonнинг дастлабки қисмида киритилган бўлиб, унинг моҳияти асар воқеалари мобайнида ойдинлаша боради. Алла дostonда келтирилган барча аёл образларини бирлаштирувчи, уларнинг тилаклари, орзу-армонларини, ғам-аламларини ўзига мужассамлаштирувчи унсур вазифасини бажарган:

Нафасингга қалбим тўйиб,
Майин-майин куйлайман.
Дилбар тунни кўриб ёрқин,
Тонгларингни ўйлайман.
Алла, болам, алла-ё алла,
Шунқор болам, алла-ё алла.

Адабиётшунос Л.Шарипова «Шеърят ва фольклор» номли монографиясида шоирлар томонидан ижод қилинган аллани фольклордаги алла жанридан фарқлаш мақсадида адабий алла деб атаб, унинг алоҳида жанр эканлигини эътироф этади. Фольклор жанри бўлган алланинг фарқли жиҳати ҳақида гапирар экан шундай дейди: «Ёзма адабиёт вакиллари яратган аллаларнинг аксарият қисмида «алла» радифи банднинг охирги сатрида ёхуд банддан кейин келадиган такрор мисрада учрайди. Аслида эса алла куйланаётган радифнинг ҳар мисра ёки ҳар икки мисрадан кейин келиши куйлаш жараёни учун муҳим ўрин тутган»⁶³. Дostonдаги беш банддан иборат

⁶³ Шарипова Л. «XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеърятда фольклоризм» Монография. Тошкент: «Фан» нашр., – 2011. 82-б.

олти мисралаи адабий алланинг охирги икки мисрасидагина «алла» сўзи келтирилганлиги улар ҳақида айтилган фарқли жиҳатни яна бир бор далиллайди. Достонда фарзандининг дилбар тонглари кўролмаган аёллардан бири раисанинг онаси бўлса, яна бири ўзини ёққан келинчакнинг онаси. Бағрида фарзанди бўлган она учун эса тун ҳам дилбар, тонглар эса ёрқин. «Адабий аллада фольклордаги каби тунда куйлаш мотиви ҳам бор»⁶⁴. «Соф осмонда маъсум боққан Тўлин ойдир йўлдошим» мисралари аёлнинг ёлғиз она эканлигини англатади. Китобхон достон воқеалари билан танишиб бораверар экан, аллада куйланган эзгу орзу-ниятларнинг асар қаҳрамонлари учун армон бўлиб қолганлигини ҳис қила бошлайди ва алланинг мазмун кучи асар охирига қадар бир неча баробарга ортади. Достонда ижроқўм раисасининг руҳий ҳолатини тасвирлашда реалистик ва психологик тасвир усулларидан фойдаланилган. Муаллиф ўзини ёққан келинчакнинг фожиа манзарасини чизар экан, халқ дуоси, қарғиши ва йиғиларини ўз бадиий мақсади йўлида стилизациялайди. Онанинг «*Барин ер ютсин... Қолган дунёни ҳам ёндирсин олов*» қарғиши,

«Токчаларда сабил қолди

Кўзмунчоқлар, болам-эй, во болам...

Эгасини кўрмай қолди –

Ўйинчоқлар, болам-эй, во болам» тарзида халқ йиғиси

ритмига мутаносиб мисралари орқали фожиа тасвирини кучайтиради. Ушбу сатрлар С.Воҳидов ижоди маҳсули эканлигини инобатга олсак, уни **адабий йиғи** деб аташ мақсадга мувофиқ.

Шоир яхши ният билан қилинган иримнинг ҳам салбий оқибати мавжудлигини топа олган ва бундан ўз ўрнида фойдаланган. У воқеаларни кўз ўнгида содир бўлаётгандек тасвирлайди. Муаллиф бу иримнинг оғриғини ўзи-да бир қадар ҳис этади ва **лирик чекинишга** ўрин бериб, кайвони холанинг дош бериш мушкул бўлган мулойим, аммо оғриқли сўзларига жавобан унга ялинади, қарғаб ҳам ўтади:

⁶⁴ Шу манба. 78-б.

О, кайвони хола,
Кайвони хола,
Синса бўлмасмиди қайчи чакагинг.
Черткига дош бермас дарзли пиёла,
Мажруҳни не учун «мурда» атадинг.

Лирик чекинишлар воқеликка медитатив оҳанглари ёғдириб туради. Бу эса эпик тасвирнинг хаяжон билан ўқилишини таъминлайди. Муаллифни хиссиётларга чулғаб, улар ҳақида сўз айтишга ундагани каби китобхоннинг ҳам қалб торларини титратиб юборади.

Шоир раисани дарзли пиёлага қиёслайди. Орзуларга лиммо-лим тўла покиза қалбига бир-бир дарз кета бошлаганлиги онаси вафотидан сўнг «*Зимистон тантана қилган гунг гўша*» да ёлғизликда хотирасида жонланган воқеалар тарзида баён этилади.

Шоир дostonдаги Қимматбиби изтиробларини халқ қўшиғи мазмуни билан боғлайди. Бу эса ритм стилизацияси, олқиш ва қарғиш асосидаги аналитик фольклоризмни юзага келтирган:

«Сув оқсин-ей, сув оқсин,
Мавжида сандиқ оқсин.
Умримни кўмир этган –
Қотилни дўзах ёқсин...»
Сув оқмади,
Оқди кўз ёши
Сандиқ-сандиқ армони билан.

Дostonдаги алла, қарғиш, йиғиларнинг адабий вариантлари асар мазмуни таъсирчанлигини янада оширган, Чунки, халқ тили руҳият ифодасида мўлжалдан адашмай юзага чиқади. Шоир дostonнинг кўпгина ўринларида мана шу жиҳатни назардан четда қолдирмасликка уринган. Воқелик ва руҳият тасвирида халқ оҳанглариининг стилизация қилинган ўринлари асар мазмунини чуқурроқ англашга хизмат қилган. Дoston ўн бир ва тўққиз бўғинли бармоқ вазнида ёзилган. Руҳият тасвири кучайган,

хусусан, тушдаги онанинг монологи тўққиз (қиска) бўғинли бармоқда берилган. Алла ва йиғи жанрлари оҳангида битилган ўринларида эса вазн яна ўзгарган. Хусусан, алланинг бандлари 8-7-8-7-9-9 тарзида, йиғи 8-10-8-10... бўғин кўринишида ёзилган. Достон сўнгида эса бир ғазал ҳам келтириладики, бу ҳам шоирнинг достон жанри имкониятларини кенгайтиришга бўлган уринишларидан бири, ўзига хос новаторлиги дея баҳолаш мумкин.

С.Воҳидов ўз достонларида инсон қисмати, феъл-атвори, жамиятдаги турли масалалар ва муаммоларга ҳам алоҳида урғу беради. Ана шундай реал ходисалар тасвири шоир асарларининг яшовчанлигини, ҳаётийлигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Шоирнинг «Юракнинг қайтиши» лирик достони рамзийликка асосланганлиги билан бошқаларидан фарқ қилади. Достон юрак, ақл ва лирик қаҳрамон образларидан иборат. Дастлаб инсон ички аъзоси юракнинг беморлиги ҳақида гап борса, кейинчалик, аслида инсоний туйғулардан йироқ бўлган юраккина ҳақиқий бемор эканлиги кечинмалар баёни орқали очиб берилади. Достон сўнгида эса, бу рамзийлик ижтимоий тус олади. Яъни, юртнинг мустамлака тузуми остида яшаган йиллари юракдан айро вужудга қиёсланади. Лирик қаҳрамоннинг ҳиссизлиги сабаби аён бўладики, бу унинг эркисизлик чизиб берган йўлдан юришга мажбур бўлганлигидир. Бу йўл эса уни одамийликдан узоқлаштирди, ўзи каби инсонларни оёқости қилишга ундади. Аммо унинг аждоодлардан мерос покиза қалби бунга дош беролмай, хасталанди. Достон якуни унинг дастлабки воқеаларини ҳам тақозо қилиб турадики, бу шоирнинг поэтик маҳоратидан дарак беради. Юртнинг озод бўлиши, нафақат юрак хасталигини унуттирди, балки, қалбининг туб-тубида мудраб ётган улуғ туйғуларга ҳам ҳурлик эшикларини очди. Достон чуқур лиризм билан йўғрилган: лирик қаҳрамоннинг юракни англаб етишгача, уни ҳис қилишгача бўлган жараёни изтироблар, афсуслар, пушаймонлик акс этган ҳиссиётларга тўла хотиралар орқали очиб берилган.

С.Воҳидов ижодда, нафақат жанрий хилма-хилликка, балки поэтик мушоҳадаларнинг теран ҳаётий заминга эга бўлишига жиддий аҳамият

беради. Шу боис ўз достонларида замондошлари меҳнатини тасвирлашга диққат қаратади. Унинг «Асал бобо», «Ҳаловатни ҳалолликдан изладим» достонлари замона кишилари ҳақида ҳикоя қилади. Бу жиҳатдан шофирконлик асалчи бобо, II жаҳон уруши қатнашчиси, Деҳқон Файзиев саховатпешалиги тараннумига бағишланган «Асал бобо» достони диққатга сазовордир. Достон нафақат ёш болаларга мўлжаллаб яратилганлиги, балки энгил ўйноқи матни, таъсирли сюжети, ўзбек халқининг шонли ўтмишини бадиий акс эттириши билан алоҳида ажралиб туради. Достон деҳқон бобо кечинмалари, саргузаштлари ифодаси билан боғлиқ ўн қисмдан ташкил топган. Муаллиф асарнинг асосий мазмунини очишда хат деталдан унумли фойдаланади. Деҳқон бобога йўлланган мактубдан унинг уссуриялик курсантларга совға юборганлиги, ўзи ҳам ўша ерда ўқиганлиги, ва энг асосийси, хат мазмунидан совғанинг нима эканлиги англашилади ва асарнинг моҳияти очилади. Деҳқон бобо характеридаги барча ижобий томонларнинг китобхон кўз олдида очиб берилиши ўқувчиларнинг ахлоқий – маърифий қарашларини ўстириб, уларни комиллик, етуклик томон етаклайди.

«Ҳаловатни ҳалолликдан изладим» достонида ҳунар кишининг реал қиёфаси мисолида инсонийлик, ҳалоллик, ватанпарварлик, юрт тақдирига қайғуриш, тинчлик мадҳи, фидойий инсонларни алқаш ва миннатдорлик туйғулари куйланади. Достонни ўқиган киши ҳунармандлар ҳаёти билан яқиндан танишади, ҳунарнинг улуғлигини ҳис этади, ўз эътиқодида собит кишилар сафида туришга интилади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган неча асрларга тенг ҳунарларнинг инсонларни бахтга етаклаганига, уларнинг маънавий бойлиги бўлиб, Ватанга муҳаббат, дўстга садоқат, ўзгалар меҳнатини қадрлаш сингари улуғ фазилатларнинг камол топишига асос бўлаётганлиги кабилар достоннинг асосий мазмуни билан ёнма-ёнликда англашилиб туради.

С.Воҳидовнинг истиқлол йилларида яратган илк достони – «Сунбула» достони муқаддимаси фольклор ва бадиий ижод намунаси ҳамоҳанглигида – **оҳанг стилизациясида** ёзилган. Умуман, бу жиҳат шоирнинг барча

достонлари учун хос. «Ижодкор халққа яқин оҳангларда дардини айтишга интилиб, кўнгил дардларининг халқ юрагидан жой олиши учун фольклорга хос ритмлардан фойдаланиши мумкин. Баъзан бу ҳол тўғридан-тўғри юз беради, чунки ижодкор халқ кўшиқлари, достонларини тинглайвериб, халқона ритм вужуд-вужудига, руҳига сингиб кетган бўлади»⁶⁵, – дея таъкидлайди Л.Шарипова. С.Воҳидов ҳам Сунбула ҳақида гап кетганда, дастлаб ўз руҳиятига сингиб кетган халқ кўшиғига мурожаат қилиши боиси шудир. Шоир халқ кўшиғидан икки мисра келтиради ва шу оҳангни сақлаган ҳолда давом эттиради:

«Сунбула, ҳей сунбула
Ўраб олай гул билан»
Халқим кўшиқ куйларди
Кўздан оққан сел билан. [II, 239]

Сунбула – сентябр ойининг шарқона номи. Муаллиф «*Истибдод жон узган*», кузда «...*баҳорий саболар эсан*», «...*нақ ярим аср*» кутган ойни гуллар билан ўраб олгиси келади. Ушбу халқ шеърининг оҳанги ғамни ҳам, шодликни ҳам бирдай таъсирли ифода эта олишини муаллиф яхши англаган. Достоннинг тўлиқ матни мутолаасидан сўнг, юқоридаги банд икки маънода бўй кўрсатади: бири, халқнинг аччиқ кўз ёшлар билан ўз дард-у армонларини куйга солаётгани бўлса, иккинчиси, қувонч кўз ёшлари ила кўшиқ куйлаётганлиги. Шоир ўзининг ҳам шу ойда туғилганлигини эсга олади. Ва бу мазмун-моҳияти билан шоир Ҳамид Олимжоннинг «Мен бир қора кунда туғилдим, Туғилдим-у шу он бўғилдим» мисраларини ёдга солади:

Сенда топдим таваллуд,
Кўз очиб кўрганим дуд.
Гўдаклик бўлди нобуд,
Уруш ютган йил билан. [II, 239]

⁶⁵ Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеъритада фольклоризм. Монография. – Тошкент: Фан, 2011. –Б. 133.

«Сунбула» достонида шоирнинг бошқа дostonларидаги каби воқеалар изчиллиги кузатилмайди. Ш.Хасанов дostonларнинг айна табиатига эътибор қаратар экан: «Эпик вақт нуқтаи назаридан бир-бирдан узоқ бўлган, баъзан бир-бирига даҳли бўлмаган ходисотлар шоир ўйларида умумлашади, яхлитлик касб этади, муайян мантиққа эга бўлади»⁶⁶, – дея замонавий дostonларга хос хусусиятлардан бири сифатида эътироф этади. Дoston Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши воқеаларидан бошлаб, истиқлолнинг саккиз йиллик шодийнасиғача бўлган тарихий даврни ўз ичига олган бўлса-да, улар ўрни билан XX асрнинг турли йилларида юртимизда юз берган тарихий воқеалар билан юзлаштирилади. Масалан, шоир 1991-йил 1-сентябр тантанасини дастлабки тўрт қисмда ҳаяжон билан куйлайди. «Кул остида Қақнус бўлиб қанот ёз, Кўк тоқига бургут бўлиб эт парвоз» [II, 242] каби муболағали ташбеҳлари орқали ҳаяжон тўлқинини пайдо қилади. «Ўша кун», «Куз эди» бобларида фарахбахш кунлар қувончини куйлар экан, бирдан хотиралар гирдобига ғарқ бўлади. Муаллиф кутилмаганда дардли ўтмишга назар ташлайди. 1920 йил 2 сентябрда Бухорода содир бўлган воқеалар баёнига ўтади. Айна шу ўринда дostonнинг номланиши билан боғлиқ моҳият равшанлашади. Мустақилликдан етмиш бир йил олдин худди шу сентябр ойида мустамлакачи зулмкорларнинг она Бухоро тупроғига оёқ кўйиши, Бухоронинг сўнгги амири тахтини ташлаб қочиши, бутун борлиқни зулмат, ҳақорат ўз алангаси остига олганлигини маҳорат билан очиб беради. Муаллиф турли даврда содир бўлган, турли мазмундаги воқеаларни ўзаро қаршилантиради ва антитезани юзага келтиради. Бу куз фасли тасвирида яққол англашилади. Озодлик тухфа этган кузни «Куз эди, баҳорий саболар эсди, Кўнгиллар фаромуш завқ сасин сезди», – деса, 1920 йил кузини шундай тасвирлайди:

Армонда сарғайиб судралади куз,

Рутубат ёғилар ғамдай ҳаводан.

⁶⁶ Хасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. Филол. фан. докт.дисс. – Самарқанд, 2004. – 124 б

Қуёш –

Зиёсидан маҳрум сўқир кўз,

Шаҳар бағри тўлган сариқ наводан. [II, 245]

Парчадаги «сарғаймоқ», «куз», «рутубат», «ғам», «сўлиқ кўз», «сарик наво» сўз ва бирикмалари таносуб санъатини вужудга келтирган. Қўлланган бадий воситалар мазмуннинг реаллашувига замин яратган.

«Сентябрдан сентябргача» қисмида истиқлол сунбуласига кадар яшаган эркисиз ҳаётни, «1 сентябр, 1991 йил, Бухоро» қисмида эса сифатлашлар, жонлантириш, интоқ санъатлари орқали Бухоронинг қувончини тасвирлайди. Қачонлардир сунбулани кўнглида муз билан эслаган шоир, шу ой инъом этган иноятдан сармаст бўлиб, жўшиб куйлайди:

Иймони саломат жон Ўзбекистон

Кишандан қутулди ,

Хайрият ,

Хайрият !..

Сунбула ,

Сунбула ,

Сунбула ...

Сенга шеър битмоққа бормасди кўлим ,

Сўлим – ойсан , сулув ойсан , барибир. [II, 247]

Шоир дostonнинг кўп ўринларида юқоридаги сингари эпик тасвирни такрорлар, қайтариқлар орқали лириклаштиради. Натижада лирик чекиниш ўзгача оҳанг касб этади.

Достон қисмлари якунида кейинги қисмига боғлана оладиган фикрлар келтирилган бўлса-да, ундаги воқеалар баёни гоҳ шамол ва сувнинг оқими ёрдамида шиддат билан илгарилаётган, гоҳ эса қайсар тўлқинлар ва тўфондан қийналиб чайқалаётган кеманинг ҳаракатини эслатади. Бундай қарама-қарши воқеа-ҳодисалар, қарама-қарши руҳият манзараларининг беришили муаллифнинг йўқотилган озодликка, эркисиз ўтган умрларга нисбатан чексиз қайғуси сабаб юзага чиқади. Шоир Мустақилликни, бугунги

хур замонни жўшиб куйлашни истайди, бироқ қалбининг бир четида эркисиз ўтган замонлардан қолган қора доғлари бор. У шуларни ўйлар экан, озодликдан туйган ҳислари яна бир қадар юқори пардаларда жаранг сочади.

Хулоса қилиб айтганда, С.Воҳидов дostonларини замонавий дostonлар деб баҳолаш мумкин. Бироқ шуниси ҳам борки, шоир замонавий мавзулар баёнида ўтмиш хотираларга ҳам назар солади. Шу сабабли унинг дostonларида бу икки ҳолат қоришиқ ҳолда учрайди. Шоир «Асал бобо», «Ҳаловатни ҳалолликдан изладим», «Сунбула» дostonларида бугуннинг кадр-қимматини, эрк ва у тухфа этган неъматларнинг нақадар буюк эканлигини тўлиқ ифода этиш учун ўтмишга кўзгу тутуди. С.Воҳидов дostonлари унинг юрт тақдирига асло бефарқ бўлмаганлиги, Ватан озодлигини, халқ фаровонлигини чин дилидан истовчи инсон эканлигини намоён қилган.

Шоир ижодида дoston-марсия. Барчага маълум образлар, оҳанглар, тасвирий воситаларнинг мавжудлиги фольклоризмлар уфуриб турган асарларнинг, айниқса, лирик асарларнинг оммалашувига олиб келади. Хусусан, марсия жанри ҳам ўзининг пайдо бўлиш тарихи билан ана шундай йўлни босиб ўтган. Бирор бир кишининг вафоти муносабати билан ёзиладиган, киши(лар)нинг шу муносабат билан ғам-андуҳ чекаётганлигини, чуқур қайғуда, изтиробда эканлигини ифода этувчи лирик жанр – марсия саналиб, улар ўз келиб чиқиши билан халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган йиғи ва йиғи-йўқлов кўшиқларига бориб тақалади. М.Раҳимжонов бу жанрнинг ёзма туркий адабиётда пайдо бўлиши, илдизлари халқ оғзаки ижодидаги йиғиларга, йиғи-йўқловларга, ёзма адабиётдаги битигларга бориб боғланиши, шакллари, бадий хусусиятлари ва уларда тарихий фактнинг қўлланилиши жиҳатидан ўрганган⁶⁷. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек адабиётида марсия жанри ўзининг генезиси, хослик хусусиятлари билан бир қаторда турли шеърӣ шаклларда ифодаланганлиги билан ҳам эътиборни тортади. Хусусан,

⁶⁷ Раҳимжонов М. Ўзбек мумтоз лирикасида марсия жанри. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. Автореферат. Самарқанд – 2019.

мумтоз адабиётимизда Нодира ижодида марсиянинг мусаддас, мухаммас, мусамман шаклларда ёзилган намуналари учрайди⁶⁸. Марсия жанрининг нафақат шеърий шаклларда, балки, турли шеърий жанрларда ҳам намоён бўлиб бораётганлиги адабиётшунослик учун маълум бўлган ходисалардандир. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бу жанрнинг бошқа жанрлар билан стилизациялашган кўринишлари ҳам учрайдики, уларни ўрганиш, ҳар бир жанрнинг кечинмалар ифодасидаги аҳамиятини аниқлаш бугунги адабиётшунослик олдидаги муҳим вазифалардан биридир. С.Воҳидов ижодида марсиянинг ана шундай янги – қоришиқ шакли мавжудки, муаллиф уни дoston-марсия дея атайди. Ўзига хос шакл ва мазмунда баён этилган бу дoston-марсия шоирнинг қаламкаш дўсти Садриддин Салим Бухорий вафоти муносабати билан ёзилган «Видо» номли дoston-марсиясидир. «Видо» дoston-марсияси ўн қисмдан иборат ва ҳар бир қисми алоҳида номланган бўлиб, уларнинг ҳар бири турли шеърий шаклларда ифодаланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу билан бирга уларда ёритилган мавзу мазмуни ҳам бир-бирини такрорламайди, балки тўлдириб, воқеалар тизимини ҳосил қилган. Жудолик изтиробларини анафора асосида баён этилганлиги эса марсияга хос ғам, айрилиқ изтиробларини ёрқин юзага чиқишига ёрдам берган:

Энди бу дилхуш овозни,
Бу беозор кулгуни,
На телефонда,
На суҳбати солиҳонда,
На дилкаш мушоираларда,
На сербахс мунозараларда,
На маърифий ваъзда,
На намозда, на Наврўзда
Қайта эшитмаслигимни,

⁶⁸ Раҳимжонов М. Ўзбек мумтоз лирикасида марсия жанри. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. Автореферат. Самарқанд – 2019. –Б. 18.

Эшитиб, дилга нақш этмаслигимни –

Ким билибди, дейсиз,... [IV, 113]

Муаллифнинг ўрни билан шу каби лирик кечинмалар баёнига ўтиши субъектив муносабатнинг таъсир кучини оширган. Бунда ҳам муаллиф шеърий ифодадан кўра саяж ифода усулини танлайди. Шу билан бирга уларга шеърий шакл беришни ҳам афзал кўради. Асарнинг дастлабки икки бобида эркин ва бармоқ вазнлари қоришиқ ҳолда келганлигини кўрамиз. Шоир туйғулар ортидангина эргашади. Туйғулари эркин вазнга хос жарангласа ёки бармоқ вазнига мос оҳангларда қалб торларини чертса, шоир уларни шундай куйлайверади. Ана шу хилдаги ифода навбатма-навбат такрорланаверади.

Телефондаги самимий сўнгги суҳбат ва ўлим ҳақидаги мудҳиш хабар воқеаси баёнидан сўнг, муаллиф аза маросимидаги иштироки ҳақида сўзлайди. «Ўша оқшом... Қора оқшом» деб номланган бу қисм тўртлик бандлардан иборат. Аммо баъзи ўринларда **иккилик (а-а, б-б,...) шеърий** шакли ҳам етакчилик қилади. Тўртлик бандларнинг қофияланиши ҳам турлича. Масалан, бир банд а-а-б-а ёки б-а-в-а тарзида қофияланса, бошқа бир банд б-а-б-а тарзида қофияланган. Шунга қарамай марсия мазмунида етакчилик қилувчи чуқур қайғу-изтироб туйғуси унинг равон ўқилишини таъминлайди. Ифоданинг дастлаб тўртликлар шаклида баён этилиши ҳислардаги тушкунлик, ўлим ҳақ эканлигига кўнганлик тасаввурини уйғотса, уларнинг бирдан иккилик шаклида намоён бўлиши эса, айрилиққа дош беришнинг қийин кечаётганлиги, қайғунинг кучая бораётганлигини англата бошлайди. Агар халқ дostonларида тасвир этилаётган воқеа ёки ҳаракат суръати тезлашган ҳолатлар етти бўғинли шеърларда ифодаланса, марсия муаллифи ҳам ўз руҳий изтиробидаги шиддатни етти бўғинли бармоқда тасвирлайди. Бу эса айрилиқ сабаб юзага келган ҳиссий ҳолатнинг чуқур ифодасини ва бу ҳисларни китобхонга ҳам осон юқишини таъминлайди. Марсияда «*Во Аламо, во алам, Ўзинг сабр бер, Эгам!..*» каби халқона жумлаларнинг қўлланилганлиги ҳам айни шу мақсадга хизмат қилган.

Ифодадаги ва қофияланишдаги турличаликларни мотамдан азият чекаётган кишининг рухий ҳолатини очиб беришдаги муҳим жиҳатлардан бири дея баҳолаш мумкин. Достон-марсиянинг кейинги «Дилбандига видо айтар Бухоро» қисмининг ҳам қофияланишида бир маромлик кузатилмайди. Аммо тўртлик бандларга амал қилинган ҳолда ифодаланади. Бобда Бухородаги қадимий обидаларнинг ўрни, тузилиши ва ҳатто рангларида ҳам муаллиф ўз мақсадини баён этишда моҳирлик билан фойдалана олган:

Минораи Калонга таяниб турар,
Ҳасса тутган каби Масжиди Калон.
Юлдузларин тўкиб кўз ёшларидай,
Юзин тонгга артиб бўзарар осмон. [IV, 119]

Дўстининг ўлими сабаб гумбазлар кўк кийган, Тоқи заргарон букчайган, асрий тошлар заъфарон рангда. Лирик қахрамон сўнгги манзилга кузатилаётган дўстини суворийга қиёслайди. Аммо бу суворий – отлик аскар – «*Ерга туша олмай «чўбин оти»дан Сўнгги намозини ўқийди бесас»*. Тобутнинг «чўбин от» дейилиши ҳам жуда қадим замонларга бориб тақалади. «Видо» достон-марсияси турли банд кўринишларда ёзилган экан, бу жиҳат муаллифнинг жанрлар стилизациясининг ички ифодасида ҳам эркин новаторлик йулидан борганлигини кўрсатади. Шоир охирги икки сатри ҳар банднинг сўнгида такрорланиб келувчи олтилик – мусаддасда энди ўзидаги айрилиқ изтиробларини эмас, балки, бу йўқотиш бутун борлик учун ҳам улкан ғам юки бўлганлиги ҳақида сўз юритади. Ва асосан, марҳумнинг фазилатлари, тириклигида қилган эзгу ишлари ҳақида баён қилади. Бунда ўн бир бўғинли шеърий ифоданинг қўлланилиши ҳам, мазмунга мос вазмин оҳангни юзага келтира олган.

Маърифатдан зиё сочиб ўтди у,
Берк чашмалар кўзин очиб ўтди у,
Умрин савоб ишларга бахш этди у,
Эл қалбига машъал ёқиб ўтди у.
Бухорони ташлаб кетар Бухорий,

Кўзимизни ёшлаб кетар Бухорий. [IV, 121]

Адабиётимизда марсияларнинг ўлган қаҳрамон тилидан баён қилинган намуналари ҳам мавжуд. Ўрхун-Энасой битиктошларининг матн мазмуни бунга мисол бўла олади. Яъни тош битикларда марсиянинг ўлган қаҳрамон нутқида ифодаланишдек илк шакли кўзга ташланади. «Қабр тошларидаги битигларнинг аксарияти марҳумлар тилидан ёзилган. Ниёлари «мен» шаклида ифодаланган. Бу, аслида, бадий бир усул. Тошбитигларда «амти ўлдим» – «энди ўлдим», «ўғлимни кўрмадим», «анча сўзладим», «мен бундай дедим: мен Билка Тонюкук» ва ҳ.к. ифодалар кўп учрайди. Яъни «мен» номидан ёзилган битигларнинг ўқувчига таъсири кучли, онги-шуурида марҳум эмас, тирик одам қиёфаси жонланади» дея фикрини далиллади олим ва бу хусусиятни «Қадимги давр туркийлар шеъриятида алоҳида адабий услуб бўлиб шаклланган»⁶⁹ деган якуний хулосани билдиради. С.Воҳидовнинг «Видо» дoston-марсиясининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам шундаки, унда битиктошлардаги каби ўлган қаҳрамон нутқида ифодаланган шеър ҳам келтирилади. Унда вафот этган дўсти ўзининг ўлими сабаб чуқур қайғуда бўлган дўст-ёрларига, яқинларига ўлимнинг ҳақлиги, ҳар бир банда бир кун, албатта, ўлим манзилига етиб келиши муқаррарлиги, «Ул борар жойимда ҳам бекас эмасдурман» дея таскин беради. Халқ йиғиларида ҳам «ўлим орага солган айрилиқдан шикоят қилиш ва зорланиш, тақдирдан ўпкаланиш, марҳум ўлимига ачиниш, ўлимнинг барҳақлиги ва ҳаммага баробарлигини таъкидлаш, марҳумнинг сифатларини мадҳ этиш, мангу жудолик ва айрилиқдан нолиш, мурданинг қабр ичидаги аҳволидан хавотирланиш...» каби мотивлар мавжуд. «Видо» дoston-марсиясида ана шу мотивлар унинг қисмларида алоҳида-алоҳида келтирилади. Яъни марсиянинг дастлабки қисмларида «Мангу жудоликнинг аччиқ шаробини» ичишга мажбур этган ўлим ҳақида, кейинги қисмларида жудолик сабаб ҳам чекаётган яқинлари, юртнинг қайғуда эканлиги, марҳумнинг эзгу фазилатлари баён

⁶⁹ Раҳимжонов М. Ўзбек мумтоз лирикасида марсия жанри. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси. Автореферат. Самарқанд – 2019. –Б. 13.

қилинса, кейинги қисмларида ўлимнинг ҳақлиги, уни пайсалга солиш изни йўқлиги ўлган қаҳрамон – «мен» тилидан баён қилинади. Аччиқ ҳаётий ҳақиқатларни марҳум нутқида берилиши марсиянинг ўқувчидаги таъсир кучини янада оширган.

«Кетди тарк айлаб шариф шаҳри Бухорони», деманг,

Шу шаҳар жисмига сингиб, бўлгай умрим бардавом. [IV, 123]

Мотам кўшиқларининг, марсияларнинг азал-азалдан инсон қалбидаги дардни куйлаб енгил тортишини ва бу ҳасратларда қўлланилаётган сўзлар ҳам муҳим аҳамиятга эғалигини кўрсатади:

Улоққа етган чоғи

Қулагандай чопқир от,

Меваси ғарқ пишганда

Қирқилса, дарахт наҳот.

Қуладинг ер титратиб,

Дарз қолди ер кўксида. [IV, 124]

«Видо» дoston-марсиясидаги ушбу байтлар марсиялардаги метафорик ўхшатишларни йиғи-йўқловлардан ўрганилган, ўзлаштирилган, такомиллаштирилганлигини яна бир бор исботлайди. Хусусан, халқ оғзаки ижодида боғ, гулзор, дарахт, олтин, ёмғир образлари рамзий маънолари билан Она тимсолида қўлланилади. (Тут ёғочдай мевали онам, Қайрағочдай сояли онам...). «Видо» дoston-марсиясида муаллиф вафот этган дўстининг ўлимини «чопқир отнинг қулашига», «меваси ғарқ пишганда қулаган дарахтга» ўхшатади.

«Сен баҳорни севардинг» (ўнлик бандлардан иборат), «Қор пок қалбнинг рамзидир» қисмларида марҳумнинг кўнгил олами тасвирланади. Дoston-марсиянинг сўнгида эса муаллифнинг марҳум билан ҳаёлий суҳбати-диалоги келтириладики, дostonларга хос бу жиҳатнинг марсияда қўлланганлиги С.Воҳидовнинг ўзига хос ёндашувини кўрсатади. Ундан ҳеч қутилмаганда дўстларини, яқинлари, илм-у ижодни тарк этиш боиси не, дея сўрайди. Бунга яна марҳум дўстининг тилидан жавоб баён қилинади. У ўз

умрини нималарга сарф этгани, қандай савобли амаллар қила олгани ҳақида сўзлайди: «...дунёдан иллат эмас Илм-у ҳикмат изладим», «Ҳар барбодни обод кўрмоқ Ниятида яшадим, Эл-юртимни озод кўрмоқ Ниятида яшадим», «Оллоҳ дилга неки солса, Шак келтирмай рост айтдим...» тарзида марҳумнинг нутқи орқали унинг ҳаёти мазмунли ўтганлиги, меҳнатлари бесамар кетмаганлиги англатилади.

Достон-марсиянинг сўнгги бандлари юз берган машъум воқеликка яқун ясайди.

Ҳамма қайтар бешуур, ҳорғин,
Ҳа, тириклар қайтиши тайин,
Ҳамма қайтар...
Ҳожатбарорда
Қайтмай қолди фақат Садриддин. [IV, 134]

Телефондаги ҳақиқий суҳбат ҳаёлий суҳбат билан яқун топади. Достон-марсиянинг мазмуни шу икки суҳбат оралиғида баён этилган бўлиб, унда муаллифнинг дўстидан айрилгани сабаб чеккан изтироби яққол намоён бўлган. Дўсти билан суҳбат, унинг ўлими хабарини эшитиши, таъзиядаги иштироки кабиларни муаллиф атрофлича ҳикоя қилади. Шунчаки айтиб берибгина қолмай, ҳар бир кичик воқеяликдан олган улкан ҳиссий кечинмаларини, изтиробларини ҳам баён қилади. Достон-марсиядаги ҳолат кўплаб инсонлар ҳаётида содир бўлган. Яъни биз кимнингдир ўлимини эшитгач «кечагина гаплашган эдим-ку», «туппа-тузук эди, нега бирдан бундай бўлибди», деганларини кўп бора эшитамиз. С.Воҳидов худди шу ҳаётий ҳодисани ҳам ўз достон-марсиясига олиб кирган.

Юқорида марсияларнинг халқ йиғи ва йиғи-йўқловларидан ўсиб чиққанлиги таъкидланди. Бу жараённинг ўзини эса Л.Шарипова шундай изоҳлайди: «Марсия ҳам мумтоз шеърятимиз жанри бўлиб, фольклордаги йўқлов жанридан ўсиб чиққан, аммо халқ оғзаки жанрдаги қатор хусусиятлари билан фарқ қиларди. XX асрга келиб марсиялар фольклорга хос йўқловларга кўп жиҳати билан яқин келди. XX асрнинг 80-йиллари йиғи

жанридан ўсиб чиққан марсиялар пайдо бўлди»⁷⁰. Айни фикрга таянадиган бўлсак, марсиялар мазмунига кўра йўқлов-марсия ва йиғи-марсиялар руҳида ёзилади. Бизнинг таҳлил марказимиздаги «Видо» дoston-марсиясида эса, шу икки жиҳатни ҳам кўриш мумкин. Дoston-марсиянинг дастлабки ва якуний қисмларида йиғи оҳанглари сезилса, «Садриддин Салим Бухорийнинг дўстларига унсиз видоси», «Сен баҳорни севардинг...», «Қор пок қалбнинг рамзидир», «Ҳазрат Имом Ҳожатбарорга илтижо» қисмларида йўқлов мазмуни устуворлик қилади. Дoston-марсиянинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, ундан кучли изтироб, тафаккур ва қайғунинг қоришиқ туйғулари уфуриб туради.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабиётида марсияларнинг турли лирик жанрларда яратилган намуналари мавжудлиги кўринади. Бундан англашиладики, марсиялар муаллифнинг жудолик сабаб пайдо бўлган рухий изтиробларига мос шеърий ифода шакллари ўз-ўзидан пайдо қилади. «Видо» дoston-марсиясида ҳам муаллифнинг айни бир хилдаги ифода шаклини танламаганлиги, аниқроғи, бир хил шеърий шаклда ифодамай олмаганлиги ҳам шунда. Айни дамгача яратилган марсиялар бошдан-охир бир хил поэтик шаклда ифодаланган бўлса, С.Воҳидов биргина “Видо” дoston – марсиясини тўртлик, бешлик, олтилик бандларда баён этган. Унда ифодаланаётган мазмунга мос равишда шеърий бандлар ҳам ўзгариб борган. Муаллиф айрилиқ сабаб қалбида пайдо бўлган оғриқни, изтиробларни бир қолипга солишга уринмайди. Натижада «Видо» дoston-марсиясида 11 байтдан иборат, рамали мусаммани мақсур (маҳзуф) вазнида битилган ғазал жанридаги шеърни ҳам учратамиз.

Йиғламанг, дўстлар, ҳабиблар,

ҳақ эрур тақдир мудом,

Бандани банд этмайин

қўймас ажал номли бу дом. [IV, 122]

⁷⁰ Шарипова Л. Шеърят ва фольклор. Тошкент. – 2019. –Б. 73.

“Видо” достон-марсиясининг тош битиклар билан ўхшаш жиҳатларидан яна бири, унда, нафақат ўлган қаҳрамон нутқининг келтирилганлиги, балки, марҳум билан боғлиқ воқеаларнинг ҳам баён қилинганлигидир. Гарчи достон-марсияда халқ достонлари сингари сюжет элементлари яққол кўзга ташланмаса-да, ўзига хос кичик воқелик ҳам акс эттирилганки, бу достон-марсия деб аташга асос бўла олади.

II боб бўйича хулосалар

Шоир ижодида бағишлов жанри у кўп мурожаат қилган жанр ҳисобланиб, уларда муаллиф атрофини ўраб турган ижтимоий, адабий муҳит ва уларга муносабат масаласи англашилади. «Истиқлол манзумаси» қасидаси анъанавий кириш ва хотиманинг мавжудлиги, мазмунида эса кўпроқ Бухоро ҳаётига дахлдор фикрлар жамланганлиги билан алоҳидалик касб этади.

С.Воҳидов ижоди бевосита фольклор таъсирида жанр ва мазмун жиҳатидан бойигани ривоят-достон, достон-марсия ва улардаги халқ оғзаки ижоди жанрлари ритмида яратилган адабий алла, адабий йиғи, адабий қарғишлар мисолида намоён бўлади; достонлар ифода услубида айрим янги қирралар пайдо бўлгани, қаҳрамонлар тизими кенгайгани кўринадди.

“Видо” достон-марсиясини халқ оғзаки ижодининг достон ва ёзма адабиётдаги марсия жанрларининг синтезлашган илк кўринишларидан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Демак, ўзбек адабиётида марсияларнинг марҳум қаҳрамон нутқи орқали ифодаланиши мавжуд бўлиб, Самандар Воҳидовнинг “Видо” достон-марсиясидаги бу усул ҳам мангу айрилиқ ҳақидаги ўй-фикрларини акс эттиришнинг ўзига хос усули бўлиб юзага чиққан. Шоир айна усул орқали ҳолис ифода устуворлигига эришган.

III БОБ. ШЕЪРИЙ ШАКЛЛАР ВА ШОИРНИНГ МАҲОРАТИ

МАСАЛАСИ

3.1. Саккизлик, тўртлик ва туркумлилик

Ҳар бир даврнинг ва шу давр кишиларининг ўз ҳаёт ҳақиқати мавжуд. Давр ўзгаришлари ўз даври вакилларининг онги, дунёқараши, руҳиятини ҳам ўзгартира бошлайди. Улар бир-биридаги туб бурилишларни тақозо қилиб бораверади. Замон ҳиссиётларга, ҳиссиётлар эса ўз кўзгуси бўлмиш бадиият оламига ҳам таъсир кўрсатади. Янгиланиб бораётган даврдаги янгича муаммолар, ўзгаришлар ўз руҳияти ва ўз шакли билан дунёга кела бошлаши адабиётшуносларимиз томонидан кўп бора тилга олинмоқда⁷¹. Бу жараёнда шеърият ҳам янгидан янги ифода имкониятларига эгаллигини намоён қилади. Ўзбек шеърияти ҳам ана шундай жараённи бир неча бор бошидан кечирди. Иккилик, учлик, тўртлик, саккизлик сингари поэтик шакллар такомиллаша борди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, XX асрнинг сўнгги чораги, нафақат жаҳон поэзиясида, балки, ўзбек шеъриятининг ҳам бадиий-эстетик тафаккурида янгиланишлар кузатилган бир давр бўлганлиги, бу ўзгаришлар эса, аввало, лириканинг жанр табиатида ўзини намоён эта бошлаганлиги ва шеъриятдаги шаклий ўзгаришларнинг назарий асослари: юзага келиш сабаблари, тараққиёт босқичлари, шу билан бирга, бу жараённинг миллий бадииятимиздан мустаҳкам ўрин олган эстетик ҳодиса эканлиги адабиётшунослар томонидан ўрганилган ва ҳануз ўрганилмоқда⁷². Хусусан, тўртлик, саккизлик поэтик шакллар, шеърий туркум кабилар ўзига хос мазмуний ва шаклий бир бутунлик ҳосил қилаётганлиги аҳамиятлидир. Бадиий фикр ифодасида саккизликлар энг мақбул поэтик шакл сифатида эътироф этилаётир. «...саккизлик мавжуд воқелик ҳамда инсон руҳиятини

⁷¹Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. – Тошкент: “Фан” нашр., 2007. – 259 б. ; Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. – Тошкент : Ғ.Ғулом номидаги нашр.-матбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б.

⁷² Ёўлдошев Қ. Улкан туйғуларнинг мўъжаз суратлари. Китобда. Фарида Афрўз. Тасбех. – Тошкент: “Шарқ”, 2007. 3-10 - бетлар.; Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек шеъриятида анъана ва услубий изланишлар. Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент: 2004.; Алдашева Ш. 70-90 –йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеърий туркум табиати. Филол. фан. бўйича фалс.докт.дисс... автореф. – Тошкент: 2019.; Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2009. 187-208 – бетлар.; Ёўлчиев Қ. Поэтик олам сирлари. – Тошкент: Академнашр. 2012.

рамзий образлар, мажозий-тимсолий талқинлар ва бадий шартлиликка таянган ҳолда реалистик идрок ва ифода этишнинг ўзига хос имкониятларидан бири сифатида лирика жанрлари ва поэтик шакллар оиласидан собит ўрин эгаллади»⁷³. А.Орипов, Э.Воҳидов, Жамол Камол каби етук шоирларимиз ижодида фалсафий мазмун билан йўғрилган, умумлашма фикрларга бой сара намуналари пайдо бўлди. Уларга изма-из эргашиб ижод оламига кириб келган С.Воҳидов шеърларининг ҳам дастлабки намуналариданоқ унинг шаклий изланишларга киришганлиги кўринади. Айниқса, шоирнинг «Саккизликлар» номи остида берилган шеърларида бир карашда оддий бўлиб кўринган воқеа-ҳодисалар ҳам кўнгилда кечаётган тизгинсиз ғалаёнлар ҳақида сўзлайди. Саккизлик ўз номи билан саккиз мисрадангина иборат мустақил ва тугалланган шеърдир. Ва бу саккиз мисра тўрт мисралик икки банд (қисм)дан иборат шаклда берилган. Аристотель: «Ҳажм асарнинг моҳиятидан келиб чиқади. Ҳар доим яхшироқ тушуниладиган нарса ҳажман (яъни шаклан) ҳам гўзалроқ бўлади»⁷⁴, – дейди. Шоир С.Воҳидов саккизликлари ҳам шу каби талаблар қаршисида ўз бадий тафаккури тақозосига кўра юзага келган поэтик шаклдир. Шеър шакли ва ҳажми шоирнинг воқеликка нисбатан нуқтаи назаридир. У воқелик ҳақида атрофлича мулоҳаза юритадими ёки гапнинг индаллосини айтиб қўя қоладими? Албатта, фикрнинг шаклий баёни, унинг ҳажми мазмуннинг таъсир кучини ҳам белгилаб беради. Баъзан тугал хулосага эришиш учун ҳажмга эргашишга тўғри келади. Чунки ҳаётда содир бўлган воқеалар, инсоннинг кўрган кечирганлари охир-оқибат уни бир умумий хулосага келишига сабаб бўлади. Ва муаллиф ўз ҳаётининг концепциясига ўқувчини эргаштириш, ишонтириш учун ҳам уларни кенгроқ тасвирлаш йўлидан боради. Ана шундагина мақсадига эришади. Аммо баъзан муаллиф нима, қачон, қаерда, қандай воқеа содир бўлганлигини эмас, балки, уларнинг таъсири ва натижаси ўлароқ ўзида пайдо бўлган тугал ҳукми поэтик

⁷³ Алдашева Ш. 70-90 –йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеърининг туркуми табиати. Фил.фанл. бўй. фалс. док. диссер. – Тошкент: 2019. – Б. 87.

⁷⁴ Arastu. Poetika. Axloqi kabir. Ritorika. –Т.: “Yangi asr avlodi”, 2011. – Б. 31.

образлар воситасида баён қилишни афзал кўради. Ўзини изтиробга солган воқеа-ҳодисаларни сўзлаб ўтирмайди. Бундай ҳолатда ўқувчи муаллиф туйғуларига алоқадор воқеани ўз ҳаётидан топади ва улар хусусида мулоҳаза юрита бошлайди. Шу нуктаи назардан моҳиятнинг кичик ҳажмда ифодаланиши ижодкордан алоҳида маҳорат талаб қилади.

«...70-йиллар машҳур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг саккизликдан ташкил топган мустақил шеър намунасига қилган мурожаати бевосита А. Орипову Э.Воҳидов, Ж.Камолу О.Матжонларни ҳам матаассир этди, ўзига эргаштирди»⁷⁵. С.Воҳидов ижоди ҳам бу илҳом таъсир доирасидан четда қолмади. Шоирнинг Р.Ҳамзатов ижодидан амалга оширган таржималарининг ҳам саккизликлар эканлиги унинг бу шеърый шаклларга мурожаат этишида айнан авар шоирининг ҳам таъсири бўлган дея айта олишимизга имкон беради. Саккизлик шеърый шаклидаги шеърларни шоирнинг дастлабки тўпламларидагина учратиш мумкин. Унинг 80 йилларгача бўлган ижодида бу шеърый шакл алоҳида ўринга эгалигини ва етакчилик қилганлигини кўрамыз. С.Воҳидов саккизликларида уч олам яшайди гўё: 1. Ҳар қандай синовларга дош беришга тайёр, курашга бел боғлаган инсон, ўз-ўзига далда, куч беришга да қодир инсон. 2. Шу курашчан инсонни фатҳ этмоқни истаган куч. 3. Эзгулик ва ёвузликнинг кураш майдони бўлиб келган дунё, тақдири азалдир. Дунёнинг ҳам ҳеч ўзгартириб бўлмас мезонлари мавжуд. Унинг эзгулик йўлидаги инсонга ҳам, ёмонлик йўлидаги инсонга ҳам тайёрлаб қўйган синовлари бор. Унинг ҳукми қаршисида бўйсунмаслик имконсиз:

Синдирмоқ қасдида нотанти шамол,
Бир мурғак ниҳолни қийнар беомон.
Бўйсунмоқ истамас қайсар навниҳол,
Орада жанг қизир...Пасаймас ҳамон.

Ниҳол кучга тўлар курашган сари,
Шамол бор қудратин сарфлар тутатиб, -

⁷⁵ Ражабов Д. Бадийий образ ва ритм табиати. –Бухоро, 2002. –Б. 9.

Билмаски, курашга ўргатиб уни,

Ўзига тайёрлар забардаст рақиб. [I, 18]

Шоир «нотанти шамол», «мурғак ниҳол», «қайсар навниҳол» сифатлашларини ўз ўрнида қўллай олган. «Танти» сўзи 1. «Ўзгаларга ёрдам, сарф ва хизматини аямайдиган, мард, кўнгли ва қўли очик; 2. Алдам-қалдам, фирромлиги йўқ, ўзаро муносабат, беллашув ва ш.к. ларда ҳалол»⁷⁶, деган маъноларни англатади. Форс-тожик тилидан ўзлашган но- олд қўшимчаси бўлса, сўз ўзагида мавжуд бўлган маънога эга эмаслик тушунчаларини беради. Инсонларга хос хусусиятни англатувчи бу сўзни шоир кўчма маънода шамолнинг ҳаракатига нисбатан қўлламоқда, уни нотанти – номард деб атамоқда. Бундай аташ ҳам сабабсиз эмас. Чунки у янги ўсиб чиққан, ҳали қувватга кирмаган ниҳолни синдирмоқ илинжида. Ҳар иккисининг ҳам чекингиси йўқ. Аммо ниҳол ниҳоллигича қолиб кетавермайди. Аслида шамол ўзи сезмаган ҳолда уни ерга мустаҳкам ўрнашишга, кучли бўлишга ўргатмоқда. Шоир айтмоқчи бўлган асосий фикр ҳам мана шу. Ҳаётнинг турфа синовлари бисёрлиги, яхшилик ва ёмонликнинг ҳамиша ҳамқадам юриши ва алалоқибат эзгуликнинг ғалаба қозонишини шамол ва ниҳол образлари орқали ифодалаган бўлса, мана бу саккизликда муаллиф бевосита ўзи ҳақида сўз юритади. Бунда хулоса саккизликнинг дастлабки бандидаёқ юзага чиқади:

Бир дам ожис қолсам макринг олдида,

Бир лаҳза ўзлим кўйсам йўқотиб,

Рақибим, шодланма енголдим дея,

Ким зафар қучибди имоним сотиб.

Ушбу саккизликнинг ҳар икки банди бир-бирини тақозо этиши, фикрнинг иккинчи қисмда узвий давом этиб хулоса сари йўналганлиги билан аҳамиятли. Шоирнинг барча саккизликлари ҳақида ҳам бундай деб бўлмайди. Кейинги қисмида эса муаллиф ўз фикрларини далиллашда бадий

⁷⁶ O'zbek tilining izohli lug'ati. –Тошкент: “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. –Б. 668.

тафаккурида юзага кела бошлаган поэтик образлардан унумли фойдаланади. Атрофдаги оддий воқеликлардан ўз кайфиятига мос фалсафий хулоса чиқара олади. Гарчанд у рақибнинг макрига бир дам енгилган бўлса-да, бундан асло чўчимайди. Айни шу ҳолатни у сўнги тўрт мисрада тош, кафтдек йиртиқ булут ва қуёш образларини бир-бирига қарама-қарши қўйган ҳолда шундай ифодалайди:

Бир лаҳза гангитар, йиқолмас лекин,
Ноҳақ маломатлар бўлиб теккан тош.
Кафтдек йиртиқ булут ёпганда бетин,
Бир лаҳза лол қолар ҳаттоки қуёш. [I, 18]

С.Воҳидов саккизликларида шамол орзуларга тўсиқ, бахтни йўққа чиқармоққа шай инсонлар ёки тақдирнинг инсон орзуларига ҳамроҳ эмаслиги маъносида ифодаланади. Унинг бахтига кўз олайтириб турган ҳам шу шамол. У бахтга жуда оҳорли таъриф беради: *«Бахтим – қалқиб турган бир қатра шабнам, Умринг ғунчасида қўниб титрар у. У юлдуз бағридан оққан қатра нам, У – ойнанинг лабидан тўкилган кулгу»*, дейди шоир. Шабнам – бутун борлиқни ўзида акс эттириб турган покизалик, тиниқликдир. Умрининг ғунчаси – ёшлик палласи. Гўё шабнамда акси кўриниб турган оламни ғунча ўз кўзлари билан кўришга ошиқаётгандек, бахтга етишишга интилаётгандек. Нега шабнам – бахт титрамоқда? Саккизликнинг дастлабки бандида келтирилган ташбеҳлар, оҳорли метафоралар билан ифодаланган хислар кейинги бандда изоҳланади:

Шамоллар интилар уни тўкмоққа,
У сенга сингмоқни айлар ихтиёр.
Фақат сен қодирсан уни тутмоққа,
Тутсанг, боқийдир у, йўқса – беқарор. [I, 101]

Шоир ўз бахти ҳақида сўз бошлаб туриб, уни «сен» дея давом эттиради. Бу ўринда ҳам аслида лирик қаҳрамон ўзини назарда тутди. Бу ҳам шоирнинг ифода усулларида бири. Бахт ва ўзи ўртасидаги ҳолатни четдан туриб кузатади. Бу бахтнинг фақат ўзига аталганлигига ишонади, чунки бахт

уники бўлишни истамоқда. Баъзан ҳаётда тайин бўлиб турган бахт ҳам «шамоллар» сабаб йўқликка юз тутди. Мана шундай синовли дамларда дадиллик билан бахтни тутиб тура олишга ундайди шоир.

Яна бир саккизлигида шафтолининг ёмғир юваётган, сабо ўпаётган шохларини, тақдир унга кулиб бокқанлигини, само эса юлдузлардан унинг шохларига гул тақаётганлигини илиқ бир кайфиятда тасвирлайди. Шеърнинг дастлабки бандида табиатнинг ажойиб манзараси чизилади. Аммо шундай гўзал бахт қаршисида ҳам бир ҳадик мавжудлиги сўнги бандда англашилади. Табиат тасвири руҳият тасвирига кўчади:

Шафтоли бу олий ҳимматга бефарқ,
Нозик ғунчаларга улашади жон:
«Мева бўлгунича чанг солиб бевақт –
Биттасин узмаса бир дайди тўфон». [I, 55]

Шеърда шоир шамол сўзининг маънодошлари бўлмиш сабо ва тўфон сўзларининг маъно нозикликларидан самарали фойдаланади («Шафтоли шохини ўпмоқда сабо»), яъни градация – маънонинг кучайтирилган такрори орқали фикрни асослайди. Шарқдан эсадиган ел сабо деб аталади. Сабо– тонг ели деган фикр ҳам бор. Бу фикрнинг пайдо бўлишига тонгда кўпинча Шарқдан ел эсиб туриши сабаб бўлган. Ёғин, шамол ва сел натижасида ер юзини ёки унинг катта қисмини сув босса, буни тўфон дейилади⁷⁷. Шоир бахтни, толени мана шундай бузғунчи тўфонлардан асрамоқ истайди.

С.Воҳидов саккизликларида ниҳол, ғунча, шабнам тимсолида бахт излаб курашга отланган лирик қаҳрамонни ва унинг қаршисида шамол образи орқали кучли рақибни гавдалантиради. Ва шу рақибга таслим бўлмасликка чорлайди. Шоирнинг бундай жараённи баён қилиш услуби ҳам турлича. Масалан, у ниҳол ва шамол, шафтоли ғунчалари ва тўфон образлари акс эттирилган шеърда фақат шу табиий жараён ҳақида сўз юритади. Шунга

⁷⁷ Алибек Рустамий. Сўз ҳақида сўз. – Т.: “Ёш гвардия”, 1987. – Б. 115-116.

карамай, образлар ташиётган фалсафий маъногина англашилади. Улардан чиқариладиган поэтик хулоса ўқувчини фикр-мулоҳазага чорлайди.

Шоирнинг бир нечта шеърда шамол образи бир умумий мазмунда ифодаланган. Бу фикр ифодасидаги такрорийликми ёки ҳар бир шеърда, албатта, бир янги фикр айтилиши керакми? Муаллиф атрофни кузатар экан, ҳар бир ҳодисани ўз руҳий ҳолатига ҳамоҳанг сезади. Тиним билмас шамолнинг ҳаракатида тинчлигини бузишга, оромини ўғирлашга ҳаракат қилаётган кишиларни кўради. Шундай бўлса-да, якунида оптимистик кайфиятни пайдо қилади. Агар муаллиф саккизликларининг яратилган йилларига эътибор берадиган бўлсак, айти мазмуннинг кўп бора ёритилиши сабабларидан бири ойдинлашгандек бўлади. Унинг бу шакл ва мазмундаги шеърлари, асосан, 60-70-йилларда, яъни ижодкорнинг ижод оламига эндигина дадил қадамлар билан кириб кела бошлаган йилларда ёзилган. Ижодкор сифатида бўй кўрсата бошлаган кишининг ижод намуналарини атрофдагилар турлича қабул қилишади. Улар орасида ўзининг кескин танқидий фикрларини айтувчилар ҳам бўлади. Эҳтимол, шу боисдан шоир ўзига берилган бахтни – истеъдодни асрашга, забардаст дарахтга айлантиришга бел боғлайди. Кўринадикки, ижодкорнинг ўзига хос кўнгил олами поэтик тафаккур табиати билан ҳамоҳангликда шеър шакли ва ифода йўналишини белгилаб берган.

Инсон борки, нимагадир умид қилиб яшайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам умидини сўндирмасликка интилади. Бироқ ҳаёт бешафқат. Унда ёнган умид шамларининг барчаси ҳам аланга олавермайди. Мана шундай руҳий ҳолат ҳам С.Воҳидов саккизлигида ўзига хос йўсинда сўзларга кўчган: *«Чексиз бедапоя ўрилди сўнг бор, Яшил гилам ўрни қолди саргайиб. Тойларнинг кишнаши сўнди бу саҳар, Бўшаган бедазор боқар мунгайиб»*. [I, 56] мисралари умидлари саробга айланган киши ҳолатини ҳис этишга имкон беради. Ҳаётнинг шу қадар кучли, енгиб бўлмас тўсиқлари борки, улардан ошиб ўтиш учун киши жон-жаҳди билан курашади. Кўнгил имконсиз ишларга қўл уришга шижоат кўрсатади. Аммо қанчалик чиранмасин, уммон ҳайбатидек

кучга эга бўлмасин ҳаётнинг азалий ўзгармас қонунлари олдида ожиз қолаверади. Бундай ҳаётий мантикқа асосланган мана бу сатрлар кишини чуқур ўйга толдиради:

Пўртана ҳайқирар жон-жаҳди билан,
Чексиз дарё бағрин бузмоқчи каби.
Тошларга тўш уриб, мағлуб этаркан,
Қирғоққа ташланар телба, асабий. [I, 19]

«Саккизликлар»га кирган кўплаб шеърлар одамзот фитратида мавжуд бўлган хусусиятлар ҳақида. Улардан бирида шоир инсоннинг доим ўзида бўлмаган нарсаларни орзу қилиб яшашига ишора қилади. Ўзида бор бўлган нарсаларнинг қадрига етиш керак, деган хулоса эса шеър матнидан англашилиб туради. Лирик қаҳрамон самодаги юлдузга ҳавас қилиб, ерга кўкдан кўз ташлашни орзу қилиб тураркан, юлдуз бунга жавобан шундай дейди:

У милтираб дер: «Инсон,
Наҳот сен шунча содда?
Мен Ер дардида сарсон,
Сенинг ишқинг самода...»

Кўринадики, муаллиф кичик ҳажмда фикрни тўла-тўқис ва яхлит ифода этишда образлардан унумли фойдаланиш билан бирга, интоқ шеърий санъатини ҳам қўллайди. Ўқувчини хулоса чиқаришга олиб боровчи йўлни образлар тилидан баён этади. С.Воҳидов саккизликларининг ғоявий мазмуни бири-бирига жуда яқин. Бу алоқадорлик, асосан уларда ифодаланаётган фикрлар муштараклигида ва бу фикрларни ифода этиш усулида яққол кўзга ташланади:

Лочиндан сўраркан ғазалхон булбул:
– Юксак парвозингни ўргат менга ҳам.
Юлдузлар остида сайрайин бир дам,
Куйимдан сочайин олам узра гул. [I, 55]

Нега шоир шеърларидаги образлар кўкка интилмоқда? Бу инсоннинг ўз ҳаётидан қониқмаслиги, янада кўп нарсаларга эга бўлмоқ истагимиз? Ёхуд чегара билмас орзуларимиз? Аслида, бу уларнинг ҳаммаси. У ва бу жиҳат поэтик фикрни кучайтириш, унинг таъсир доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Инсоннинг ўз ҳаётидан қониқмаслиги ёки янада кўп нарсаларга эга бўлмоқ истаги акс этган саккизликларида шоир асосан фикр ташиётган образларини гапиртириш усулини қўллайди. Ва бу жиҳат поэтик фикрни кучайтириш, унинг таъсир доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Шоир аксарият саккизликларида ҳаётнинг, умрнинг, инсонликнинг моҳияти нимадан иборатлигини англамоққа тиришади. Ва шу хусусида ҳаёт образи билан баҳс юритади:

– Ҳаёт, мени нечун яратдинг,
Зарурмидим сенга шунча ҳам?
– Бағрим синов даргоҳи эрур,
Синалмоққа яралдинг, болам!

– Ҳаёт, мендан сенга не керак?
Илинжингни очик айтақол.

– Бахш этганман, бир парча юрак,
Сен ўшандан сўраб, билиб ол. [I, 104]

Лирик қаҳрамон ҳаёт билан мунозарага киришар экан, инсонликнинг, яралмоқнинг матлаби не эканлигини билмоқ истайди. Унинг бу сўровини асло ҳаётга нисбатан эътироз деб тушунмаслик керак. Аслида шоир ҳаётнинг унга яхшиликлар, меҳр-муҳаббат, самимиятга тўла юрак ҳадя этганлигини таъкидламоқда. Бундай улкан юракнинг эса ҳаётга тортиқ этадиган гўзал тухфалари бисёр. Ўзаро диалогга асосланган бу саккизлик ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзига хослик касб этади.

Шоирлар кўнгли ўз-ўзидан қониқиш билмайди. Улар қандай мақсадда яратилганликларини англаб етишга ва шу вазифани тўлиқ адо этишга ҳаракат қиладилар. Шундагина кўнгил ором топади. Айни мазмун шоир Жамол

Камол саккизлигида ҳам мавжуд. У ҳам тақдирга қарата хитоб қилади ва ўз кўнглига муносиб жавоб олади:

- Тақдир, нега мени инсон яратдинг,
Кўксимда шодлиг-у ғамдан юз нишон?
- Мен сенга қалб ила шуур бахш этдим,
Билгил деб ҳирс нима, нимадир ҳайвон⁷⁸.

Ижодкорларнинг покиза туйғулари нақадар бир-бирига яқинлиги кўринади. Бу адабий таъсир «... қонуният мақомида мавжуд бўлган, бадий тафаккур ривожидида муҳим аҳамиятга молик ҳодиса»⁷⁹ сифатида баҳоланади. Адабий таъсир С.Воҳидовнинг ўз ижодий индивидуаллигига эришишида муҳим аҳамият касб этган. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бирини ҳаёт синовларига бардош бергувчи, уни гўзал қилгувчи улкан юраги бўлса, яна бирининг ишқ ва инсонни танитувчи қалби, шуури бор. Улар ўзларига оташин юрак, қалб ва шуур бахш этилганлигидан мамнунлар. Чунки инсонни ҳайвондан фарқловчи, уни ўзи сингари инсонлардан-да бир неча поғона юқорига олиб чиқувчи неъматлар шулардир. Ҳаётни севимли қила олиш инсоннинг ўз қўлида эканлигини шоир гўё ўз-ўзи билан бўлган суҳбатда шундай ифода этади:

- Ҳаёт ўткинчидир, дунё бевафо,
Эртага супура, бугунги изинг...
- Нолимоқ осондир, ўйлаб кўр, аммо,
Вафо қилолдингми дунёга ўзинг? [I, 103]

Лирик қаҳрамон нафақат икки олам бўлиб тиллашади, балки ўзига ҳам савол билан мурожаат қилади. У дастлаб ўқувчисини ўзининг кескин фикрларига эргаштиради. Кейин эса «шу тўғримикан?..» дегандек, аслида қандай яшаш инсоннинг ўзига боғлиқ эканлигига мулоҳазани йўналтиради. Бир қарашда С.Воҳидовнинг лирик қаҳрамони ҳаётдан кўнгли тўлмаган,

⁷⁸ Камол Ж. Аср билан видолашув. (Шеърлар, дostonлар). Сайланма. I жилд. –Тошкент: “Фан”, 2007. –Б. 148.

⁷⁹ Қуроноу Д., Мамажоноу З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: “Академнашр”, 2013. –Б. 15.

норози кайфиятдаги кишига ўхшайди. Шоир шеърларидаги бу каби бадиий ифода йўсини ҳақида олим С.Азимов шундай дейди: «Дунё ва ҳаёт ҳақидаги бу фикрлар зинҳор С.Воҳидов руҳий тушкунликка тушган, ҳаётга, келажакка умидсизлик билан қарайдиган шоир экан, деган фикрга олиб келмаслиги керак. Оптимистик кайфият С.Воҳидов шеърлятига хос фазилатлардан биридир»⁸⁰. Бундай мазмундаги шеърларида шоирнинг оддий монологдан қочганлиги, ўз қаҳрамонларига сўз айтиш имкониятини берганлиги ҳаётий ҳақиқатларни тўла англантишга ва англашга етарли хизмат қилганлигини кўрамыз.

Шоир саккизликларида юлдузлар, тун ва тонг образлари ҳам учрайди. Тунни тонгни дунёга келтириш учун тўлғоқ ўтида тўлғанаётганга, юлдузларни эса туннинг юзидаги маржон-маржон терга менгзайди. Кун узайганда шундай тунлар бўладикки, тез орада тонг отаётгандек. Аммо ҳали тонг узок, осмон юлдузлар билан тўла, шоир тили билан айтганда, тун «*Эртани тугмоққа дарддан қийналиб*» ётдандек. Албатта, шеър онанинг фарзанд дунёга келтиришдаги азобларини ҳам ёдга солади. Саккизликнинг якуний банди буни янада теранроқ ифодалайди:

Уфқ – тун этаги... Унинг остида –
Кўзларин уқалаб, чиқар гўдак тонг.
Табиат, баркамол фарзанд бер тунга,
Гўдагин кўриб, кўз юмсин беармон... [I, 53]

Берилган поэтик хулоса шоирнинг одатий табиат ҳодисасидан инсоният учун, келажак учун зарур умумлашмани бера олганлиги билан, асрлар оша одамзот олдида баркамол авлодни тарбиялаш вазифаси турганлигини таъкидлаётганлиги билан ҳам ижтимоий аҳамият касб этади. Шунинг натижаси ўлароқ, эрта бугундан гўзалроқ бўлишини, келажак бугуннинг муаммолари билан дард чекмаслигини орзу қилади, эртанги кундан кўнгиллар тўқ бўлишини истайди.

⁸⁰ Siz doimo qalbimizdasiz. –Buxoro, “Durdona” nashriyoti, 2008. –Б. 169.

Юқоридаги шеърда тун ва тонг она – болага қиёс этилган бўлса, шоир яна бир саккизлигида уларни бир-бирига карама-қарши қўяди. Тонг отишидан тун хафа, борлиқни тун эгаллаб олишидан эса тонг безовта. Энди «Уфқ – тун этаги» остида тонг дунёга келмайди, балки уфқ – юзи қонталаш жон узаётган тун қиёфасида тасвирланади. Хўш юлдузлар-чи? Уларнинг қандай поэтик маъно вазифасида тасвирланганлигини тонгга қарата айтилган сўзлардан билиб оламиз: «*Тун инграр: «Қувонма, тантананг бир кун, Сўнг юлдуз ясарман кўзинг ёшидан»*. Умуман олганда, шоирнинг лирик қаҳрамонлари қандай вазиятда, қандай рухий ҳолатда бўлишмасин, уларга панд-насихат ёки далда бўлиб сўзлаб ўтирмайди. Дунё шундай яралганки, «Ойнинг ўн беши қорунғи бўлса, ўн беши ёруғдир», деган фалсафий хулоса уларнинг баридан сезилиб туради.

С.Воҳидов барча саккизликларида борлиқ воқеа-ҳодисаларини шунчаки тасвирламайди, балки уларнинг ўз ҳис-туйғуларига таъсирини вазминлик билан баён этади. Бу табиий ҳодисалар гўё унинг кўнглида кечаётган ҳислар сабаб содир бўлади. Бунда қиёслаш усули шоирнинг ўзига хос услуби бўлиб намоён бўлади. Ҳатто ҳар кеч уфққа бош қўяётган қуёш ҳам унга эргашади, у каби меҳр илинжида уфқ бағрига талпинади:

Юксакдан уфққа талпинар қуёш,
Мен муштоқ чопгандай онам бағрига,
Нур олиб эрта тонг кўтаради бош,
Мен қониб қайтгандай онам меҳрига.

Аммо муаллифнинг муддаоси фақатгина ажойиб ўхшатма қилиш эмас. Агар шундай бўлганда эди, шеър кўнгилдан, ҳислардан йироқ сўзлардангина иборат бўлиб қоларди. Шоирнинг кўнгил дарди бошқа. У қуёш мисол ҳар кеч уфққа бош қўймоқ истайди:

Уфқ қуёшини кутгандай, онам –
Бекатда йўлимга тикади нигоҳ,
Қуёшдай уфқимга қайтаман мен ҳам,
Афсуски, қуёшдай ҳар кунмас, гоҳ-гоҳ... [I, 103]

С.Воҳидовнинг саккизликлари унинг ички кечинмаларидан сўзлайди. Улардаги лирик қаҳрамон ҳаёт мураккабликлари, турфа синовлари қаршисида дадил турган, курашга тайёр инсон. У инсонлараро муносабатларда ҳалоллик истади. Шоир саккизликларининг ифода йўсинини шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Бири образларнинг табиий жараёндаги бадиий тасвири бўлса, иккинчиси шу образларнинг поэтик тасвирига сабаб бўлган кечинмалар, фикр мулоҳазалар ифодасидир. Шу билан бирга, у содир бўлаётган жараёнга ўз муносабатини образлар тилидан баён қилади. У сўзамоллик қилишдан қочади, бу билан ўқувчисини зериктириб қўйишдан тийилади. Китобхонни образлар нутқи орқали ҳаёт ҳақиқатларидан хабардор этади. Шу жиҳатлар Самандар Воҳидовнинг саккизлик шеърий шаклидаги ўзига хослигини белгилайди.

Тўртликлар. Онг остини банд этиб турган ўй-фикрлар: турмуш ташвишлари, муносабатлардаги зиддиятлар, ҳаёт бахш этган шодликлар зуҳури... – буларнинг бари кўнгил оламида қайта тирилади – шеър бўлиб дунёга келади. Кўнгилга фараҳ бахш этувчи ҳислар оғушида бўлиш ва бу ҳисларни пайдо қилган воқеа-ҳодисалар ҳақида қайта ва чуқур ўйлаш, мулоҳаза юритиш ёқимлидир. Аммо буларнинг акси бўлган: юракни эзадиган, хаёлларни боши берк кўчага олиб кириб қўядиган ўйловлар ва бунга сабаб жараёнлар ҳақида қалб ва онгнинг қайта изтироб чекиши мураккаб руҳий жараён. Ва бундай изтиробли ҳислар қаршисида ёлғиз тура олиш, улкан юрак билан уларнинг номларини қоғозга битиш шоирдан жуда катта қувват талаб қилади. Шеърият шоирдан фақатгина ҳиссиётлар жунбушини эмас, тафаккур даражасининг энг юқори – олий чўққисини забт этганликни, ундан сўнггина қалб торларини оғриқли ёки қувончли чертаётган макон сари олға боришни, бора олиш қобилиятини талаб қилади. Тафаккурда эса ўзигагина тегишли бўлган ақлий ҳосиладан ташқари, умуминсониятга тааллуқли бўлган қоида ва чегаралар мужассам бўлади. Буларнинг ҳар иккисига дахлдор ва бири иккинчисини инкор этмайдиган шоирона – поэтик сўз айта олиш катта маҳоратдир. Ҳар қандай инсоннинг

кўрган-кечирганлари, атрофида содир бўлаётганлари онгида турли-туман фикрлар оқимини пайдо қилади. Унинг тўлқинлари кўнгил чегараларига келиб урилганда эса уни ё вайрон қилади, ё ғуборлардан тозалайди. Мана шундай энг ички, энг нозик руҳий сезимларга қулоқ тута олиш, уларни англай олиш, бу қадар митти, аммо шиддати бўрондек кучли ҳисларни маҳорат билан сўзлар қатига жо қилиш шоирликдир. Шуниси муҳимки, шеърят буларнинг барини эзгулик, гўзаллик, ҳалоллик, адолат... сингари умумбашарий кадриятлар асосида тараннум этади. Халқ орасида «Кўнглингга қулоқ тут» деган гап бор. Фақат шоир юрагигина буларнинг ҳар бирини жон қулоғи билан тинглайдиган, кучли, матонатли, ҳокисор бўла олади. У ўзини азобга қўйиб бўлса-да, ўзидан кечиб бўлса-да кўнгил сўзларини айтишга шай ва бунга ўзини бурчли деб билади. Бундай ҳислар тўлқинини тўрт сатрга сиғдира олиш эса ижодкор маҳоратидан даракдир.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек адабиётида кичик шеърый жанрлар ва шаклларнинг ўзига хос ифода йўсини ва мақсад мундарижаси мавжуд. Кичик ҳажм ҳақида гап кетганда, жанр ва шакл тушунчаларини алоҳидалаш ўринсиздир. Бироқ мумтоз адабиётимизнинг кичик ҳажмли жанрлари ўзининг бадиий мезонлари билан ажралиб туради. Тўртликлар шуниси билан аҳамиятлики, улар ўзининг кичик ҳажми ва бу ҳажмда баён этилган мазмун изчиллиги билан тасаввурни тўла ишга солувчи кучни ҳам пайдо қила олади. Кичик ҳажмда оригинал мазмун, тугал хулоса пайдо қила олиш ва ўзига хос тасвир услубини яратиш ижодкордан катта маҳорат талаб қилиши, табиий. Ижоддаги энг кичик зарра ҳам бадиий маҳоратга муҳтождир. Ижодкорнинг бадиий маҳорати эса, аввало, унинг шахсий ижодий ташаббускорлигига ҳам бевосита боғлиқдир. С.Воҳидов ижодий меросидаги тўртликлар ҳам ана шундай маҳорат натижасида юзага келган. Шоир тўртлик шеърый шаклида ҳам баракали ижод қилиб, кичик ҳажмда ўз фалсафий тафаккурини тўлалигича ифодалай олиш маҳоратини яна бир бор намоён қилган. У яратган тўртликларнинг ўзига хослиги шундаки, муаллиф уларни мавзу ва мазмун жиҳатига кўра туркумларга бирлаштирганлигидир. Тўртликлар

исталган мавзуларда ёзилганлиги билан, туркум шеърлар эса бир умумий мавзу остида эканлиги билан алоҳидалик касб этади. Бироқ С.Воҳидовнинг «Дунё дарсхонадир»⁸¹ тўпламида унинг бу борада ўзига хос ёндашганлигига гувоҳ бўламиз. Китобдаги тўртликлар учта: «Отамнинг ўғитлари», «Дунё дарсхонадир», «Сабрим косасига сиғмаган дардлар» номли туркумларга бирлаштирилади. Яъни С.Воҳидов ижодида тўртлик поэтик шакли ва туркумлилик тушунчалари бир ўзанда сузади. Айни жиҳат ҳам шоир ижодидаги услубий ўзига хосликлардан бирини намоён қилиб туради. Бу ўринда тўртлик поэтик шакли ва туркумлилик назарий тушунчаларини қиёсан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, «Тўртлик – жаҳон халқлари шеъриятидаги энг машҳур, кўп қўлланиладиган шеърий шакл ҳисобланади. Аксарият, *аабб*, *абаб*, *абба* ва Шарқ шеъриятида эса, *ааба* тарзидаги қофияланиш тартибига эга. Ҳижолари, вазни турлича; кўпинча тўққиз, ўн бир бўғинли бўлади»⁸². «Дунё дарсхонадир» тўпламига кирган туркум тўртликларнинг барчаси *ааба* тарзида қофияланган.

Тўртлик ҳақида бироз кенгроқ мушоҳадани олимларимиз китобларида шундай ўқиймиз: «Тўртлик – тўрт мисрадан иборат мустақил шеърий асар. Тўртликнинг тарихи жуда қадимий бўлиб, у дастлаб фольклордан пайдо бўлган. Ўзбек халқ кўшиқларининг мустақил тўртликлар сифатида яратилиши бунга яққол мисол бўла олади. Тўртликлар рубоийдан ўзининг шаклий ҳамда мазмуний жиҳатлари билан фарқланади. Тўртликнинг мавзу доираси кенг бўлиб, уларда турли ҳаётий воқеалар акс эттирилиши мумкин... Тўртликда ижодкорнинг бирор ҳаётий воқелик ҳақидаги таассурот ва хулосалари лўнда, поэтик ифодаланади»⁸³. Бундан кўринадики, гарчи рубоийдек ўта қатъий ва мураккаб қоидаларга асосланмаса-да, тўртлик шеърий шаклининг ҳам ўзига хос талаб ва тамойиллари мавжуд. Демак, тўртликлар рубоий сингари ҳазаж баҳрининг аҳрам ва аҳраб шажараларида,

⁸¹ Воҳидов С. Дунё дарсхонадир. (Тўртликлар). – Тошкент: “Наврўз”, 2013. 88 б. (Ушбу китобдан олинган кейинги мисолларда китобнинг йили ва саҳифаси қавсда кўрсатилади).

⁸² Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 338.

⁸³ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. - Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983. – Б. 356-357.

туяқнинг рамали мусаддаси мақсур (махзуф) вазнларидан ташқари исталган вазнда ёзилиши мумкин. Шоир ва олим Жамол Камол айтганидек, тўртликларнинг асосий белгилари бор. Булар: а) лирик ифоданинг эркин парвози; б) кечинмалар доирасига тушган энг увоқ майда-чуйдаларнинг ҳам шу ондаёқ қайд этилиши; д) бевосита нутқ-монолог билан чуқур суврат-тасвирларнинг алмашилиб туриши; е) вазн ва мулоҳазаларнинг эркин қўлланиши каби хусусиятлардир⁸⁴. Албатта, лирик ифоданинг эркин парвози деганда, эркинлик сўзини исталган кенгликда баён қилиш, деб тушунмаслик керак. Бу кўнгилда чуқур илдиз отган, уни ларзага солган ҳисларнинг қуюлиб келиши, эркин, қуйма сатрлар ила қоғозга кўчишидир. Шу маънода С.Воҳидов тўртликлари энг ички, мураккаб туйғуларни ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Бундай кичик ҳажмли шеърини шаклларга қўйиладиган талаб ҳақида Асқад Мухтор шундай дейди: «Поэзиянинг бу турида ишлашнинг ўз қийинчиликлари бор. Унда шоирни ҳар қадамда дидактикага, насиҳатгўйликка берилиб кетиш хавфи пойлаб туради»⁸⁵. Шундай ҳолат С.Воҳидовда ҳам учрайди:

Қиннинг чиройига бўлма маҳлиё,
Нақшу безаклари бўлса ҳам тилло.
Қин аро қон қўмсаб, тамшанган қилич –
Гўзаллик бошига битган бир бало. [2013, 27]

Тўпламнинг дастлабки туркум тўртликлари панд-насиҳат руҳида ёзилган бўлса-да, уларнинг «Отамнинг ўғитлари» дея номланиши муаллифни насиҳатгўйликда айблашдан бизни тўхтатади. Тўртликлар ёши улуг инсоннинг ўғитлари эканлиги уларни одоб билан тинглашга ундайди. Отанинг ўғил тарбиясидаги, уни ҳаёт тўсиқларидан огоҳ этувчи ўғитлари турли образлар, сифатлашлар, ташбеҳлар асосида ифодаланган. Уларни ўқир экансиз, ҳалоллик, ҳасаддан йироқ бўлиш, камтаринлик, қаноат, сўз қадрига етиш, Яратгандан бахш этган истеъдодни эзгулик сари йўллаш каби

⁸⁴ Umurov H. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – Т.: А.Қодирининг номидagi Халқ мероси нашрийоти, 2004. – В. 229-230.

⁸⁵ Ёўлдош Т. Ошиқ кўнгил: Шеърлар.Кириш сўзи. Асқад Мухтор. – Т.: Адабиёт ва санъат,1979. – Б. 3.

насихатларни отасидан тинглаётган ўғил қиёфаси кўз олдингизда гавдаланади. «*Бошингни осмонда кўрганинг йўқ-ку, Қуёшга ёнма-ён турганинг йўқ-ку. Бошқалар хирмонин хасга йўйгайсан, Ҳали ўз екканинг ўрганинг йўқ-ку*» [2013, 9]. Бу пурмаъно тўртлик ўқувчини бефарқ қолдирмайди, гўёки уни огоҳлантиргандай, инсонийлик рутбасидан чиқиб кетмасликка ундагандай таассурот қолдиради. Шоир кибр-у ҳавога берилмаслик, такаббурлик иллатига енгилмаслик ҳақидаги фикрларини очик насихат шаклида баён қилмайди, балки, уларни поэтик тасвирларда ифода этади. Тўртликда бугуннинг руҳи, бугунги кун одамларининг руҳияти акс этгандай. Инсон қандай мавқега эришмасин, тўртликнинг дастлабки мисраларида таъкидланган даражага етолмайди. «*Шундай экан, манманлик нечун, Кибр-у ҳаво нимага керак?*» Тўртлик шоир Э.Воҳидовнинг «Камтарлик» шеъри билан мазмуний бирлик ҳосил қилади. Саккиз мисрадан иборат «Камтарлик» шеъри хулосанинг очик баён қилинганлиги билан тўртликдан фарқланади. Тўртликда эса ҳажм борасидаги имконият чекланганлиги боис, якуний хулоса ўқувчи ихтиёрига ҳавола этилади. Айни мана шу жараён шоирдан юксак маҳорат талаб қилади. Юқоридаги тўртлик эса С.Воҳидовнинг ўз ғоявий ниятини ўқувчига тўғри етказиб беришдаги маҳоратини кўрсатиб турибди.

Шоир тўртликларининг қофиясида омоним сўзларни ҳам маҳорат билан қўллаб, тажнисли қофия ярата олган. Бундан тўртликлар ҳам туюқ жанри сингари тажнисли бўла олиши мумкинлиги англашилади.

Аслинг тилло эмас, тупроқдан **бино**, (**яратилган**)

Кеккайиб, ўзингга қўймагин **бино**. (**кеккайма**)

Хоксорлик кўтаргай инсонни кўкка,

Ердан юксалгайдир кўк ўпар **бино**. (**иморат**)

Тўпламнинг иккинчи қисми «Дунё дарсхонадир» деб номланиб, ота сабоқларини олиб улғайган ўғилнинг катта ҳаётдан чиқарган асосли хулосаларидан огоҳлик сари чорлайди. Туркум тўртликларнинг айни қисмида лирик қаҳрамоннинг олам ва одам, тириклик ва абадият, имон ва

адолат ҳақидаги фикрлари; поклик, ҳалоллик, хиёнат, такаббурлик, яхшилик ва ёмонлик, ноҳақлик, худбинлик, умрнинг мазмуни ҳақидаги ўй-хулосалари билан диллашади киши. «Отамнинг ўғитлари» туркум тўртликларида вазминлик, донишмандликка монанд бир оҳанг ҳукмронлик қилса, бу қисмда шоирнинг ҳаёт ҳақидаги дадил ва кескин мулоҳазаларини ўқиймиз. Ва булар ўзи таъкидлаганидек, «*Неки ўқиб, уқдим бу дарсхонада, Байтларим шу сабоқ такрори холос*».

Замин зорланади гоҳ заминликдан,

Оёқ ости бўлгач камтаринликдан.

Осмон орланади осмонликдан гоҳ –

Беор булутдаги бет қалинликдан. [2013, 29]

Шоир эзгу фазилатларнинг кадрсиз бўлиб бораётганлигидан озорланади. Оламнинг энг икки буюк қисми – Ер ва Осмон ҳам бундан азият чекмоқда. Муаллиф бадиий мақсадига кўра юзага келган ҳар бир мисрадаги туйғуга мос сўзлар ва товушлар (**з, о, б**) такрори эса шеърнинг ўзига хос оҳангини, эмоционаллик даражасини оширишга хизмат қилган. Аллетерация (тавзеъ) бадиий санъати сўз руҳиятини, унинг қудратини ҳис қила олган ижодкорлар ижодидагина учрайди. Товушлар сеҳрига ҳисларнинг эргашиши ёки, аксинча, ҳиссиётлар товушларни ўзига жамлаб сўзларда акс этиши шоирнинг бадиият олами даражасини кўрсатади. Бу жиҳатни Самандар Воҳидовнинг, асосан, тўртликларида кўплаб учратамиз. Бу ҳам бўлса, тўртлик шеърини шакли учун айни муддаодир. Чунки қалбга бир лаҳзанинг ўзидаёқ чуқур кириб бора олган сезимлар мана шундай товушлар ҳамоҳанглигида ўзининг муносиб ифодасини топади.

Такаббурнинг юзи йўқ, қош-қабоғи бор, 7+5=12

Тарашадан тарашланган сиёғи бор. 8+4=12

Қоқилсанг тутмоққа қўллари йўғ-у, 6+5=11

Топтаб ташламоққа тўрт туёғи бор.[2013,39] 6+5=11

Мисралардаги бўғинлар сони ва туроқланиш тартиби шеърнинг ритмик-интонацион ҳолатига ўз таъсирини ўтказади. Шоирнинг айрим

тўртликларида юкоридагидек, турлича туроқланишларни ҳам учратиш мумкин. Бундай ҳолат муаллиф ҳиссиётларидан йироқ бўлган шеърхонга тўртликнинг нимасидир шеърга ўхшамай тургандек туюлаверади. Бирок муаллиф кайфияти ва шеърнинг кесатик мазмунида ёзилганлигини инобатга олсак, бундай сакталиклар кўз юмишга арзийди.

С.Воҳидов тўртликларининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, уларнинг кўпчилигида дастлабки икки мисранинг тарсеъ санъати асосида юзага келганлигидир:

«Ёрга дил бердим-у, дил оломадим,
Ёвга қўл бердим-у, эл бўлолмадим».

«Гул берганинг гулингга хуштор бўлса,
Дил берганинг дилингга дилдор бўлса».

«Покман», деб, чирандинг, поклик уялди,
«Оқман», деб, чирандинг, оқлик уялди».

Бундай намуналар 20 га яқин тўртликларида кузатилади. Бу шоирнинг фикрларига тартиб бераётганлигини, кенгроқ мушоҳадага киришганлигини кўрсатади. Уларнинг турли мавзуларда эканлиги тўртлик шеърини шаклига хос хусусият бўлса, бир умумий ном остида бирлаштирилиб, яхлит композицион бир бутунлик ҳосил қилганлиги туркумлилик тушунчасига мувофиқдир. «Дунё дарсхонадир» туркум тўртликларида муаллиф ҳаёт йўли ва кўнгил кечинмаларининг поэтик ифодаси теран акс этганлиги кўзга ташланади. Ундаги руҳият манзаралари тобора кульминацион чўққига томон кўтарила борган. «*Дарсхона дунё-я, дарсхона дунё, Тўрт кунга берилган қарз хона – дунё. Ижара ҳақиқа умрдан бўлак Тўлов тиламассан, дардхона дунё*», – деган дардли хитоблар билан яқунланган бу қисм «Сабрим косасига сифмаган дардлар» номли туркум тўртликлар билан давом эттирилади. Дастлабки тўртликлар туркумидан фарқли равишда бу қисм «Онам хотирасига» ва «Ўғлим Жамшид хотираси» номли икки қисмдан иборат.

Фарзандлар ғамида ҳаёт бозорида роҳатини сотган онаизор дийдорининг соғинчи шоир мисраларини дард-у ҳасрат билан тўлдириб юборган:

Вой дунё-я, вой дунё-я, вой дунё,
Бахтдан кўра бахтсизликка бой дунё.
Наҳот, она сиғмас шу кенг бағрингга
Ер остидан берасан-а жой, дунё. [2013, 80]

Ҳаётнинг не-не синовларига дош берган, не-не хиёнатларни енгиб ўта олган инсоннинг айрилиқ азобидан нажотсиз ўртанишлари акс этган бу тўрликлардаги такрорлар ўзининг дард тўла хонишлари билан ўқувчини кучли изтиробга солади.

С.Воҳидов тўртликлари, асосан, ўн бир бўғинли бармоқ вазнида ёзилган. Аммо ўн беш бўғинлиларини ҳам учратиш мумкин. Жумладан, шоирнинг ўғлига бағишланган ўн тўртта тўртликнинг еттitasi ўн бир бўғинли бўлса, еттitasi ўн беш бўғинли мисралардан иборат. Бу жиҳат бизни шеърнинг вазнига эътибор қаратишимиз лозимлигини кўрсатди.

Бу ҳаётдан / мен кўчимни / бойлаётган / фурсатим,

- v - - / - v - - / - v - - / -v -

Шум ажалга / шунча ҳам дар/кор эдими / ҳасратим.

- v - - / - v - - / - v - - / -v -

Ушбу ҳасрат/ки, ўғ(и)лим / доғидан кўк/сим ёнар,

- v - - / - v - - / - v - - / -v -

Сўнмагай, пур/кар тутун бир / кун очишса / турбатим. [2013,84]

- v - - / - v - - / - v - - / -v -

Таҳлил натижасида бу тўртликларнинг аруз шеърӣ тизимида ёзилганлиги аёнлашади. Бундай тўртликлар муаллиф (лирик қаҳрамон)нинг ҳасратлари янада ошганлигини, ҳижрон дардининг кўкка ўрлаб бораётганлигини аниқ намоён қилган. Шоир ҳаётидаги оғир жудолик ўз оҳанги билан сатрларга кўчган ва рамали мусаммани маҳзуф вазнини юзага келтирган.

Тўртликлар орасида Увайсийнинг фарзанд соғинчида ёзилган “*Ки булбул нола, афгон айламакни мендин ўрганди, Вужудин шамъи сўзон айламакни мендин ўрганди*” матлаъли ғазалини ёдга солувчи сатрларнинг борлиги, неча асрлар ўтса-да, бундай азоб қаршисида ҳар қандай давр кишисининг изтироблари бир-бирига ўхшаш эканлигини кишини хайратга солади:

Сабрга даъ/ ват этмоқни / ЎГИТлар мен / дан ўрганди,

v - - - / v - - - / v - - - / v - - -

Фигонин ич/га ютмоқни /СУКУТлар мен / дан ўрганди.

v - - - / v - - - / v - - - / v - - -

Само село / бини тўкса, / деманг ёмғир, / бу – кўз ёши,

v - - - / v - - - / v - - - / v - - -

Фироқ ашқин/ оқизмоқни / БУЛУТлар мен / дан ўрганди. [2013,85]

v - - - / v - - - / v - - - / v - - -

Юқоридаги тўртлик *ааба* тарзида қофияланган (С.Воҳидовнинг барча тўртликлари шу тартибда қофияланган), ҳазаж баҳрида битилган бўлса-да, рубоий вазнлари сирасига кирмайди. «Шеър рубоийнинг 24 та вазнидан бошқа вазнда, аммо арузда ёзилган бўлса, тўртликка киради»⁸⁶. Бу каби асосли фикрларни юқорида ҳам келтириб ўтган эдик. Шундай экан, С.Воҳидовнинг аруз вазнида ёзилган тўрт мисрадан иборат шеърларини ҳам бемалол тўртлик деб атай оламиз.

Ушбу «Сабрим косасига сиғмаган дардлар» тўртликлар туркуми Яратганнинг амрига бесабрлик қилаётганлигидан кечирим сўраш ва унинг раҳматига умид қилиш мазмунидаги мисралар билан яқунланади. Ўз давридаёқ «Унинг шеърлари қисқа ҳажмлиги, поэтик образларнинг конкретлиги, фикр ва ҳиссиётларнинг қоришиқлиги билан дарҳол кўзга ташланади»,⁸⁷ дея муносиб баҳоланган эди. Тўртликлар мисолида эса, шоирнинг инсон ҳаётидаги ўзгартириб бўлмас аччиқ дамларни ҳам кичик

⁸⁶ Адабий тур ва жанрлар. (Тарихи ва назариясига оид) Лирика. 3 жилдлик. 2 жилд. – Т.: “Фан”, 1992. – Б. 226.

⁸⁷ Бухоро ҳақиқати. 1967. 23 декабрь сони.

ҳажмда поэтик акс эттира олганлигига гувоҳ бўламиз. Айни жиҳатларни инобатга олган ҳолда, уларни марсия тўртликлар туркуми деб аташ мақсадга мувофиқдир. Туркумлилик тушунчаси ёритилган илмий адабиётларга таянадиган бўлсак, уларда туркум шеърларнинг мавзу доирасига кўра 1) ижтимоий-сиёсий; 2) юмористик мавзудаги; 3) лирик йўналишдаги; 4) ҳажвий-танқидий мавзудаги поэтик туркумларга ажратиш мумкин. Самандар Воҳидовнинг туркум тўртликлари мисолида эса, биз 5) ахлоқий- (тарбиявий) маънавий; 6) марсия йўналишидаги туркум шеърлар ҳам мавжуд дея айта оламиз. Шоир ижоди нафақат тўртлик, балки туркум шеърлар мазмунини ҳам кенгайтди. С.Воҳидов туркумларининг ўзига хослиги ҳақида кенгроқ сўз юритишдан олдин, адабиётимиздаги туркумлилик тушунчасига ҳам атрофлича тўхталиб ўтсак. «XX аср адабиётшунослигида маърифатпарварлик ва миллий уйғониш даври адабиётида поэтик туркумлар атамаси бўлмай, айрим адабиётшунослар томонидан бу турдаги шеърлар гуруҳини – цикл деб қайд этиш кузатилади»⁸⁸. Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовларнинг «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати»да «Цикл – (гр. куклос – доира, айлана, ғилдирак сўзидан) – туркум, цикл. Мавзу, ғоя, қаҳрамон, тарихий давр, поэтик руҳ, воқелик ўрни жиҳатидан умумийликка эга бўлган бир жанрга мансуб асарлар мажмуаси»⁸⁹, дейилади. Яна бир манбада эса, «ТУРКУМ — муштарак ғоявий ният, умумий мавзу, қаҳрамон ва муайян композицион яхлитликка эга бўлган бадиий асарлар мажмуи. Туркум асарлар адабиётнинг барча жанрларида мавжуд. Мас., Балзакнинг «Инсон комедияси» ёки Золянинг «Ругон — Маккарлар»ини ташкил этувчи асарларини романлар туркуми дейиш мумкин. Шунингдек, ҳикоялар, очерклар ва ҳатто мақолалар туркумлари ҳам бўлади. Туркум, айниқса, шеърятда кенг тарқалган. Ўзбек шеърятда деярли ҳамма шоирлар туркум асарлар яратганлар. Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари», Зулфиянинг «Водий тухфаси», Ҳ. Ғуломнинг

⁸⁸ Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 5 ж. – Т.: “Фан”, 1980. – Б. 315.

⁸⁹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1979. – Б. 343.

«Қитъалар уйғок», Шухратнинг «Кавказ дафтари» каби туркум асарлари мавжуд. Туркумни ташкил этувчи ҳар бир асар мустақил бадиий қимматга эга бўлади, бироқ улар бирлашиб, ҳаётнинг бирор томони ҳақида мукамал тасаввур берувчи тугалланган яхлит асарни вужудга келтиради»⁹⁰. Шоирнинг шеърий туркумлари шу билан тугаб қолмайди. У диний – маърифий мавзуда ҳам туркум яратган. Унинг бу туркум шеърлари Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бошлаб берган «Ҳаж дафтари» туркумини давом эттирганлиги билан аҳамиятлидир. Бу туркум С.Воҳидов ижодида янги бир саҳифа бўлди. Ҳаж зиёратидан сўнг сафар ва ибодат таассуротлари, кўнгилда бандалик мақомининг яна бир бор чуқур нақшланганлиги акс этган бу туркум ҳам «Ҳаж дафтари» деб номланган. Аммо шоирнинг бу туркум китоби А.Ориповнинг шу номли туркумидан ва туркумлилик ҳақидаги назарий фикрлардан биров фарқли хусусиятларга эга. Туркумга жамланган барча шеърлар мавзу ва ғоя, қаҳрамон, давр, поэтик рух, воқелик ўрни нуқтайи назаридан яхлитлик ҳосил қила олади. Бироқ, шуниси ҳам борки, улар жанр жиҳатидан умумийликка эга эмас. С.Воҳидовнинг «Ҳаж дафтари» туркуми эссе, ғазал, тахмис мухаммас, шеърлар ва тўртликлар (кейинчалик муаллиф уларни алоҳида туркум қилган) билан биргаликда мазмуний бутунлик ҳосил қилган. Бу ҳам туркум яратиш борасида муаллиф индивидуаллигини белгиловчи омиллардан биридир. Айни жиҳат С.Воҳидов ва А.Ориповнинг шу номли туркумларини бири-биридан фарқловчи белгиларидан биридир. Туркум «Ҳар лаҳзаси қалбга нақш битган зиёрат» эссеси билан бошланади. Эссе жанри «қалбдаги ҳис-туйғулар жўшганда, фикр пишиб-етилганда бир тўртки туфайли қоғозга «сочилиши»⁹¹, дея таърифланганидек, С.Воҳидов ҳам улуғ зиёрат бахш этган ҳиссиётларини ўзгача бир жўшқинлик билан ёзади. Шу сабаб эссени ўқиш жараёнида муаллифнинг ўз ҳис-туйғуларини, кўрган-билганларини, хулосаларини бошқаларга етказишга ошиққанлиги аниқ билиниб туради.

⁹⁰ www.ziyouz.uz. Qomus. Info. Onlineensiklopediya.

⁹¹ Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: “Фан”, 2008. – Б. 145.

Муаллиф Ҳаж зиёрати таассуротларини баён қилар экан, аввало, шундай амални бажариш насиб этганлигига шукроналар келтиради. Динни, илмни, илм соҳибини тупроққа тенг қилган замонлар ҳақида эслайди. Бувисидан эшитгани: Бобоси масжид имоми бўлган Мулла Абдурахимнинг «Менинг китобларимни ўзим билан гўрга кўминглар, токи муллонинг авлоди деб, фарзанд-у набираларимга зуғум қилмасинлар», деган сўзларни келтирадики, Яратганни таниган кишиларга нақадар оғир даврлар бўлганилигига ва бугун кўплаб нодир китобларнинг маънавий хазинамизда мавжуд эмаслигига куюнади киши. Даврлар қиёсланар экан, муаллиф эссега хос далиллаш йўлидан бориб, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг 1980 йиллар охирларида қилган Ҳаж зиёрати таассуротлари ҳақидаги публицистик «Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара зиёрати» китобидаги тасвирларни эсга олади. Ва мустақиллик шарофати ила Ҳаж амалининг нақадар қулай шарт-шароитларда адо этилаётганлигидан шукроналик туяди. Ҳаж зиёрати билан боғлиқ «Ҳидоят» журналидаги мақолалар мазмунини ҳам ўқувчи ихтиёрига ҳавола қилади. Шу қаторида муаллиф эсседа сафар харитасини ҳам поэтик суратларда чизади: *«Илоҳий нурга чўмилгандай ёруғ ва қутлуғ Макканинг тунги кўрк-у таровати ажиб бир сеҳр ила қамраб олган эди борлигимизни», «Зулҳижжа ойининг 8-куни яна эҳромга кирдик, ҳажни ният қилиб, Мино шахрига жўнадик. Мино – тоғлар орасида жойлашган, минглаб чодирлардан иборат шахар»*⁹². Муаллиф тайёрагоҳга қадам қўйган онидан то сафар якунига қадар босиб ўтган манзилларини кетма-кетликда келтиради, бу йўлда унга ҳамроҳлик қилган барча-барчани тилга олади. Эсседа бадий ва публицистик услуб қоришиқ ҳолда намоён бўлади. Унда хотиралари баёни етакчилик қилинганлиги боис **хотира-эссе** деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Туркумдаги шеърлар зиёрат йўналиши бўйлаб: «Маккаи мукаррама» ва «Мадинаи мунаввара» номли қисмларга бўлинган бўлиб, у борган ҳар бир манзил ҳақидаги шоирнинг ҳиссиётлари ва ўша жойнинг қандай аҳамиятга

⁹² Воҳидов С. Ҳаж дафтари (эссе ва шеърлар). – Бухоро, 2008. – Б.14.

эгалиги, унинг тарихи ҳақида маълумот беради. Бу кутлуғ даргоҳни илк бора ўз кўзи билан кўрган С.Воҳидовнинг кўнглида кечган ҳисслари, ҳайрати шоир А. Ориповнинг туйғуларига монанд тасвирланган.

Абдулла Ориповда:

Қабрингиз қошида турфа умматлар,
Сувратлар бошқа-ю ўзга Сийратлар,
Ахир хос Инсонга алвон сифатлар,
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,
Ассалому алайка, ё Аҳмад.⁹³

Самандар Воҳидовда:

Арабми, афғонми, ҳиндими, ҳабаш,
Олмонми, хитойми, форсми ё голланд,
Сувратлар айри-ю,
Ниятлар ўхшаш
Аллоҳ каломига юраклар пайванд.⁹⁴

Албатта, бундай даргоҳда инсон миллат, ирқ, насаб, мансаб ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини, аслида ҳам барча Яратганнинг бандалари эканлигини чуқур ҳис қилиниши тайин. Абдулла Орипов айрича сувратдаги инсонларни айта туриб, уларнинг сийратини ҳам айрича кўради. Хўш, шундай муқаддас даргоҳда нега юраклар ягона Аллоҳ учун урмаяпти? Ахир бундан улуғ мақсад бормиди бандага? А.Ориповнинг бу мисраси кишини бироз ўйлантиради, аммо туркумдаги «Аслият», «Ҳожилар», «Ҳаж савоби», «Шайтон» номли шеърларини ўқиш жараёнида, шоир таъкидлаганидек, инсонга хос турфа сифатлар намоён бўлади ва муаллиф фикрларига эътироз қолмайди. А.Ориповнинг бу туркум шеърларидан инсоннинг, инсониятнинг гуноҳлардан тийилиши, дунёвий муҳаббатдан кўнгили узиши нақадар қийин эканлиги англашилади. Шоир инсонийлик матлабидан кўра салбий фазилатлар устун келганлигига амин бўлади. С.Воҳидов эса, турфа инсонларнинг қалбида яқдилликни кўради ва шу ердаги тавозеъни, лутфни бутун очунга кўчишини истайди. Яна бир адабий муштараклик:

Абдулла Ориповда:

Олам уммон бўлса – гирдоби шу жой,
Олам осмон бўлса – меҳвари бунда.
Милярд мартабали жаҳон, ҳойнаҳой

Самандар Воҳидовда:

Умрим бино бўлиб, бунча инсонни –
Бир тўпда жамулжам кўрган эмасман
Аллоҳга аёндир уларнинг сони,

⁹³ Орипов А. Танланган асарлар. IV жилдлик, II жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001. – Б. 184.

⁹⁴ Воҳидов С. Ҳаж дафтари (эссе ва шеърлар). – Бухоро, 2008. – Б.25.

Кемадек қалқади битта тўлқинда.⁹⁵ Шу улкан гирдобда қалқиган хасман.⁹⁶

А.Ориповнинг ўхшатишларида ҳеч бир муболаға йўқлиги С.Воҳидовнинг улкан гирдоб ичра ўзини хас мисоли ҳис қилганлигидан ҳам англаш мумкин. Яратгандан она юртга омонлик сўраш ҳар иккала туркум шеърларининг асосий мавзу маркази саналади. Аслида бу икки туркумнинг бир-биридан фарқли жихатлари талайгина. С.Воҳидов қалбида эргашган Бухоройи Шарифнинг меҳр-у муҳаббатини «*Боласин ортидан юрган онадай*», дея таърифлайди. Шоир зиёрат чоғида ҳар бир манзилда қилган дуоларини, кечинмаларини шеърга солади. Туркумдаги шеърларнинг ҳар бирида, хусусан, «Байтулҳарам остонасидаги ўйлар», «Тавофи Қудум чоғидаги тазарру», «Тавофи Ифода чоғидаги зиёрат», «Арофат тоғидаги дуо», «Муздалифада қилинган дуо», «Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг муборак қабрлари зиёратида», «Уҳуд тоғидаги шаҳидлар зиёратгоҳида» шеърларида ортда қолган Ватани ва ватандошлари учун дуолар қилади: «*Бухорои Шарифдурки, уни Сиз “Фохира» дебсиз, Унинг халқини ҳам ул кун шафеъдан этманг истисно*», дея ёлворади. А.Орипов эса бу жараёнда инсонларнинг ички оламига янада чуқур назар ташлайди, уларнинг турфа қиёфаларини кўради.

Сафар мавзусининг бадиий адабиётга кириб келиши ва муҳим ўрин эгаллаши ўз тарихига эга. «Сафар мавзуи ва йўловчи образи, яхлит уйғунликда исломий маданиятдаги комиллик табиатини нурлантириш баробарида»⁹⁷ С.Воҳидов шеърлятидаги комил шахс концепциясининг муҳим хусусиятларини англашда бизга кўмак беради. Инсон ўз-ўзини, тирикликнинг, бандаликнинг асл моҳиятини тушиниб етиши сафар мавзуи орқали йўловчи зиммасига юкланаётган маънавий-ахлоқий вазифалардан бири бўлиб ўртага чиқади. Шоирнинг ҳар бир шеърда эсиб турган тавба-тазарру шабадалари «*Мусофир бўлмагунча, мусулмол бўлмагайсан*»

⁹⁵ Орипов А. Танланган асарлар. IV жилдлик, II жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 2001. – Б. 187.

⁹⁶ Воҳидов С. Ҳаж дафтари (эссе ва шеърлар). – Бухоро, 2008. – Б.25.

⁹⁷ Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Тошкент: “Фан”, 2007. – Б. 70.

ҳикматини ёдга солади. Қолаверса, руҳий покланиш, гуноҳлардан фориғ бўлиш, тавба қилиш мақсадида қилинган сафар бу жараёни узок куттирмайди. Шу боис «*Бир тасалло излагайман, зил гуноҳлар вазнидан, Минг тазарру бирла пок бўлгаймикан номуслар?*», «*Турибман қалтираб бунда, гуноҳлар тоши остида, Шу тошлардан этиб фориғ руҳим қушини хур айла*», дея ҳар лаҳза ёлворади.

Ушбу икки туркум ҳам Ҳаж зиёратидан сўнг, кўнгилда жўш урган илоҳий туйғулар натижасида яратилган. Юқорида таъкидланганидек, С.Воҳидов туркумлари илк шеърдан сўнгги шеърига қадар композицион яхлитлик ҳосил қилади. «Ҳаж дафтари» туркумидаги ҳар бир шеърлар алоҳида асар сифатида намоён бўлса-да, уларнинг умумий моҳияти муқаддас зиёрат ҳақида мукамал тасаввур пайдо қила олиши билан туркумлилик талабларига мос келади. Шу ўринда айтиш керакки, А.Орипов ва С.Воҳидовлар яратган «Ҳаж дафтари» туркуми қаҳрамонлари бу муаллифларнинг ўзлари ва уларнинг муқаддас жой ҳақидаги кўнгил кечинмаларидир. Ҳар иккала шоир Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунавварадаги улуғ жойлар ва уларнинг тарихи ҳақида ўй суради ва ўзидаги сабр-қаноатни тарозига тортиб кўрадилар. Ўз ибодатларида Ватани ва ватандошлари учун дуолар қиладилар. Улар Ватанининг орзу-умидларини зиммасига юклаган ва унинг учун ибодат қилмоқликни ўзларининг бурчи деб биладилар.

Хулоса қилиб айтганда, кичик шеърини шакллар шоир фалсафий қарашлари ифодасида ўзига хослик касб этган. Саккизликларда образли, диалогли ифода усулларининг устунлиги, тўртликларда жамланган яхлит тугал фикрлар ва уларда инсон тақдиридаги барча ҳодисаларни қамраб олишга уринилганлиги, туркум шеърлар яратишдаги индивидуаллиги (аруз ва бармоқ вазнидаги шеърлар; мухаммас, ғазал, эссе жанрларидан иборатлиги) шоирнинг бадиий савияси нечоғли камол топганлигини кўрсатади.

3.2. Ижодкор услуби ва бадиий маҳорат

Мукаммал композицион қурилиш ҳар қандай бадиий асарнинг мазмунан етуклигини, ҳиссий таъсирчанлигини, ақлий ва ҳиссий англолмада яхлит бир бутунликда қарор топишини таъминлайди. «Композиция (лот. composition – тузиш, бириктириш) – бадиий асар қисмларини яхлит бадиий ният (муайян концепцияни шакллантириш ва ифодалаш, кўзланган ғоявий-эстетик таъсир) ижроси учун энг оптимал ҳолда жойлаштириш, бадиий система (асар)даги унсурларни ўзаро алоқа ва муносабатлари равшан англашиладиган тарзда бутунликка бириктиришдир»⁹⁸. Композициянинг сарлавҳа, эпиграф, ички ва ташқи монолог, диалог, хотира, лирик чекиниш, туш каби унсурлари мавжуд бўлиб, улар ҳар бир ижодкор ижодида турлича намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан эътибор қаратаётганимиз С.Воҳидов ижоди ҳам ўзига хос композициясига эга. Хусусан, танланган сарлавҳалар образлилиги, метафорик-рамзий тавсифга эгалиги билан ўқувчини мулоҳазага ундайди. «Орзу гули», «Япроқлар армони», «Оппоқ туш», «Орзу офтоби», «Умр қарвони» номлари метафорик; «Майсага осилиб сув ичар ари», «Кечиккан йўловчи», «Келарсан солланиб» сарлавҳалари образлилиқ касб этади.

«Сарлавҳа поэтик унсур ҳисобланади... Сарлавҳа шоирнинг шахсий тақдимномасидир. Сарлавҳа йуқлиги – англаш мушкул, тутқич бермас ассоциацияларнинг қуюқлигидан дарак беради»⁹⁹. С.Воҳидовнинг «Қорда қолган гул» [I, 326] номли шеър сарлавҳаси қизил ва оқ ранглар қоришиқлиги, макон ва замон тушунчаларини тасаввурда аниқ намоён этади. Бағри совуқ қорлар билан тўла бўлса-да, ял-ял ёниб турган гул тасвири хаёлни банд қилади. Шу билан бирга шеърятда гул – аёл, ёр, бола, ишқ-муҳаббат тушунчаларини ўзида ифодалайди; қор эса оқлик, поклик билан бирга совуқлик, ёвузлик тушунчаларини ҳам англатади. Қизил рангда ҳаёт,

⁹⁸ Қуроноф Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослиқ луғати. – Тошкент: “Академнашр”, 2013. – Б. 141.

⁹⁹ Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. Филол. фан. докт.дисс. – Самарқанд, 2004. – Б. 151.

тириклик, иссиқ тафт маънолари ҳам бор. Уларни бир-бирига зидловчи жиҳат ҳам шу. Демак, сарлавҳа мазмуни умидлари саробга айланган, эҳтимол, алданган; ёлғизлик, иложсизликка учраган, аммо бардошли қалб қиёфасини пайдо қилмоқда.

Алданган умиднинг шуми инъоми,

Нима бу: ишққа қасд ёки вафоми.

Қор қаҳри хижронда дардми, давоми,

Гулгинам, шу қисмат сенга равоми?

Дастлабки бандданок сарлавҳанинг шеър мазмуни билан боғлиқ эканлиги риторик сўроқларлар орқали англашилади. Беш банддан иборат шеърнинг 2-банди шу қисмат сабабларини излаш, 3-банди эзгу ниятлар тилаш, 4-си гулнинг айни дамдаги ҳолатига ачиниш мазмунида. Ниҳоят, якуний бандда барча «сирлар» *«Айрилсанг шу экан, ҳамроҳ – йулдошдан»* дея ошқор қилинади. *«Гулгинам, шу қисмат сенга равоми?»* риторик сўроғининг ҳар банд охирида такрорланиши шеърнинг мазмунан яхлит бир бутунлигини таъминлаган.

Шоир ижодида креативли, яъни воқеа-ҳодисаларга муаллифнинг муносабати тарзида намоён бўлган сарлавҳалар етакчилик қилади. Масалан, «Шоҳнинг ҳам армони бор», «Сал уялсанг бўларди», «Дунёни чархпалак деганлари рост», «Ҳеч ким устун бўлмас дунёи дунда»... сарлавҳалари шулар жумласидандир.

С.Воҳидов шеърятининг композицион хусусиятларидан яна бири шеърларнинг бир нечта қисмлардан иборатлиги. «Беморхона болишига сўйланган дардлар», «Қиш лавҳалар», «Қалдирғоч ҳақида кўшиқ», «Дехқон оиласининг бир куни», «Армон» шеърлари 3 қисмдан иборат. «Дехқоннинг бир куни» шеъри «Тонг», «Пешин», «Оқшом» номланишдаги 3 қисмдан ташкил топган. Шоир деҳқоннинг ҳолатини куннинг шу 3 қисмидаги меҳнат жараёнида, ўй-хаёллар гирдобида акс эттиради. Баъзан шеър қисмларини номламай, рақамлар билан ҳам ажратади. Бундай шеър қурилиши бир ҳодисанинг турли жиҳатларини алоҳида-алоҳида акс эттириш ва тушуниш

имконини беради. Бу жиҳат С.Воҳидов дostonларига хос композицион хусусиятлардан бири ҳамдир. Муаллиф дostonларни қисмларга ажратар экан, улар орасида композицион бутунликни таъминлаш мақсадида ҳар бир қисм охирида кейинги қисм воқеаларига ишора қилувчи бирор маълумот келтиради. Кейинги қисм эса шу маълумотнинг атрофлича баёни бўлиб, шу асосда воқеалар изчиллиги таъминланади. «Асал бобо» ва «Ҳаловатни ҳалолликдан изладим» дostonлари шу усулда баён қилинганлиги билан умумийлик ҳосил қилади. Хусусан, «Асал бобо» дostonи қаҳрамони ҳаётининг мазмуни, мақсад ва маслаклари, шарафли ўтмиши, қалб манзаралари шу тарзда шоирона маҳорат билан тасвирланади. Асар табиатнинг рангин чизгилари билан бошланади. Воқеалар баённинг бундай кириш билан бошланиши дostonнинг умумий кайфиятини, яхши якун билан боғлиқ тахминни пайдо қилади. Аммо дostonда пейзаж яратиш асосий мақсад қилиб олинмайди, балки асар мазмунидан дарак берувчи восита эканлиги англашилади. Бундай тасвир билан бошланган асар китобхонни кейинги воқеаларни қалбан ҳис этишига қўмаклашади.

«Ҳаловатни ҳалолликдан изладим» дostonи ўн бир қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири учун алоҳида эпиграф қўлланилган. Лекин қисмлар номланмайди. Сарлавҳа вазифаси эпиграфларга юклатилади. Дostonда бадиийлик асосида замонавийлик ва тарихийлик тушунчалари маҳорат билан акс эттирилган. Воқеалар темирчи уста Шокир тилидан баён қилинади. Дostonнинг ўзига хос қурилиши шундаки, муаллиф ўз ҳаётий қаҳрамонини ҳикоячи этиб танлайди ва ҳунармандлар ҳаёти билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий, маиший саз ва носоз даврлар ҳақида унинг ўзидан тинглайди. Асар қурилишига уста Шокирнинг хотираларини киритиш орқали Бухоро ҳунармандларининг шўролар замонидаги аянчли тақдирини, унинг ўзи мисолида эса бугунги саодатманд кунларни темирчилик – «Уста Шариф темирчилик музей-устахонаси» тасвири орқали кенг ижтимоий ҳодисалар гирдобиди бадиий талқин этган.

«Сунбула» достони ҳам ўзига хос композицион қурилишга эга. Достон муқаддима ва алоҳида номланишларига эга ўн етти қисмдан иборат. Ҳар бир қисм бошқаси билан тузилиши жиҳатидан бир бутунликда берилганки, бу асар композициясини яхлит ва мукамаллаштиришга хизмат қилган. Асарда муайян воқеалар тизими мавжуд эмас. Достон қурилиши бошдан-охир қиёслашлар орқали юзага чиққан. Қиёс учун тафаккурда жонланган барча ходисалар Ватан тақдири тушунчаси атрофида бирлашади. Бу қиёслашлар эса ифодаланган манзараларда антетезани вужудга келтирган. Шоир адабий, тарихий, сиёсий, ижтимоий, ҳаётий далил, воқеа-ходиса, ашё ва обидаларни юзлаштириш, қиёс этиш орқали китобхонга айтмоқчи бўлган гапини бадиий бўёқдор ифодалашга ҳаракат қилади. Достоннинг «Дилхун минора» ва «Дилхуш минора» қисмларида Минораи Калон икки хил манзарада талқин қилинади.

«Дилхун минора»

Суврати тик, аммо букик сийрати,
 Тош тишлари аро бўғиқ ҳасрати,
 Шон – шуҳрати армонлардан садпора,
 Эрк уфқиға муштоқ боққан минора...

«Дилхуш минора»

Минора бу тўйга хос даврабоши,
 Етмиш ранг нурларга беланди боши
 Эгнида нур яктак кийган либоси,
 Белбоғи камалак – нурдан жилоси,

«16 феврал, 1999 йил, Тошкент», «1 сентябр, 1999 йил, Бухоро» қисмлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Замонавий достонлар композициясига хос хусусиятлардан бири асарнинг лирик эпикликка асосланганлигидир. С.Воҳидовнинг «Юракнинг қайтиши» достони ана шундай хусусиятга эга. Шоир достонлари композициясида диалог, монолог, туш мотивлари етакчилик қилади ва улар достон сюжетини ҳаракатга келтиради. Хусусан, «Юракнинг қайтиши» ва «Андух» дотонларида туш мотиви асосий ғояни ёритишда муҳим вазифа бажарган. Халқ оғзаки ижодида тушлар қаҳрамонни хавф-хатардан огоҳ этади. Уни тўғри йўлга бошлайди ёки келажагидан башорат қилади. «Юракнинг қайтиши» достонининг икки ўрнида шоир туш эпизодини қўллайди. Бирида лирик қаҳрамон ўзидан аразлаган юрагини учратиб унга

армонларини сўзлайди. Иккинчи ўриндаги туш эса фақат ҳаракатдан иборат: юрак уни гўзал манзилларга, ҳақ йўлга бошлаётган ҳолат. Ҳар иккали дostonдаги тушда икки образни келтирса-да, улардан фақат биригина сўзлайди. Тушдаги монологлар асарнинг асосий мазмун-моҳиятини энг ички сезимлар доирасида ифодалашга хизмат қилган. Бу ўринда ижодкор бадиий мақсадини ёритиш йўлида тўғри танлов қилган, дея айта оламиз. Хусусан, шоир дostonларида Жалолиддин Румий, Усмон Носир, Чўлпон асарларидан мисралар; ҳадислар ва мақоллардан намуналар келтириладики, булар ўз мазмуни билан давр инкор этган улуғ инсоний туйғуларни тараннум этади. Бу эса китобхонни-да «юрак»ка бўлган эҳтиёжини оширади. Дostonда жонлантириш ва ўхшатиш санъатлари етакчилик қилади. Муаллиф ҳеч бир фикрини куруққина қилиб айтиб қўя қолмайди:

Бўғзимда портлайди аламли нидо,
Портлаши муҳаққак кўҳна вулқондай.

Бу лирик қаҳрамоннинг юракни – истиқлолни интиқ бўлиб кутгандаги, унга йиллар давомида тўлиб-тошган дардларини айтишга чоғлангандаги руҳий ҳолати ташбеҳи.

Дoston «Мен» – биринчи шахс тилидан баён қилинади. Лирик қаҳрамоннинг юрак ва ақли бир-бирига мутаносиб бўлмаган ҳаёт ҳақиқатлари баён қилинган ўринлари Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Юрак ва ақл» шеърини ёдга солади. Шеърда шоир юрак измига юришни танлаган бўлса, дoston қаҳрамони ақлнинг изидан эргашади. *«Кўрликнинг ёмони қалб кўрлигидир», Деганлар Пайгамбар алайҳиссалом. Бу Ҳадис устидан чизиқ тортган давр – Бизни гумроҳ қилди, хулласи калом»* дер экан, «ақл» образида назарда тутилган рамзий маъно англашилади. Бу Аллоҳ ва унинг Расулини унуттирган, Бухорий ва Нақшбандлар ҳикматидан айро яшашга мажбур қилган мустамлака сиёсати, унинг йўл-йўриқлари эди. Муаллиф турғунлик йиллари инсонларни маънавий кўрликка етаклаганини, Аллоҳнинг назаргоҳи бўлмиш юракдан айирганлигини ўкинч билан битади. Юракдан воз кечишга – тарихини унутишга, юраксиз яшашга – имонсиз

яшашга мажбур қилган замонни лаънатлайди. Ахир у ҳам юрак билан туғилган эди. Унинг ҳам ақлдан машъала ёққан аждодлари бор эди. Юракда Аллоҳни нақш этиш, имонни юксалтириш, комиллик сари бошлаган Нақшбанду Бухорийлари бор эди. Китобхон булардан беҳабар «юраксиз» умр кечирган юрт тақдири ҳақида ўйлай бошлайди.

С.Воҳидовнинг ҳар бир достони композицион қурилиши жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради. «Андух» достони композициясидаги ўзига хослик шундаки, муаллиф дoston воқеаларини қаҳрамон – ижроқўм раисасининг ёлғизликда ўтган бир тунида жамлайди. Достондаги тасвир анъанавий сюжет талқинидан фойдаланиш усули орқали амалга ошганлигини таъкидланади¹⁰⁰. Достонда бир нечта эпизодик воқеа-ҳодисалар келтирилган бўлиб, асосий эътибор лирик қаҳрамон – раиса образининг руҳий ҳолатини, унинг ҳаёти моҳиятини очиб беришга қаратилган. Муаллиф ҳикоясининг ички монологлар; хотиралар, хаёллар, кечмишлар куршовида ўз-ўзини тафтиш этиш; руҳ билан суҳбатнинг ҳам монолог тарзида баён қилиниши, мадорсиз руҳий ҳолат қобиғидан чиқолмаслик кабилар дoston бадий структурасида етакчилик қилади. Булар С.Воҳидовнинг дoston яратишдаги самарали изланишлари, ютуғи бўлиб юзага чиққан.

Шоирнинг композиция борасидаги ўзига хослиги шеъринг тўпламларидаги шеърларига тартиб беришида ҳам кўринади. Бу жиҳат, айниқса, «Дунё дарсхонадир» тўртликлар туркумининг шаклланишида намоён бўлади. Тўпламдаги тўртликлар мазмун жиҳатидан шундай уюштирилганки, унда дастлаб дунё ишларига ҳайроналик, кўнгил истакларига кулоқ тутиш ва баъзан бундан пушаймонлик, ўз ҳаётини позициясига эга бўлишга интилиш; кейинчалик бўлса, ёшлик ва кексалик муқоясасидаги байтлар, раҳбарлик, шоирлик ҳақидаги ҳаётини кечинмалар, Яратганнинг борлигини таъкидлаш мазмунидаги тўртликлар ўрин олган.

¹⁰⁰ Қувватова Д. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг таракқиёт хусусиятлари. –Тошкент : 2016.

Дунёнинг аччиқ-чучугини татиган лирик қаҳрамоннинг, ниҳоят, қандай руҳий даражага етишганлиги қуйидаги тўртликдан англашилади.

Сиполар наздида бизлар саёқмиз,
Киборлар назадида эгри таёқмиз.
Ўзига хос эрур бизнинг салтанат,
Бошига тож кийган ялангоёқмиз. [2013, 71]

С.Воҳидов ижодига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ҳар бир сўз, жумла борасида чуқур ўй-мулоҳаза юритиши кўзга ташланади. У айтилган сўзни борича қабул қилмоғи учун ҳам чуқур фалсафий мушоҳада юритади. Бу жараён шоир танлаган эпиграфларда яққол кўзга ташланади. Шоирнинг эпиграфларга мурожаат қилиши унинг ўзига хос шеърӣ композицияга эгаллиги ва поэтик услубини намоён қилади. Сарлавҳа остида келтирилган эпиграфларнинг ўзиёқ ўқувчида шеърнинг давомий мазмуни учун бир қадар руҳий тайёргарликни пайдо қила олади. Буни эпиграфга берилган қуйидаги таърифдан ҳам билиш мумкин: «Эпиграф (лотинча) — асарнинг бошида ёки унинг бўлаклари устига қўйилган қимматли фикр. Эпиграф асарнинг асосий ғоясига ишора вазифасини бажаради»¹⁰¹. Эпиграф кичик ишорадан катта ғоя сари етаклайди. Ёки, аксинча, эпиграф мазмунидаги улкан ғоя мисралар аро маъноси очилиб, ўз тасдиғини топади ва муаллиф дунёқараши, руҳиятига дахлдор кичик, аммо муҳим жиҳатга ишора қилади. С.Воҳидовнинг эпиграф кўллаш маҳорати, айниқса, дostonларида яққол намоён бўлади. Эпиграфларни шоирнинг барча дostonларига хос хусусият сифатида эътироф этиш мумкин. Айниқса, «Ҳаловатни ҳалолликдан изладим» дostonи ва «Видо» дoston-марсиясида эпиграфларнинг сони ва салмоғи ошганлигини кўрамиз. Бу иккала дostonнинг ҳар бир қисми алоҳида эпиграф билан бошланади. «Видо» дoston-марсиясида муаллиф марсия бағишлаётган яқини, шоир С.С.Бухорий шеърларини эпиграф қилиб олади. Уларнинг марсия хос чуқур ғам-қайғуда ёзилганлиги кишини ҳайратда қолдиради. Ва марсия бағишланаётган кишининг ҳам ўлим ҳақиқатига тик қарай олганлиги,

¹⁰¹ Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: “O’qituvchi”, 2005. – B. 68.

тириклик нақадар улуғ тортиқ эканлиги ҳақидаги, «Ишинг тирик бўлса – номинг тирикдур» деган ибратли сўзлари ўқувчини бир қадар хушёрликка бошлайди. Вафот этган қаҳрамоннинг абадий айрилиқ ҳақидаги ўз сўзларининг ҳам борлиги марсиянинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган. Қуйида келтирилган эпиграф фикримизни далиллайди:

Рух вужудни тарк этар,
Тупроқ бўлар биз учун тўшак.
Бу дунёни обод этганнинг
Охирати ободдир бешак.

Шу нуқтаи назардан С.Воҳидовнинг танлаган эпиграфлари манбаларини қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

Ҳадислардан келтирилган эпиграфлар. «Ҳаловатни ҳалолликдан изладим» достонида қўлланилган эпиграфлардан бири *«Ҳеч ким ўз қўли билан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган. Оллоҳнинг пайғамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз қўлларининг меҳнати билан тирикчилик қилганлар»* ва *«Ишни яхшилаб ва пухта қилган кишини Аллоҳ яхши кўради»* [Ш, 203, 211] ҳадисларидир. Ҳадис маъносига мувофиқ тарзда ҳунарманд темирчи уста тилидан ҳунарнинг ҳаловати ҳам ҳалолликдадир, деган ғоя илгари сурилади. «Юракнинг қайтиши» достони учун танланган эпиграфлар муаллиф мақсадини, достоннинг асосий ғоясини тўлиқ қамраб олганлиги билан эътиборлидир. Достонда бир эмас, иккита: *«Кўрликнинг ёмони қалб кўрлигидир»*, *«Бошқалар бўлаверади деб, фатво берсалар ҳам ўз қалбингга қараб иш тут»* ҳадислари эпиграф сифатида келтиради. Уларнинг ҳеч бири ортиқчалик қилмайди, аксинча, бир-бирини ва достон ғоясини умумлаштиришга кўмак беради.

Мумтоз адабиёт намуналаридан олинган махсус парчалар. Бу борада шоир Юсуф Хос Ҳожиб, Н.Ганжавий, А.Навоий, Н.Хусрав, П.Маҳмуд, Машраб, Хувайдо, Огаҳий, Нодира каби шоирлар ижодига мурожаат қилади. Жумладан, Огаҳийнинг *«Камол аҳли аро албатта, топгай рутбаи олий, Маоний касбига кимсаким қилди ҳунар ихлос»* байтидан

англашилиб турган мазмун, замон қийинчиликларига енгилмаган, ўз касбига ихлоси баланд инсонларнинг маънавий олами тасвири учун муносиб танланган.

Халқ оғзаки ижоди намуналаридан олинган эпиграфлар. «Қанча жон куйдирдим-у...» (179-II), «Бўзчининг қисмати», «Орзу пиёласи» [III, 86] шеърлари эпиграфлари учун халқ оғзаки ижоди намуналарига мурожаат қилинган. Жумладан, «Орзу пиёласи» шеърда халқ кўшиғидан «*Пиёла дарзига боқсам, Дилим дарзига ўхшайди*» мисралари шоир тафаккурида қайта бадиий кашф этилган. Халқ кўшиғида дилга етказилган озор пиёла дарзи сингари ўчмас из бўлиб қолганлиги айтилса, шоир бу мисралардаги ҳар бир сўзга ўзига хос вазифа юклайди:

Ишқ кўпирган дилга тош отдинг,
Беандиша, беистихола.
Бахт майида тўлар чоғида,
Синди орзу номли пиёла.

Лирик қахрамон қалби орзуларга, ишққа тўла пиёлага қиёсланмоқда. Бироқ бу пиёла – умидвор қалб бахт майи билан тўлар чоғида синмоқда. «Дудоқларга ранги кўчмасдан» май тўкилди. Севгилиси висолдан умидвор ошиқ орзулари армонга айланди. Аммо у бахтли бўлишни истайди. Орзу номли пиёласига бахтдан май қуйиб, ундан сармаст бўлиб яшашни хоҳлайди. Армонга айланган муҳаббат дарди эса бу бахтни кемтик қилиб кўяверади:

Кўп уриндим, қайта ямай, деб,
Ямадим-у май қуйдим...
Аммо,
Дардинг солган дарзлардан сизиб,
Бахтим майи тўкилар ҳамон...

Шоир халқ кўшиғини тинглагач, унинг таъсирида ўз кечинмаларига назар ташлаганми ёки унинг қалбини тилган синиқ парча – армонли муҳаббатнинг бир умр қалбга оғриқ бериб туриши бу мисраларни ёдга солганми? Ҳар қандай ҳолатда ҳам муаллиф халқ кўшиғининг бу икки

мисрасини янги мазмун даражасига олиб чиқа олган. Эпиграфлар билан берилган баъзи шеърларда шеър мазмунидан кўра фақат эпиграфгина ёдга қолади. Ёки аксинча, шеърнинг маъно кучи эпиграфни йўққа чиқаради. Эпиграф ва шеър мазмунан бир-бирини тўлдирсагина, бир-бирига ишора қилиб турсагина бадиий мақсад янада равшанлашган бўлади. С.Воҳидов айна жихатларни кўздан қочирмаганлиги у танлаган ҳар бир эпиграфда намоён бўлиб туради. Бу эса шеър мазмунини теран англашга, хотирада тез ўрнашишига ёрдам беради.

Замондош шоирлар ижодидан парчалар. С.Воҳидовнинг бу турдаги эпиграфларидан унинг замондош шоирлар ижодини ҳам синчиковлик билан кузатиб борганлигини билиш мумкин. Бундай эпиграфлардан шоирнинг улардан таъсирлангани, илҳомлангани ёки ҳаётнинг улар муносиб топган таърифга мос тушмайдиган ўринлари борлигини айтишга уринганини шеърлари мазмунидан яққол англашилиб туради. Бу борада у Э.Воҳидов, А.Орипов, Усмон Азим, Миртемир, Асқад Мухтор, Ҳ.Худойбердиева каби шоирлар ижодига мурожаат қилган. С.Воҳидов уларнинг фикрларини баъзан ўз фалсафаси нуқтайи назаридан шеърга солса, баъзан уларга эргашади. «Болалик билан пинҳон суҳбат» [I, 193] шеърда шоир Э.Воҳидовнинг «*Кеча керак бўлдинг, Болалик чоғим!*» сатрларини эпиграф қилиб танлаган. Шеърни ўқир экансиз, муаллиф билан бирга болаликдаги беғуборликни излай бошлайсиз. Чунки болаликдан кейинги ҳаётнинг «тало-тўп даргоҳ экан»лигини шоир шундай таъсирли жумлаларда тасвирлайдики, ҳатто, болаликдан «*Йўлдан тойганим учун йиғлаб узр сўрайман*», дейди. Рўзғор, тирикчилик ташвиши «*Минбарларда сайроқи беданадай сўзамол*» қилганлигидан, «*Дилни қисган ҳақ сўзни рўй-рост айтолмай*» қолаётганлигидан оғринади. Шоир болаликка қарата «*Оқизоқ қилган нонин тенг бўлишиб...*» еган беғубор болаларга «*Олтин хислатларингни қалбига мангу юқтир*», дея ёлворади.

Унинг “Карвон” [I, 134] номли шеърида А. Ориповнинг «...*Лекин алам қилар, бир умр гирён, Итлар орасидан ўтса карвонинг*» деган ўткир фалсафасини кенгрок мушоҳада этилади:

Карвон кўнғироғи олам оромин –

Бузса,

Ундами айб,

Ундами гуноҳ?

Бу садо жонталаш саҳронинг жонин –

Қайтариб,

Умиддан айлағай огоҳ.

Карвон – олий мақсад сари тайин манзилни кўзлаган инсон. Кўнғирок эса шу йўловчининг йўл юрган сари – ҳаракат қилгани сари қўлга киритаётган ўлжалари - эришаётган ютуқлари садоси. Унинг садоси саҳрога – орзулар рўёбидан умиди сўнган кишиларга умид беради, уларни ҳам манзил томон чорлайди. Итлар-чи? Итлар...

Ўлик сукунатдан тилайди имдод,

Хавф сезар карвоннинг кўнғироғида.

Итлар – ҳасадгўй кимсалар, оёғингдан қошиб йиқитишга тайёр нокаслар. Улар ўз тинчини йўқотмаслик учун ҳар қандай разилликка тайёр. Бироқ шоирнинг таъкидламоқчи бўлганлари булар эмас. Шеърнинг сўнги сатрларида умр карвони итлар орасидан гирён ўтаётган Абдулла Ориповга ҳамдард сатрлар битади.

Ажаб мўжизаки, оқнинг оқлиги –

Сезилмас қорага қамти турмаса,

Карвон карвонлиги билинмас, токи –

Итлигин билдириб итлар ҳурмаса.

Жаҳон адабиёти вакиллари ижодидан келтирилган эпиграфлар. «Лабиховуз... Чоллар гурунги», «Ёмғирга илтижо» каби шеърлари ва “Андух” достонида қўлланилган эпиграфларни шу гуруҳга китириш мумкин.

«Лабиховуз... Чоллар гурунги» [Ш,21] шеърда эпиграф сифатида танланган рус шоири Николай Рубцовнинг «*Менга зарра алам қилмас шоҳлар тожи топталгани, Оқ черковлар бузилгани алам қилар, алам қилар*» сатрлари ўзининг соддалиги ва таъсирчанлиги билан ахамиятлидир. Шеърда шоир Бухоронинг бугуни ва ўтмишини чоллар суҳбати орқали кўрсатиб беради. Ўтмишдан, кечмишдан бохабар чолларнинг кўрган-билганлари ҳақидаги сўзлари ҳар бир инсонни тарихга назар солишга мажбур этади. . Шоир суҳбатдош чолларни афсус ва аламли ўй-хаёллар қамраб олган ҳолатда тасвирлайди. Тарихдаги йўқотишлар изтиробни сабаб ўртага қўйилган чой ва обиновот ҳам чолларнинг кўзига кўринмай қолади. Бири қўйиб бири ўтмишдан сўзлай кетади. Чоллар Девонбеги мадрасаси ва Мағоки аттор масжидининг ҳам Мустақиллик шарофати ила қайта тикланаётганлидан хурсанд, аммо уларни қайғуга чўндираётган нарса нима?

Доруломон бўларкан-ку, ҳай, аттанг, аттанг,

Қанча боқий обидалар топди-да завол,

Қасд олмоққа лойиқмиди бинолар, қаранг.

Шу ўринда эпиграфда назарда тутилган мазмун юзага чиқади. Яъни шоир масжиду мадрасаларнинг меморий гўзаллиги йўқотилганидан эмас, аслида уларга қўшиб халқнинг иймон-эътиқодига ҳам зарба берилганлигидан аламда.

Изоҳли эпиграфлар (шеър мазмунига муаллифнинг насрий изоҳлари). «Ҳожи Муҳаммад Рафиқ армони» (37-II), «Номаълум деманг уни», «Дарё эди...», «Бузилаётган қабристон билан видолашув» (155-II), «Ўрмон сувчига “тасалли», (181-II), «Халта йиғар болалар...», «Темурбек авлодлари» (285-II), «Чориқулбой сабоғи» шеърлари муаллифнинг насрий изоҳлари билан боғлиқ мазмун касб этади. Илмий манбаларда эпиграфнинг «...одатда, эътиборли манбалардан (халқ ижоди, машҳур кишиларнинг пурҳикмат сўзлари ва ш.к.) олинган кўчирма ситатанинг бир кўриниши»¹⁰² эканлиги айтилади. Шу билан

¹⁰² Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Академнашр”, 2013. – Б.366.

бирга «... эпитаф ўзининг афористик мазмуни билан асар мазмунини очиб берар» экан, гарчи афористик рух устунлик қилмаса-да, С.Воҳидовнинг кўплаб шеърларида келтирилган ўз сўзларини ҳам эпитаф сифатида қабул қилиш ўринлидир. Чунки уларсиз шеърнинг асосий мазмун-моҳияти тўлиқ намоён бўлмайди. Шу сабаб биз уларни шартли равишда **изоҳли эпитафлар** деб атадик. «Ҳайдар ака билан суҳбат» шеърида «Вобкентлик уста пахтакор Ҳайдар Ниёзов билан кўп суҳбатлашганман. Бу самимий инсон суҳбатларида деҳқоннинг камтарин, айна пайтда, улуғвор қалби ўзини яққол намоён этиб туради», дея изоҳ қолдиради муаллиф ва шеърида ўзининг шу фикрларини исботлашга киришади. Бу каби изоҳларда С.Воҳидовнинг публицист сифатидаги қарашлари кўпроқ намоён бўлади. Шоир журналистик нуқтаи назаридан мавжуд воқеликка, мавзуга ўз муносабатини билдириб ўтади. «Бири аллома шоҳ-у бири авлиё шоир» [Ш,163] номли шеърида келтирилган изоҳли эпитафда ҳам шу жиҳатни кўришимиз мумкин. «Бухорода бир пайтнинг ўзида икки буюк замондош Хожа Исмаил Бухорий ва Мирзо Улуғбек боғлари нинг барпо этилиши олти аср олдин бошланган шоир билан олим мулоқотининг боқийлиги рамзидир» дея таъкидлаб ўтади муаллиф. Ва ўз маълумотини тарихий ҳақиқатлар орқали далиллашга киришади. Шеър сарлавҳасидан сўнг унда ифодаланаётган мавзунинг ёзилиш сабабларини, айнан нималар уни ёзишга мажбур қилганлигини атрофлича баён қилади. Муаллифнинг бундай изоҳларисиз шеър мазмуни тўлиқ англашилмай қолади. Аммо барча изоҳлар ҳақида ҳам бундай деб бўлмайди. Масалан, «Бузилаётган қабристон билан видолашув» шеърида «Шаҳарнинг ...кўчасидаги турар жойлар орасида қолган ташландиқ қабристонни бузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Марҳумларнинг қариндошларига жасадларни бошқа қабристонга кўчиришга рухсат берилди» мазмунидаги газетадан олинган хабардан парча келтирилади. Шеър умумий мазмунидан ҳам худди шу маъно англашилади. Бунда муаллифнинг аждодлар руҳи олдида кучли масъулиятлилиқ ҳиссини туйганлиги англашилади. Албатта, аждодлар хоқини асрашда ўзини бурчли деб билган шоир ушбу ҳодисадан чуқур қайғу

туяди ва буни кучли изтироб билан битади. Шунга карамай, айтиш жоизки, шеър номининг ўзиёқ мазмун англашилиши учун етарли бўлган.

Баъзан шоир бир шеъри учун бир нечта эпиграфни бирваракайига келтиради. Бундан шеърда илгари сурилаётган ғоянинг муаллиф учун ўта муҳим, деган хулоса пайдо бўлади. «Эзгулик туғи» [Ш, 68] шеърда шоир бир-бирини тўлдирувчи учта эпиграф келтиради. Ушбу шеърнинг ёзилиши учун ҳам «Радио хабаридан» эпиграф сифатида келтирилган дастлабки «Алишер Навоий» кемаси Венгриянинг алоқа воситаси ишдан чиққан «Шандор Петёфи» кемасига ёрдамга келиб, уни сарсонликдан халос этди» маълумоти сабаб бўлган бўлса, эҳтимол. Кейинги ўринда Навоий лирикасининг асосий мавзуси бўлмиш «Одамий эрсанг, демагил одами, Оники, йўқ, халқ ғамидин ғами» байти, сўнг эса, венгриялик ватанпарвар шоир Шандор Петёфининг «Агарда ҳақиқий шоир бўлсанг сен, Халқ билан бирга кеч ўту сув келса» мисралари келтирилади. Шоир Алишер Навоий номли кема Шандор Петёфи номли кемани ҳалокатдан асраб қолганлигида бошқа бир маънони кўради: беш ярим асрдирки, Навоий одамийлик, эзгулик туғини маҳкам тутган. Ш.Петёфи таърифлаган ҳақиқий шоирга муносиб ишни ҳамон амалда кўрсатмоқда. Шеър матни мутолаасидан сўнг яна бир бор эпиграфларни кўздан кечирсак, муаллифнинг ҳақиқий воқеяликка рағбатий маъно берганлигини ва бундан фахр, ифтихор ҳисси туйганлигини сезамиз:

Қоқилиб йиқилгач ногоҳ неvara,
Турғизиб, тасалло бергандек бобо.

Ҳақиқатан ҳам, шоир айтмоқчи бўлганидек, замонлар оша «*Минг бир эврилса-да олам-у одам*», Навоий бобомиз асарларида инсоният учун қиммати асло йўқолмайдиган азалий ва абадий фазилатлар ҳақида сўз борганлиги ҳар бир даврда ўз исботини топмоқда.

С.Воҳидов ижодига хос композицион қурилиш шуни кўрсатадики, улар муаллиф нуқтаи назарини акс эттиришда, бадиий мақсаднинг юзага чиқишида самарали хизмат қилган.

3.3. Самандар Воҳидов шеърятининг тил хусусиятлари

Поэтика умумий (ёки назарий, матннинг товуш, сўз ва образли қурилиши), хусусий (аниқ бир адабий асарни ўрганишга қаратилган) ва тарихий (турли халқлар адабиётидаги шеърый методлар эволюциясини ўрганувчи) каби турларга бўлинади. Тор маънода: яхлит тизим, бадиий воситалар мажмуи (композиция, сюжет, тил ва услуб...) нинг муаллиф нияти ёки жанр талаби билан асарда намоён бўлиши, миллий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади¹⁰³. Шу жиҳатдан, С.Воҳидов ижодининг тил хусусиятларини, унинг сўзга муноасбатини текшириш, уларни шоир услубини намоён қилишдаги аҳамиятини ўрганиш муҳим вазифа саналади. Унинг шеърларида бир қарашда оддий маънога эгадек кўринган сўзлар руҳий, ижтимоий-фалсафий мазмун ифодалайди. Сўзлар ва улар англатган маънодан, бажарадиган вазифасидан ўз руҳий эврилишлари сари гўзал кўчимлар ярата олади. Шоирнинг сўзга бўлган муносабати ўта жиддий. У тилимиздаги сўзларнинг ижтимоий аҳамияти, мазмундаги салмоғини – вазнини ўлчашга уринади. У «Машҳурлик» [IV, 84] шеърда айни сўзнинг кеча ва бугунги кундаги кадрини, даражасини очиқ беришга ҳаракат қилади:

Бунча ғариблашдинг, эй «МАШҲУР» сўзи,
Қўл етмас ҲУР эдинг,
Риёсиз орзу.

Бир пайтлар машҳур бўлиш учун узоқ йиллар меҳнат талаб этилишини, бугун эса, «Саҳнага чиққаннинг ўндан тўққизи, Сени ёпиштирар ўзига ўзи» дея сўзнинг моҳиятдан узоқлаша борганлигини ўкинч билан битади. С.Воҳидовнинг бу шеъри Мақсуд Шайхзоданинг «Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг» сатрларини ёдга солади. Демак, шоир таъкидлашича, мулоқотдаги ҳар бир сўз жамиятда ўзини оқлаши керак, ўз мазмун-моҳиятига муносиб ҳаракат йўлини босиб ўтиши керак. Шоир яна бир шеърда «самимият» сўзининг мазмунини англашга уринади. «Самимият» туйғусини болалиқда ва бугун кўз олдида турган ҳаётда қандай моҳият даражасида

¹⁰³ Белокурова С.П. Словарь литературоведческих терминов. –Санк-Петербург: “Паритет”, 2006. –С. 132.

эканлиги ҳақида ўйлайди. «Самимият» сўзини билмасдик болаликда, Аммо, самимий эдик йиғласак ҳам, кулсак ҳам», дея беғубор болалик ҳисларини бугунги кундаги «Биров кулиб сўрашса – фикримиз пароканда: «Кулгисида тинҳона эмасми, деб, бир илинж» сингари ҳолатлар билан таққослайди. Шоир инсон фитратида мавжуд кибр-у хаво, тилёғламалик, бойлик ва мансабга ўчлик кабиларни «самимият» сўзига қарши қўяди. Болаликдан то улғайгунгача бўлган даврда самимийликнинг емирилиб боришини ҳаётини мисоллар билан кўрсатиб беради. Аммо тилда яна шундай сўз ва жумлалар борки, уларнинг вақти – умри борлигини С.Воҳидов бир шеърда дард билан тилга олади:

«Онам омонмилар?
Отам бардамми?»
Саломдан кейин-у алиқдан аввал,
Шу сўзлар сўровга эди сарлавҳа ,
Уни тилимиздан юлди шум ажал... [I, 200]

Шеърда «юлмоқ» сўзи ўрнида «олмоқ» сўзи қўлланилганда ажалнинг кутилмаганда келиши англашилмаган бўлар эди. «Юлмоқ» сўзи «олмоқ» сўзига қараганда кучли маъно билдира олган, шу билан бирга ёмон ва машъум тасодиф содир бўлганлигини англашиб турибди.

С.Воҳидов ўз фикрларини шеърини тизимга солиш чоғида баъзан янги сўзлар ҳам ҳосил қилганлигини кузатамиз. Бундай ясама сўзлар одатий янги сўзлардан фарқ қилади. Ўқилгандаёқ муаллиф туйғулари ифодаси учун яратилганлигини билиш мумкин. «Рухсизларга **рухбардор** эди», «**Сўзбозларнинг** моҳирларидан», «Ўзбекистон номли юртни «**Равнақистон**» билди дунё», «**Шўртоқ-шўристондан** фарқи йўқ» , «Кўпиради, **гулзорланиб** соҳили», «Тўлқинлари **мехрпардоз** дарё оқиб келмоқда» каби мисраларда шоир кўнглидан яралган сўзларни ўқишимиз мумкин. Бу сўзларни шеърнинг умумий мазмунига мос тушганлиги эса ҳеч бир истисносиз қабул қилишимизга сабаб бўлади. Уларда муаллиф ўз тушунчаларини юзага чиқарувчи сўзларни яратади : «Боқмади, бировлар каби хомтама, **Ҳаромкор**

қўллардан тилаб садақа», «Кечирмоқ келмади, лекин қўлидан, Авлиё бўлса хам - тилбузарларни». Шоир шеъриятида сўзлар туйғулар измида бўлса-да, муаллиф сўзларни қийнамайди. Гўё уларга янги либос кийдиради. Унинг Ватанга бўлган мухаббати одатий сўзларга сиғмайди. Шоирнинг ҳислари мавжуд сўзлардан қониқмайди:

«Ўтмишнома»,

«Бугуннома»га

Пайваст бўлсин «Истиқболнома».

Халқим айтган шод шукронага

Ҳамоҳанг бу – «Истиқлолнома» [IV, 50].

Шоир шеърларининг тил бадиияти бетакрор сифатлашларида хам намоён бўлади. Беморнинг кўнглини кўтариш мақсадида у билан қилинган мароқли суҳбат жараёнидаги кулгу номини унинг шеъриятидан топамиз: «*Таскинбахш кулгусидан олган каби руҳ*», «*Яна ўша фарахбахш кулгу, Кулгу эмас, жарангдор ёзду. Бемадор танимга қўшади мадор, (Ҳа, дунёда мадорбахш кулгулар ҳам бор)*» [IV, 112].

Ҳар бир ижодкор ўз асарларида ўзи яшаган ҳудуд тилини ҳам намоён этади. Ёзилаётган бадиий ижод намунаси учун энг гўзал, энг равон ва тушунарли бўлган сўзлар танланиши жуда муҳим. Бироқ ўзбек тили шеваларга бой тил саналади. Шу нуқтаи назардан адабий тилда ифода этилаётган ҳар қандай бадиий асар бу сифатдан холи бўла олмайди. Айни масала лирик асарларда ҳам кўзга ташланади. Бухоро ҳудуди сўзлашувчиларининг тилида форс-тожик тилига мансуб кўплаб сўзлар мавжудки, бу ҳудуд ижодкорлари айни жиҳатларни асло четлаб ўтишлари мумкин эмас:

Гулханнинг гирдида кўр олар гурунг,

Гулхан гурросидан титрар теваарак.

«Табиат шайдоси» санаб ўзларин,

Бир тўда ширакайф қилар «гапбарак».

Шоирнинг «Дарахт остидагилар»¹⁰⁴ номли ушбу шеъридаги «гулхан», «гирд», «гурунг», «ширакайф» сўзлари ўзбек адабий тилига қабул қилинган бўлса-да, асл форсча сўзлардир. Бухоро худудида эса, айниқса, унинг марказида сўзлашувда форс-тожик тили етакчилик қилади. «Гапбарак» сўзи эса айнан шу ҳудуд шеvasига мансуб бўлиб, беҳуда гаплашиш, муҳим бўлмаган нарсалар ҳақида шунчаки суҳбатлашиш маъносини беради. Шоир ширакайф кишилардан тайинли гап чиқмаслиги мантиғидан келиб чиққан ҳолда айнан шу сўзни қўллаган. Банддаги «г» товушининг алоҳида жарангги ва унинг бошқа сўзлар билан уйғунлашуви шеърнинг ўзига хос оҳангини пайдо қилган. «Бир тўда» жумласининг қўлланилиши эса жам бўлиб турган кишиларга нисбатан салбий маъно ифодаламоқда.

С.Воҳидов Бухоро худуди тили имкониятларидан ўринли фойдаланиб, кенгроқ маъноларни етказишга ҳаракат қилади. «*Ҳамма сарбаланд-у танҳо мен сархам*» мисрасида ёрга етиша олмаган ошиқ кўнгилнинг ҳолати тасвирланмоқда. Сарбаланд ва сархам сўзлари форс-тожик тилидаги сўз бўлиб, улар аслида қўшма сўз саналади. Яъни, сар – бош, баланд – юқори, хам – эгик маъноларини беради. Аммо улар ўзбек тилида бир асосли сўз ҳисобланади. Баҳор келиб ҳамма нарса сарбаланд – кўкка бўй чўзаётган бўлса-да, ошиқ сархам – боши эгик. Муҳаббати қайтмаган баҳорлар ҳам унга татимайди. «Туйғуларни қитиқлаб, **Форам** насим еларди» мисрасидаги «форам» сўзи ҳатто шу ҳудуддагиларнинг ҳам барчаси учун бугунги кунда тушунарли эмас. Бу сўз Бухородаги тожик тилидан беҳабар ўзбек тилида сўзлашувчилар тилида ҳам фаол қўлланилган. Аммо бугунги кунда «форам» сўзи эмас, балки «илиқ» сўзи фаоллашган. Шоир кўплаб шеърларида «илиқ» сўзини эмас, «форам» сўзини қўллайди. («*Деразамдан кирди форам бир насим, Бир майин қўл каби силади юзим*»). Сўзлар муаллифнинг ўз киндик қони тўкилган замин тилида жаранг сочар экан, бу орқали шоир шу ернинг инсонлари билан янада самимий муносабатда бўлади. Бир қарашда С.Воҳидов бадий тафаккурида жонли халқ тили етакчи ўринда эмасдек.

¹⁰⁴ Воҳидов С. Дунё кам битмагай. Сайланма. VI жилд. – Бухоро. 2014. – Б. 11.

Аммо у бундай бирликлардан ўринли фойдаланадики, улар у даражада кўзга ташланмайди. (Аҳад ака кетай деса, олди осилиб, – Шогирдлари – шофирконлик **«шоирбача»лар»**). Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар бир ижодкор ўз ижодида ўзи яшаган ва яшаб турган ҳудуднинг жонли тилига тегишли бўлган тил бирликларини у ёки бу даражада, албатта, қўллайди. Аҳамиятлиси, тожик тилига мансуб жумлалар шоир бадий мақсади йўлида ўринли қўлланилади. Масалан, «Болалик **бедорхоб** ёбонда қолди», «Ўнмас, юзмас, **ҳазор-ҳазор** қайтмоқда», «**Ба нияти шифо**» дея Суртди бемор белига», «Диван **рўйпўшини** йиғмай чўзилди», «Баҳорда **боз** қаддим кўтарсам» каби.

Пиримкул Қодиров: «Чиндан ҳам, ҳар бир тилнинг бетакрор сўзлари, атамалари шу тилни яратган халқнинг ҳаёт тарзини, турмуш шароитларини, психологиясини ифода этиш эҳтиёжидан туғилади»¹⁰⁵, – деб таъкидлайди. Демак, ҳар бир сўз санъати намунаси ўзи яратилган муҳит ҳароратини англадиб туради. С.Воҳидов шеърларида ҳам Бухороликларга хос характер хусусиятлари акс этиб турадиган ўринлар талайгина. Қолаверса, бу бирикмалар халқ поэтик нутқида топилади ҳам. С.Воҳидов тилимиздаги паремиологик бирликлардан ҳам ўринли фойдаланади. Шоир халқ тилида оммалашган бирликларни – мақоллар (ижодида **«Олган-олганники»**, **«Ноумид шайтон»**, **«Меҳр кўзда»**, **«Тегирмон навбати ила»**), дуолар (**«Қўлинг дард кўрмасин»**), олқишлар (**«Худо берсин хайрингни»**), қасамлар (**«Ўлай агар** кутмасам»), қарғишлар, иборалар (**«Ойдан тушган»**)ни маҳорат билан қўллайдики, унинг бу борадаги услубий ўзига хосликлари ҳақида фикр юритиш муҳимдир. Яна шуниси ҳам борки, шоир уларнинг англаган маънолардан доим ҳам қониқиш туймайди. Шу боис уларни ўз поэтик тафаккурига мос ҳолда қўллайди. Хусусан, «бошингни есин» қарғишини **«Меҳринг есин бошингни»** дея, қарғиш шаклидаги олқиш кўринишини олади.

¹⁰⁵ Қодиров П. Тил ва эл. Илмий бадиа. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2005. – Б. 6.

Шоир ижодининг асосий ғояларидан бири - «Бахт - ҳалолликда», деган тушунчадир. Шоир қийинчиликка дучор бўлган ҳалол инсонлар тақдири учун қуюнади:

«Қўлинг дард кўрмасин» деган дуони,
Менинг манглайимга нақш этар дамда,
Қисмар саркотиби, қилиб хатоми,
«Қўлинг зар кўрмасин»... ёзган чамамда. [I, 202]

Ушбу шеърнинг моҳиятини тўла англашга ёрдам берувчи қисм унинг номидир. Шеър «Дехқоннинг гумони» деб номланади. Тун-у кун тинимсиз меҳнат қилган, аммо бири икки бўлмаган деҳқоннинг ҳафсаласи пир бўлган ҳолда улкан даласига-ю қадоқ қўлларига хайрон термулиб турган қиёфаси киши кўз олдида гавдаланади. Унга қилинган дуо, наҳотки, қарғиш бўлса. Муаллиф дуоларни қарғишга, қарғишни эса дуога стилизация қилиш орқали ўз фикрларини энг муҳим нуқтага етказди. Аммо қанчалик дили оғриган бўлмасин қарғишдан ўзини тияди:

Душманимга қарғишим содда,
Бор захримни зарга ўрайман:
«Дўстингдан топ» дея қарғайман. [II, 34]

Халқ ҳикматлари С.Воҳидов поэтик ифодасида ўзининг янгича маъно қирраларини намоён қилади. Уларнинг халқ тушунчасидан ташқари яна бир кучли мазмуни кашф этилади. Шоир халқ мақолларидан ҳам ўз бадий мақсади йўлида унумли фойдалана олган. Агар мақоллар айнан келтирилса, муаллиф фикрлари ифодаси ҳам вазн, қофия жиҳатлари мақол билан мутаносиблик ҳосил қилади:

«От айланиб – айланиб,
Қозиғига қайтади»...
Тутқунликни туймаган,
Шундай пичинг отади. [I, 257]

«Қозикдаги от ўкинчи» номли ушбу шеърнинг оҳанги ҳам халқ дostonлари оҳангига ҳамоҳанг. Мақолдан сўнг келтирилган уч нуқта

муаллифнинг «Ростдан ҳам, от айланиб-айланиб, қозиғига қайтиб келармикан», деган гумонини англатади. Шоир инсоннинг руҳи мудом эрка ташна бўлишини ва ҳеч ким ҳеч қачон тутқунликни қўмсаслигини билади. Бу ҳикматни қозиқ зарбини тўймаганнинг чўпчагига ўхшатади.

Мақоллар халқ маънавиятининг етуклик даражаси нишонаси экан, уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам беқиёсдир. Шоир халқ нақлини айнан келтиради ва яхшиликнинг кулгига қолганлигини, кадр топмаганлигини кинояли тарзда шундай ёзади:

«Яхшилик қил, дарёга от,
Билар балиқ ё Холик».
Раҳм қилиб сувга отсак,
«Меров» деб кулди балиқ. [I, 249]

«70-80-йиллар ўзбек шеърлятида юзага келган оддий фольклоризмларнинг айрича жиҳатларидан бири шуки, у ружуъ санъати билан ёнма-ён келтирилиб, гўё мақолнинг маъноси инкор қилинади ва шу орқали ифодаланаётган мазмун янада бойитилади»¹⁰⁶. Айни жиҳат С.Воҳидов шеърларида қўлланилган оддий фольклоризмлар хусусиятини ҳам изоҳламоқда. Шоир шеърларида мақоллар баъзан асосий мазмунни бойитишга хизмат қилса, баъзан уларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги чуқур мулоҳазалар шеърнинг асосини ташкил қилади:

«Эр-у хотин қўш ҳўкиз»
Ўргилдим мақолидан.
Топсам шуни айтганни
Осардим соқолидан [I, 257].

Шоир халқ мақолларига мурожаат қилар экан, уларни ўз ҳаётий тушунчаларига мувофиқ келмаётганлигини-да инкор этиб ўтирмайди. Гарчи мақолларда халқнинг неча минг йиллик ҳаёт тажрибалари жамланган, умуммиллий қадриятлар акс эттирилган бўлса-да, муаллиф уларни бугунги

¹⁰⁶ Шарипова Л. «XX асрнинг 70-80 йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризм» Монография. – Тошкент: «Фан», 2011. – Б. 47.

кун нуқтаи назаридан таҳлил этади. Бунда шоирнинг кинояли тарзда сатирик кулгини юзага чиқаришдаги тил хусусияти намоён бўлган. Интерматн сифатида танланган мақолни муаллиф ифода йўсинига бўйсундирилган ҳолларни ҳам учратамизки, бунда мақоллар шаклан ўзгарган ҳолда ифодаланса-да, асл шакл ва маъносини эсга солиб тураверади. Масалан, «Ҳайф» номли шеърида «Мақтанма ғоз, хунаринг оз» мақоли куйидагича қўлланилади:

Гердайса ҳам беҳунар ғоз,

Лочин каби қилмас парвоз

С.Воҳидов шеърлари халқона жумлаларга бойлиги билан ҳам эътиборни тортади. Шоир кўп ҳолларда ортиқча тасвир воситаларини қўллаб ўтирмайди. Оддий сўзлашувдаги бирликларни ўз ҳолича қўллайверади. Бу эса шеърий матндаги мазмуннинг тез ва осон ўзлаштирилишини таъминлайди. Шеърий матнларда **«Ўлай агар кутмасам», «Ўралашманг оёқ остига», «Буларга минг айтганинг бир пул», «Бало уриб», бошлайди тагин», «Ҳар ковакка сукмайсиз тумчук», «Пул бўлмаса кармонда, қоласиз-эй армонда», «Кўрмайин ҳам куймайин»** сингари жайдари сўз бирикмалари орқали табиий ифодага эришилган бўлса, яна бир жиҳати шуки, ҳаёт фақат кўнгил олаמידан иборат эмаслигини ҳам ёдга солиб туради. Бундай ифодаларни кўпинча шоирнинг ҳаётий воқеаларни поэтик тасвирлаш жараёнидаги шеърларида учратамиз. Шу сабаб ўқувчи уларни ҳеч бир эришсиз ўқийди. Уларни сийқаси чиққан гаплар деб эмас, кўз ўнгидаги инсонлар қиёфаси-ю уларнинг гап-сўзларини яна бир бор тинглагандек бўлади.

«Қариб қуюлмаган» ибораси сўзлашувда тез-тез ишлатилади ва асосан, катта ёшли кишиларнинг ёшига муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатларига нисбатан айтилади. С.Воҳидов эса бу бирликни дунёга ва унинг неча замонлардирки, ўз мезонини топмаган ноҳақ, тушунарсиз ишларига нисбатан қўллайди. Шу сабаб *«Қариб қуюлмаган» бу дунё ажаб, Қилигидан ўхшар ҳамон гўдакка»,* – дейди.

С.Воҳидов шеърлятида зўрма-зўракилик кузатилмайди. У фикрлари ва хисларини сўзларга мослашга уриниб ўтирмайди, аксинча, сўзлар туйғулар учун хизмат қилади. Шоир туйғулари ифодаси учун ўзни бир қадар эркин туттади:

Хар қайғунинг қапталида қувонч қайд,
Омон бориб, омон яшаб, омон қайт... [IV, 20]

Сўзлашув услубига хос бўлган «қапталида» сўзи «қайғу», «қувонч», «қайд» ва «қайт» сўзларидаги «қ» товуши билан фонетик ҳамоханглик ҳосил қила олганлиги, шу билан бирга қайғу ва қувонч сўзларининг ўзаро зидлиги «қапталида» сўзининг ҳам тушунарли бўлишини таъминлаган. «Омон» сўзининг такрори эса ниятнинг эзгулик даражасини бир қадар юқорига олиб чиқа олган.

С.Воҳидов шеърларида бир сўзни қайта-қайта такрор қўллашдан қочади. Шунинг учун бундай қайтариқлар у даражада кўзга ташланмайди. Аммо шоирнинг санокли такрорлари ҳам гўзал.

Кўхна шаҳардаги
кўхна кўчанинг
Кўхна ҳовлисида яшаб ўтди У.
Даврон мажруҳ этган тилнинг йўлига,
Умридан пояндоз тўшаб ўтди У. [I, 214]

Устози, профессор М.Мирзаевга бағишланган шеър шундай мисралар билан бошланади. Дастлабки сатрлардаги такрорларнинг ўзиёқ унда назарда тутилган инсоннинг табиатидан, эътиқодидан, ҳаётий тамойилларидан бир қадар хабар бера олади. Шоир *эски, қадимий* сўзларини маънодош сифатида қўллашдан кўра «кўхна» сўзини такрорлайди. Ва бу сўз ҳақиқатан ҳам шаҳар, кўча, ҳовлининг эски, қадимий бўлиши билан бирга ҳамон ўз кадр-қимматини, файз-у тароватини йўқотмаганлигини; унда яшовчи кишининг эса ҳаётий мақсадлари моддиятга боғлиқ эмаслигини англатади.

«С.Воҳидов шеърляти Бухорода тоши оғир шеърят ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб шеърлар читтакдек енгил эмас, қалдирғочдек ороли,

иболи. Гинаси ҳам, Афсуси ҳам оху нидоси ҳам жамалакдек узун бўлса-да, бегона кўздан қимтиниб сўзлайди, ёмондан ҳазар қилади, ҳалол лукма излайди»¹⁰⁷. Ҳақиқатан ҳам, С.Воҳидов ўз ҳисларини узоқ мушоҳада этгачгина қоғоз қоралаши унинг ҳар бир сатрида сезилиб туради. Ифода, изҳор учун танланган ҳар бир сўз шоир шеърятининг қиммати ошиши учунгина хизмат қилган. Бир қарашда содда, аммо ўта мураккаб бадиий топилмалар, бетакрор тасвирлар туфайли кўплаб шеърларини бир маротабагина ўқиш орқали асл моҳиятини англаш мушкул. Шундай бўлса-да, киши уни қайта ўқишдан оғринмайди.

Шеърый матнда мавжуд бўлган ҳар бир товуш, ҳар бир тиниш белгининг ўз поэтик вазифаси мавжуд. Улар шеърнинг ритмик тузилишини таъминлаш билан бирга, бадиий фикр ифодасида, эстетик таъсирчанликни таъминлаш, муаллиф мақсадини ёрқинроқ ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. С.Воҳидов шеърларида ана шундай муҳим вазифани бажарувчи тиниш белги қавслардир. Шоир улардан ўз киритмаларини ифодалаш йўлида фойдаланади. Тилимиздаги киритмалар ёки кириш бўлақлар деб номланувчи бирликлар катта услубий, экспрессив – эмоционал вазифани бажариб келади. Улар ифодали, таъсирчан нутқни намоён қилиш билан бирга, унинг экспрессивлигини ҳам таъминлайди. С.Воҳидов шеърларини дилга яқин қилган жиҳатлардан бири ҳам поэтик фикрнинг субъектив нуқтаси киритма гап кўринишида тақдим этилганлигидир. Яъни муаллиф ўзи баён қилган фикрга қўшимча мулоҳаза билдиради. Ва бундай фикрлар киритма гаплар ифодасига хос бўлган қавсларда берилади:

Гувоҳи бўлганман бунинг кўп карра:

(Гарчандки, беш бармоқ баробар эмас).

Бир киши омаддан қолса бебахра

Минглаб омадлига яшар қасдма-қасд. [IV, 21]

Шоир лирик қаҳрамони «Борлиққа тенг ҳуқуқ бергандай баҳор» омаднинг ҳам ҳаммага ёр бўлишини тилайди. Бироқ, кимгадир омад,

¹⁰⁷ Воҳидов С. Сунбула. Сўз боши. Дилмуод Жаббор. – Бухоро, 2002. – Б. 3.

кимгадир омадсизлик эшик очади. Айни ҳолатни муаллиф халқ тилида фаол бўлган синекдоха кўчими орқали айтиб ўтади. Яъни, «беш қўл – беш бармоқ баробар эмас». Киритмаларда муаллиф тилда ўтроклашиб қолган, тайёр ҳолда мавжуд birlikларни кўпроқ қўллайди:

Музда гулнинг шаклин кўрдингми?

(Соғинган кўз излайди қиёс).

Ўзим олай, келгин, дардингни,

Кел, бағримда иситай бир оз. [IV, 28]

Шеърдаги ушбу киритмада ҳам тилимизда яхлитланиб улгурган синекдоха кўчими асосида юзага келган birlik келтирилади. С.Воҳидов услубига хос киритмаларнинг яна бир хусусияти шуки, шоир ўз ўй-фикрларини поэтик образлар воситасида тушунтиришга киришар экан, баъзан шу жараёни охиригача етказмасдан, бирданига асл мақсадини киритмаларда айтиб қўя қолади. Шоир юрагига сиғмаган, ич-ичини оғриққа тўлдириб турган ҳислар ўзининг поэтик ифодасини топишга сабри чидамайди гўё. Ва «гапнинг индаллоси – шу», дегандек ўртага чиқади. Бундай ўринларда муаллифнинг воқеликка субъектив муносабати кучлироқ англашилади.

Булутлар-ку ўрмалайди

Ойнинг оёқ остида.

(Номард пастлар юксакларни

Тўсишга заб уста-да)...

Кўринадики, киритмалар муаллифнинг асосий фикрига қўшимча маълумот олиб кириб, ифода мақсадни аниқ акс этишини таъминлайди. Бундай ифода нутқнинг барча услубларида мавжуд. Асосан, бадий услубнинг насрий ва драматик турларида қаҳрамоннинг ўзига хос характерини кўрсатиш, унинг нутқий индивидуаллигини очиб бериш мақсадида қўлланилади. Аммо бадий адабиётнинг шеърият турида бундай ифода усули камдан-кам учрайди. Ва бу С.Воҳидов ижодида фикр ва энг ички ўй-кечинмалар ифодасининг ўзига хос усули сифатида шоир

услубининг бир киррасини намоён қилган. С.Воҳидовнинг киритмалар келтирилган шеърлари мазмунидан шу нарса англашиладики, уларда шоирнинг ўз-ўзигагина тегишли бўлган, ўта шахсий туйғулари баён қилингандек таассурот уйғотади. «Сени аяр эдим» шеърида лирик қаҳрамон ўз муҳаббат тарихидан сўзлайди. Воқеалар, ҳиссиётлар йигит ва қизнинг ёш йиллари билан кетма-кетликда, боғлиқликда ҳикоя қилинади. Айтилаётган ҳикоя якунига етказилмай туриб, қутилмаганда муддаога ўтиб қўя қолинади. Бу эса баён қилинаётган шеърий мазмунни индивидуал кечинма ҳолатига кўчиради:

Сен ўн учда эдинг,
Ўн бешдайдим мен...
Сирли суҳбатларда қувонч бир жаҳон,
**(Ҳаётда қувончга эришмоқ қийин –
Эканин англатди сўнгроқ пушаймон).** [I, 16]

Шеърнинг кейинги банадлари шунчаки хотиралар баёни бўлиб қолмайди. Ўқувчи уларни армонли муҳаббат изтиробини ҳис этган ҳолда ўқийди. Чунки киритмада лирик қаҳрамоннинг қувончга– муҳаббатига етиша олмаганлигига ишора бор. Муҳаббатига озор бериб қўйишдан чўчиб, уни аяб, севгисини изҳор этолмаганлигидан пушаймонлик бор.

Бундай услуб муаллиф ва китобхон ўртасида бир қадар самимий муносабат ўрнатади. Чунки қавслар билан берилган киритма фикрлар муаллиф ўзининг шахсий дунёқарашидан воқиф этгандек, воқеликка сохталикдан, расмиятчиликдан йироқ тушунчаларни акс эттиргандек тассуротда ўқилади. Аслида ҳам шундай. Шоир аслида ҳамманинг ичида бор-у, аммо ҳеч кимга айтолмай турилган фикрни шундай усулда ўз китобхони қулоғига шипшитиб ўтади гўё. Шоир услубига хос киритмаларни ўрганар эканмиз, улар ҳажман **бир мисра**, баъзан **бир байт**, баъзида эса **бир банддан** иборат кўринишларда учрайди. «Парчаланиш» шеъридаги ҳар бир банднинг икки мисраси киритма кўринишида берилган. Ҳаётини кичик воқеа-ҳодисаларга ўз хулосаси, яъни улар умрни *«Нўноқ уста сувогисимон»*

парчалаб, емириб бораётганлигини киритма байтларда ифода этади. Ушбу жараённи шеърнинг бир банди мисолида кўриб ўтсак.

«Беш дақиқа вақтинг оламан,

Чиқиб қолди муҳим гап, жўра»...

(Ярим куним, алвидо энди...

Сен умримда гул эмас, шўра). [I, 274]

«Беш дақиқа», дея сўраб олинган вақт умрининг ярим кунини гул эмас, шўрага айлантираётганга ўхшатмоқда. Шу тақлидда куннинг соатлари, ҳафтанинг кунлари, ойнинг ҳафталари инсоннинг ўз хоҳишига зид ташвишлар билан банд бўлиб, парчаланиб бораётганлиги сабаб лирик қаҳрамон «*Бирор бутун парчанг қолса, айт, Мен ўшани... шеърга берарман*», дея умрга хитоб қилади. Шоирнинг киритмалардан фойдаланиши, мазмун ва оҳангни таъминлаш учун амалга оширилганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Уар поэтик маънони кучайтириш, мазмунга уйғун оҳангни таъминлашга хизмат қилдирилган. «Дунёга ҳамдард бир шоир ҳақида» шеърда эса ҳар бир банддан сўнг тўлиғича яна бир банд муаллифнинг субъектив муносабати сифатида келтирилади. Яъни тўққиз бандлик шеърнинг тўрт банди киритма шаклида ифодаланган. Албатта, шеърнинг ҳар бир банди муаллифнинг ўз сўзларидир. Шундай бўлса-да, шоир ўз сўзларига ўзининг янада ички муносабатини билдиради. Мавжуд тасвирнинг «парда ортига» ҳам бир назар ташлайди. Бундай ифодада шоирнинг қарама-қарши фикрлар гирдобиди қоғоз қоралагани, руҳий ҳолатида кучли изтироб туйганлиги сезилади. Ушбу шеърнинг бир бандини унга билдирилган муносабат – киритма банд билан биргаликда кузатсак:

Фаластинлик она дардига ҳамдард,

Шаҳид ўғиллар- чун тилади тўзим.

Ёзди: «Бемехрда бўлмагай шафқат,

Йўқдир ҳиссизларни кўрарга кўзим!»

(Бир қишлоқ болага доялик қилган,

Холбуви кўз юмди... Қишлоқда мотам.

Кимсасиз кампирга шеър-ку битмаган,
Лекин боролмади таъзияга ҳам)... [I, 82]

Киритмалар С.Воҳидовнинг ўзига хос услубини, поэтик ифодадаги новаторлигини намоён қилган.

Шоир сўзлар моҳиятини чуқурроқ ҳис қилишга ва ўзининг фалсафий тушунчалари билан янада гўзалроқ тасвирлашга ўзида эҳтиёж сезади. У яратган тимсоллар, истиоралар ўқувчида ўзгача ҳислар силсиласини пайдо қила олади. Хусусан, *«Қуёш – кўзим аро қўнган ол нуқта»*, *«Қуёш – олтин каптар»*, *«Қуёш – олам учун Оллоҳдан инъом»*, *«Чимилдиқдан чиққан келин – қуёш кўркидан»*, *«Кўкка қочиб кетар қуёш – зар каптар»*, *«Осмон сари солди шу чоқ, Олов кийган чавандоз қуёш»*, *«Қуёш – олам бешигига қўнгироқ»* сингари Қуёшга берган поэтик таърифлари бир-бири билан моҳиятан боғлиқлик касб этади ва мазмунли манзараларни вужудга келтиради. Тонг отиши манзарасини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, қуёш уфқ ортида «чимилдиқдан чиққан келин» мисоли уялиб тургандек заррин нурларини, ёруғлигини таратади-ю, аммо ўзи кўринмайди. Шарқ кунжида бир кўриниш беради-ю, заррин либосларда уялиб турган ёш келинчак сингари кўкка қочиб кетади. Олисда, уфқ этагида турган алвон рангли қуёшга назар солиш мумкин. Шу сабаб ҳам уни «кўзим аро қўнган ол нуқта» демоқда. «Зар каптар», «олтин каптар» метафораларидаги зар ва олтин сўзлари Қуёш Яратганнинг нақадар қимматли инъоми эканлигига ишора.

Шоир қуёшни ўз кайфиятига мос ҳолатларда бериш учун муносиб оригинал ташбеҳлар кашф эта олади. Юқоридаги мисолда қуёш ёш келин мисоли уялиш, тортиниш хусусиятларини ўзида жамлаган бўлса, бошқа бир шеърда шижоатда тенгсиз, куч-ғайратга тўла чавандоз қиёфасига гавдалантирилади: *«Осмон сари от солди шу чоқ, Олов кийган чавандоз қуёш...»* [I, 288]. Яна бир шеърда шоир ҳаётни, оламни ўзига хос бадий бўёқларда тасаввур этишга, уни севишга, яшамоқлик, курашмоқлик завқини туйишга ундайди:

Сенга: қуёш – қўлдан қочган олов шар,
Ҳил-ҳил пишган ўрик – ёниқ юлдузлар.
Қаймоқ тўла пиёладир оймома,
Уфқ бағри – оловланган лолазор,
Овунчоғим, эрмагим! [I-39]

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида сўзлар ўз ва кўчма маънолари доирасида изоҳланиб тушунтирилади. Шоирнинг сўзга бундай бадиий жило беришини сўзларнинг ўзига хос поэтик изоҳи дейиш мумкин.

«Лаҳзалар – от солиб югурган лашкар» (III, 188,) «Тун – Умр адогин ҳис этган бемор» (III, 140), «Тун – уфқ этаги» (I, 53), «Висол сари шошган юрак – безовта анҳор», «Қурбақалар – сув какликлари» (I, 53), «Тақдир – кўнгилга мос ясалган қолип» (III, 120), «Қуёшпарча – юлуқ барглар» (I, 84), «Қушлар – жаннат кўрган жонзот» деб» (I,199), «Баҳор – йилнинг имони», «Хаёллар – кечмишининг гийбатчилари, Хотира – ёлғизлик туққан ҳамоқат», «Турмуш ташвишлари – кифтда ўсган тош» каби поэтик тасвирларни оддий метафоралар қатори ўқиш, шунчаки қабул қилиш мумкин эмас. Шоир ўз бадиий тафаккурида сўзлар моҳиятида нени ҳис этса, ўшандай мазмунли тасвирлар билан изоҳлайди. У сўзларга кўнглида кечган ҳисларни жо қилади. Сўзлар моҳиятидаги янгича тасвирлар оригинал фалсафий тушунчаларни пайдо қилади.

С.Воҳидов ўз руҳий изтиробларини теранлик ва маҳорат билан қоғозга тушира оладиган ижодкорлардандир. Шоир шеърятининг бадиияти шу қадар сержилоки, уларни шеършунослик мезонлари асосида таҳлил этиш ва кенг китобхонлар оммасига тақдим этиш бугунги муҳим вазифалардан саналади. Шоир ижодининг ҳар бир қирраси шундай эътибор талаб қилади.

С.Воҳидов инсонларнинг дунёқароши, эътиқодлари, виждон олдидаги бурчлари ҳақида кўп ўйлайди. Атрофидаги одамларни айни мана шу нуқтаи назардан кузатади, уларнинг қилмишларига ўз кўнгил амри билан муносабат билдиради. У боқимандалик билан кун кечириётган кишилар учун қайғуради. Бу қайғуриш уларнинг ночор аҳволда эканликлари, хомийлар паноҳида яшаб

келаётганликлари учун эмас. Аксинча, қизғин ҳаёт майдонидан ўзларини четда тутганликларидан ва шу сабаб кўп нарсани англамай яшаётганликларидандир. «*Курашлардан четда сокин, бепарво – Улар қарздор қолишмасми дунёдан, Қолишмасми мангу ожиз бенаво?*» Шоир ҳар бир инсоннинг бу дунёда ўз вазифаси борлигига ва уни адо этиш муқаддас бурч эканлигига ишора қилади.

Муаллифнинг сўзлаш тарзи, ифода усуллари, илгари сураётган мавзу ва муаммоларга муносабати унинг поэтик олами кенгликларини қаршимизда яққол гавдалантиради. С.Воҳидов шеърларининг бадиий тил хусусиятларини тадқиқ этилаётган мавзу нуқтаи назаридан текшириш шоир ижодининг поэтик моҳиятини яна ҳам теранроқ англашга хизмат қилади.

III боб бўйича хулосалар

Саккизлик ва тўртлик шеърининг шакллари шоирнинг ҳаёт воқеликларига теран муносабати, мураккаб ва турли-туман руҳий ҳолатлар натижаси ўлароқ юзага чиқиб, унинг ифода имкониятлари кенгайтирилиши таъминлади. Хусусан, саккизликларида тун, тонг, шамол образлари орқали ҳиссий-эмоционалликка, тўртликларининг туркумланиши натижасида ахлоқий-фалсафий мазмун юксаклигига эришган. «Хаж дафтари» туркумини яратиб бу борадаги анъанавийликни давом эттирган бўлса, мазмун яхлитлигини сақлаган ҳолда бу туркумни турли жанрдаги асарлар билан бойитиб ижодий новаторлигини намоён қилди.

Мукамал композицион қурилиш асар мазмунининг юзага чиқишида муҳим рол ўйнайди. Шоир асарлари композицияси унинг поэтик маҳоратини белгиловчи тамойиллардан биридир. Чунки шеърининг асар композициясига алоқадор барча унсурлар ижодкор кўзлаган бадиий мақсадни юзага чиқишида тўғри йўналтирилмоғи лозим. Шу нуқтаи назардан, С.Воҳидов ижоди композицияси сарлавҳалар, дostonларининг бир неча қисмларга бўлинган ҳолда моҳият англаштириш сари ҳаракатланиши, эпиграфларнинг асар

мазмуни билан боғлиқлиги ва боғланиш усуллари кабиларнинг барчаси шоир бадий маҳорати ифодаси бўлиб юзага чиққан.

С.Воҳидов қалби халқ дилига пайванд этилган шоирлардан. Шу боис унинг ижодида халқ асарларига ҳурмат-эҳтиром халқчилликнинг алоҳида кўриниши сифатида намоён бўлади. Халқ тили шоир шеъриятининг адабий-эстетик тамойилларидан бири эканлиги англашилади. Унинг шеърларида шундай халқ сўзлари ҳам борки, улар муаллиф нутқида фикрни қандай ифодалаш керак бўлса, худди шундай ифодалаш имкониятини беради.

Лирик матнларда сўзлар ўз мазмун доирасини лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига ҳамоҳанг равишда кенгайтира олади. Лирик матнда инсоннинг руҳий олами, ҳиссиётларидаги ўзгачаликлар ифодаланар экан, бу ўзгачаликлар сўзларда ҳам акс этади. Яъни янги ҳиссиётлар, янги сўзларнинг ясалишига ҳам сабаб бўлади. Шу асосда С.Воҳидов шеъриятидаги янги сўзлар муаллиф туйғуларининг таржимони сифатида юзага келган.

Шоир паремиологик бирликларни халқ ҳаёти, инсон тақдиридаги ўзгаришлар мазмуни билан боғлиқ акс эттирадигани, бу унинг ўзига хос ижодий индивидуаллигини асослайди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. С.Воҳидов биографиясини ўрганиш унинг туйғулари, хисларини тушуниш, у илгари сурган ғояларни тўғри талқин қилиш имконини беради. С.Воҳидов ижоди ўз даври бадиий тафаккури билан ҳамоҳангликда кечди. Унинг ўзбек шеърятига қўшган ҳиссасини тадқиқ ва талқин қилиш Бухородаги адабий жараённинг салмоғини белгилашда кўмакчи вазифани ўтайди. Шоир ҳаётида содир бўлган ҳар бир ходиса унинг ижодий ўсиши, поэтик маҳоратининг такомиллашишига хизмат қилганлиги мавзулар, образлар, шеърый шакллар, жанрлар мисолида юзага чиқди.

2. С.Воҳидовнинг бармоқ вазнидаги шеърларининг эркин шаклий ифодада берилиши туйғулар таъсири ва мазмун талаби билан содир бўлган. Мисраларнинг бўлиниши ўқиш ритми ва оҳангини белгилаб, ҳиссиётларнинг сокинлиги ёки жўшқинлигини намоён қилади. Шаклий эркинлик шоир шеърларининг турли ҳажмдаги бандлардан ташкил топганлигида ҳам кўринади. Бундай ифода шакли зўрма-зўракилик билан эмас, муаллиф поэтик мақсади натижасида табиий оҳанг ва шаклда юзага чиққан ва мазмуннинг ҳиссий таъсир кучини ошириб, фикр моҳиятини теран англантишга хизмат қилган.

3. Шоирнинг воқеликка ҳиссий ва ақлий муносабати образларнинг ғоявий-бадиий мазмунида мужассамлашади. С.Воҳидовнинг дастлабки ижод намуналариданоқ унинг образли фикрлаш маҳорати анча шаклланганлиги кўзга ташланади. Поэтик образларга ўз ҳаётий қарашларини, фалсафий хулосаларини сингдира олиш С.Воҳидов шеърятига хос асосий белгилардан бири бўлиб юзага чиққан. Шоир шеърларидаги деҳқон образи ўзбек халқининг маиший турмуши ва уларга хос турли-туман характер кирраларини кўрсата олганлиги билан аҳамиятлидир.

4. Шоирнинг бағишлов жанрида яратилган шеърлари унинг шахсий ҳаётига дахлдор кишиларга муносабатини акс эттириб турганлиги билан эътиборлидир. Уларда муаллиф атрофини ўраб турган ижтимоий, адабий муҳит ва уларга муносабат масаласи англашилади. С.Воҳидов бағишловлари

бармоқ ва аруз вазнларида ёзилган. Гарчи шоир бу борада вазн танлашга уринмаган бўлсада, бағишловларининг маиший меҳнат кишиларига атаб бармоқ вазнида, илм-фан, абадиёт вакилларига атаб аруз вазнида ёзилганлиги муаллифнинг бағишлов бағишланаётган кишига хос бўлган хусусиятларни ёрқин ифодалаши учун муҳим вазифа бажарган. Шоирнинг истиқлолга бағишланган қасидаси анъанавий кириш ва хотиманинг мавжудлиги, мазмунида эса кўпроқ Бухоро ҳаётига дахлдор фикрлар жамланганлиги билан алоҳидалик касб этади.

5. С.Воҳидов ўзининг ривоят-достон, лирик достон, лиро-эпик достон, ва достон-марсияси билан замонавий достоннависликка муносиб ҳисса қўшди. Унинг шеърларида ҳам, достонларида ҳам замондош шахс сиймосининг орзу-армонлари, ҳаёт муаммолари; ҳар бир ташбеҳ инсон, унинг руҳий олами, ўй ва кечинмалари билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Шоир ижоди бевосита фольклор таъсирида жанр ва мазмун жиҳатидан бойигани ривоят-достон, достон-марсия ва улардаги халқ оғзаки ижоди жанрлари ритмида яратилган адабий алла, адабий йиғи, адабий қарғишлар, халқ мақолларига муносабат тарзида намоён бўлади.

С.Воҳидов достонларида ўз даври воқеалари акс эттирилсада, муаллиф уларни ўтмиш воқеалари билан юзлаштиради, қиёслайди. Шоирнинг бу усули қаҳрамонлар характери ва воқеаларнинг ёрқин акс этишини таъминлаб, ўқувчини фикрлашга ундайди, хулоса сари бошлайди.

6. С.Воҳидов инсон ҳаётининг азалий ва абадий мезонларини яхши англаган шоир. Саккизлик ва тўртлик шеърини шакллар шоирнинг ҳаёт воқеликларига теран муносабати, мураккаб ва турли-туман руҳий ҳолатлар натижаси ўлароқ юзага чиққан. Саккизликларида шоирнинг образли фикрлаш маҳорати ортгани кўринади ва бу орқали ҳиссий-эмоционалликка, тўртликларининг туркумланиши натижасида ахлоқий-фалсафий мазмун юксаклигига эришган. Тўртликлар мазмунида лирик қаҳрамон руҳиятининг турли қирралари жилоланади. “Ҳаж дафтари” туркуми билан анъанавийликка

эришган бўлса, мазмун яхлитлигини сақлаган ҳолда бу туркумни турли жанрдаги асарлар билан бойитиб ижодий новаторлигини намоён қилди.

7. Шоир шеърятининг композицион қурилишини кузатганимизда, сарлавҳаларнинг муносабат тарзида намоён бўлиши, шеърларида, айниқса, дostonларида эпиграфларнинг салмоғи юқорилиги, диалог, монолог, хотиралар, туш мотивларининг етакчилик қилиши; яхлит мазмундаги асарни бир неча қисмларга бўлган ҳолда акс эттириш каби поэтик ифода белгилари кўзга ташланади. Бу жиҳатлар таҳлили ижодкор услуби ва унинг бадий маҳоратидаги алоҳидаликларни кўрсатади.

8. С.Воҳидов қалби халқ дилига пайванд этилган шоирлардан. Шу боис унинг ижодида халқ асарларига ҳурмат-эҳтиром халқчилликнинг алоҳида кўриниши сифатида намоён бўлади. Халқ тили шоир шеърятининг адабий-эстетик тамойилларидан бири эканлиги англашилади. Унинг шеърларида шундай халқ сўзлари ҳам борки, улар муаллиф нутқида фикрни қандай ифодалаш керак бўлса, худди шундай ифодалаш имкониятини беради.

9. Янги ҳиссиётлар, янги сўзларнинг ясалишига ҳам сабаб бўлади. Шу асосда С.Воҳидов шеърятдаги янги сўзлар муаллиф туйғуларининг таржимони сифатида юзага келган. Мавжуд сўзлар эса ўзининг поэтик изоҳидаги кашфиётлар билан юзлашди. Шоир паремиологик birlikларни халқ ҳаёти, инсон тақдиридаги ўзгаришлар мазмуни билан боғлиқ акс эттирар экан, уларнинг мазмунидан кўнгли тўлмаган ўринларни ҳазил-мутойиба билан инкор қилади.

Умуман олганда, С.Воҳидов шеърятда имон ва эътиқодда собитлик, самимий инсоний тушунчалар, тақдирнинг турли синовлари қаршисида ҳам инсонийлик рутбасида мустаҳкам тура олиш ғоялари етакчилик қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

2. Шавкат Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожланиши – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017. – 4 август.

II. Илмий адабиётлар

II. 1. Монографиялар ва рисодалар

3. Адабиёт назарияси. Икки томлик. Биринчи том. Адабий асар. – Тошкент: «Фан», 1978. – 416 б.

4. Адабий турлар ва жанрлар. III томлик. I т. – Тошкент: «Фан», 1991. – 384 б.

5. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: «Фан», 1992. – 248 б.

6. Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. Лирикада образ муаммоси. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1988. – 201 б.

7. Алибек Рустамий. Сўз ҳақида сўз. – Тошкент: «Ёш гвардия», 1987. – 160 б.

8. Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. – Тошкент: 1990.

9. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 1980. – 152 б.

10. Arastu. Poetika. Axloqi kabir. Ritorika. – Toshkent: «Yangi asr avlodi», 2011. – 352 b.

11. Ахмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги жанрлари. – Тошкент: «Фан», 2008. – 180 б.

12. Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – М.: 1979. – 222 с.

13. Белинский В. Г. Танланган асарлар. – Тошкент: «Ўздавнашр», 1955. – 158 б.

14. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2002. – 560 б.
15. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашр., 2006. – 426 б.
16. Воҳидов Р. Бир носиру уч шоир хақида топганларим. – Бухоро, 2003.
17. Веселовский А. Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – 224 с.
18. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашр.-матбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б.
19. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: 1977. – 408 с.
20. Жўракулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: «Фан», 2006.
21. Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 2015.
22. Зоҳидов В. Танланган асарлар. 3 томлик. 2 том. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977.
23. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси («Ҳазойинул маоний» асосида) – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1983. – 167 б.
24. Йўлчиев Қ. Поэтик олам сирлари. – Тошкент: «Академнашр». 2012.
25. Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. – Тошкент: «Фан», 1964. – 160 б.
26. Мақсуд Шайхзода. Ғазал мулкининг султони (Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотлар ва мақолалар мажмуаси). 6 томлик. 4 том. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1972. – 372 б.
27. Мирзаев С. Ўзбек реалистик адабиётида фолкълор анъаналари. – Тошкент: «Истиқлол», 2005.
28. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек дostonчилигида услубий изланишлар. Жанрлар типологияси ва услуб ранг-баранглиги. – Тошкент: «Фан», 1983.

29. Норматов У. Кўнгишларга кўчган шеърят. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006. – Б.11.
30. Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: «Шарқ», 2007. – 352 б.
31. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – Москва: «Высшая школа», 1990. – 299 с.
32. Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – Москва: «Искусство», 1976. – 614 с.
33. Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм табиати. – Бухоро, 2002. – 102 б.
34. Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2009. –Б. 187-208.
35. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: «Шарқ», 2007.
36. Раҳимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма. – Тошкент: «Шарқ», 1986.
37. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. – Тошкент: «Фан», 2007. – 259 б.
38. Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. –Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2009. – 70 б.
39. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004. – 85 б.
40. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – Toshkent: «Musiqqa», 2010. – 368 b.
41. Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. (Мақолалар, рисоалар) – Бухоро: «Дурдона», 2015. – 449 б.
42. Сафаров О., Сафарова Ҳ. Самандар Воҳидов (Шоирнинг ижодий портрети). – Бухоро: «BUXORO NASHR», 2022. – 264 б.
43. Сувонова Ж. Усмон Азим шеърятини бадиий тафаккур. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2012. – Б. 96.
44. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1986. – 408 б.

45. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: «O`qituvchi», 2005. – 270 b.
46. Томашевский Н. Традиция и новизна. – М.: «Художественная литература», 1981.
47. Тимофеев Л. Слово в стихе. – М.: 1982.
48. Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадийлиа мезонлари ва уларнинг маромлари. – Тошкент: 2011.
49. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашр., 2004. – 260 б.
50. Умуров Ҳ. Адабиёт қоидалари. –Тошкент: «Ўқитувчи», 2002. – 208 б.
51. Умуров Ҳ. Бадий ижод асослари. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2001.
52. Ulugʻov A. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – Toshkent: «Gʻafur Gulom», 2018. – 308 b.
53. Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. – Тошкент: Академнашр, 2020. – 160 б.
54. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: «Шарқ», 2008. – 368 б.
55. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент : «Шарқ», 2004. – 243 б.
56. Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1976. – 229 б.
57. Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Т.: «Ёш гвардия», 1983. – 216 б.
58. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. (Мақолалар). – Т.: «Ёзувчи», 1994. – 48 б.
59. Шарипова Л. Шеърят ва фольклор. Монография. – Тошкент: 2019. – 195 б.
60. Шарипова Л. “XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърятида фольклоризм. Монография. – Тошкент: «Фан», 2011. – 152 б.

61. Қодиров П. Тил ва эл. Илмий бадиа. – Тошкент: «Ғафур Ғулом», 2005. – 248 б.

62. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: «Akademnashr», 2018. – 480 b.

63. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: «Fan», 2007. – 228 b.

64. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмаси. – Тошкент: «Турон замин зиё», 2014. – 168 б.

65. Қўшжонов М. Ойбек маҳорати. – Тошкент: «Бадий адабиёт» нашр., 1965. – 329 б.

66. Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. Монография. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 1988. – 232 б.

67. Қўшжонов М. Ҳаёт ва нафосат. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1970. – 156 б.

68. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент: «Фанлар академияси» нашр., 1959. – 197 б.

69. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: «Фан», 2007. – 196 б.

70. Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2002. – 200 б.

71. Ҳамдамов У. Янги ўзбек шеърляти. – Тошкент: «Adib», 2012. – 304 б.

72. Ҳасанов Ш. Замонавий дoston поэтикаси. – Самарқанд: 2001. – 142 б.

73. Ҳасанов Ш. Дoston таркиби ва табиати. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2011. – 230 б.

III. Диссертация ва авторефератлар

74. Абдуллаева М. Адабий-тарихий асарларда кичик жанрлар поэтикаси. Филол.фан.докт.дисс... (DSc). – Тошкент, 2021. – 276 б.

75. Алдашева Ш. 70-90 йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеърий туркум табиати. Филол.фан. бўйича фалс.докт.дисс... – Тошкент, 2019. – 136 б.

76. Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар. Филол.фан.номз.дисс... – Тошкент, 1997. – 142 б.

77. Ашурова Г. Абдулла Орипов шеъриятида анъана ва бадий маҳорат (образ, ғоя ва тасвир). Филол.фан.номз.дисс... автореф. – Тошкент: 2008. – 26 б.

78. Балтаева З. Эркин Воҳидов лирикасида бадий яхлитлик. Филол.фан. бўйича фалс.докт.дисс... – Нукус, 2021. – 116 б.

79. Давронова М. Ҳозирги ўзбек шеъриятида индивидуал услуб поэтикаси (Усмон Азим, Иқбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин шеърияти мисолида). Филол.фан. бўйича фалс.докт.дисс...автореф. – Самарқанд, 2019. – 66 б.

80. Муллаҳўжаева Р. 80-йиллар ўзбек шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши ва Шавкат Раҳмон ижоди. Филол.фан. бўйича фалс. докт. дисс... – Тошкент, 2020. – 145 б.

81. Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари ва маҳорат муаммолари. Филол.фан.докт.дисс...автореф. – Тошкент: 1996. – 54 б.

82. Пардаев З. Истиклол даври шеъриятида халқона пафоснинг янгиланиши. Филол.фан. бўйича фалс.докт.дисс...автореф. – Тошкент, 2020. – 22 б.

83. Равшанова Г. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати. Филол.фан. бўйича фалс. докт.дисс...автореф. – Қарши, 2020. – 50 б.

84. Раҳимжонов Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг тараққиёт тенденциялари. Филол.фан.докт.дисс... – Тошкент: 1989. – 284 б.

85. Раҳимжонов М. Ўзбек мумтоз лирикасида марсия жанри. Филол.фан. бўйича фалс.докт.дисс... автореф. – Самарқанд, 2019. – 51 б.

86. Сабриддинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. Филол.фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1993. – 24 б.

87. Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. Филол.фан.номз. дисс...автореф. – Тошкент, 2004. – 46 б.
88. Холова М. Ўзбек модерн шеърияти поэтикаси Филол.фан.номз. дисс... автореф. – Самарқанд, 2018. – 50 б
89. Қаршиев К. Жамол Камол шеъриятида жанрлар ва шакллар ранг-баранглиги. Филол.фан. бўйича фалс.докт.дисс... – Самарқанд, 2021. – 161 б.
90. Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни: Филол.фан.номз.дисс... – Тошкент, 1993.
91. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари. – Тошкент, 2016. – 267 б.
92. Қурбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик. Фил. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2005. – 132 б.
93. Гаипова Ҳ. Матназар Абдулҳакимнинг бадий ва публицистик маҳорати. Филол.фан. бўйича фалс.докт.дисс...автореф. – Тошкент, 2019. – 54 б.
94. Ҳайитов А. 90-йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар. Филол.фан.номз.дисс... – Тошкент, 2004. – 116 б.
95. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. Филол.фан.докт.дисс... – Самарқанд, 2004. – 258 б.

3. Илмий-адабий тўплам, журнал ва вақтли матбуот материаллари

96. Азимов С. “Бухорийлар бўстони” ни яратган шоир. // Бухоронома, 2002. сент. – Б. 3.
97. Абдунаби Ҳамро. Етди сарҳисоб вақти. // Бухоронома, 2002. сент. – Б. 3.
98. Бақоев Х. Сафарбар ёшлик. // Шарқ юлдузи, 1984/4. – Б. 13-14.
99. Воҳидов С. Мехрибон ўртоқ. // Гулхан, 1989 й. 10 сон. – Б. 31.

100. Воҳидов С. Қуёш заррасига завол бегона (эссе). // Бухоронома, 2012. май.
101. Vohidov S. Shoirlik – qismat. // Davr – info, 2011. янв.
102. Норматов У, Ҳамдам У. Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи. // Жаҳон адабиёти, 2002. дек.
103. Омон Мухтор. Боқийлик касб этган боғ. // Карвон қўнғироғи, 2012. нояб.
104. Ражабова И. Илдизин қуёшга боғлаган дарахт. // Бухоро мавжлари, 2012. 4-сон. – Б. 16-17.
105. Рустамов А. Бу эл тарихига бахтдир сарлавҳа. // Бухоро ҳақиқати, 2011. май. – Б. 6.
106. Рўзиев Р. Ҳаёт ва шеърият. // Бухоро ҳақиқати, 1964. 25 дек.
107. Садриддин Салим Бухорий, Азимов С. Ҳазрати Эшони Имло Бухорий. (сўз боши) // Воҳидов С. Муҳаммад (с.а.в.) ҳиди келгай. – Бухоро: 2010. – Б. 3-14.
108. Сафаров О. Алишер Навоий ғазалларига битилган кўркам мухаммаслар. // Воҳидов С. Бу боғда баҳра боқийдур. – Бухоро: 2011. – Б. 3-12.
109. Сафаров О. Ижодкорлик саодати (Самандар Воҳидов ҳаёти ва ижодига оид чизгилар). // Бухоро мавжлари, 2012. 4-сон. –Б. 30-33.
110. Тошпўлат Аҳмад. Шукрим сенга, шеърият. // Бухоро ҳақиқати, 1992. сен.
111. Наҳанов О. Шеър – шеър бўлсин. // Бухоро ҳақиқати, 1964. окт.
112. Фикрлар теран, ҳислар парвозли бўлсин. (Ҳаваскорларнинг шеърларига обзор). // Бухоро ҳақиқати, 1969. июнь.
113. Холмуродов А. Қишлоқда қолган шоирлар. // Ёзувчи газетаси, 2003. нояб.
114. Қораев Т. Оқ йўл, Самандар! // Бухоро ҳақиқати. 1965. окт.

III. Бадий адабиётлар.

115. Азимов С. Давр тақозоси. Воҳидов С. Бухорийлар бўстони. Кириш сўз, – Тошкент: 1998. –Б. 3-8.
116. Азимов С. Оташнафас шоир. Сиз доимо қалбимиздасиз. – Бухоро: «Дурдона», 2018. –Б. 164-173.
117. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1989.
118. Anvar Obidjon. Ketmagil. – Тошкент: 1985.
119. Асқад Мухтор. Кириш сўзи. Йўлдош Т. Ошиқ кўнгил: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. –Б. 3.
120. Воҳидов С. Кафтимда гул. Шеърлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. – 68 б.
121. Воҳидов С. Бу боғда баҳра боқийдур. – Бухоро. 2011. – 88 б.
122. Воҳидов С. Гуллаётган кунлар. (Шеърлар, мухаммаслар, достон). – Бухоро. 2010. – 88 б.
123. Воҳидов С. Оламдан ранг излаб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1985. – 80 б.
124. Воҳидов С. Айланадир бу дунё. Сайланма. I жилд. – Бухоро. 2003. – 412 б.
125. Воҳидов С. Кўнглимда олам суврати. Сайланма. II жилд. – Бухоро. 2004. – 382 б.
126. Воҳидов С. Орзунинг осмони кенг. Сайланма. III жилд. – Бухоро. 2006. – 320 б.
127. Воҳидов С. Дунё ками битмагай. Сайланма. IV жилд. – Бухоро. 2014. – 300 б.
128. Воҳидов С. Ҳаж дафтари. (Эссе ва шеърлар). – Бухоро. 2008. – 76 б.
129. Воҳидов С. Дунё дарсхонадир. (Тўртликлар). – Тошкент: «Наврўз», 2013. – 88 б.
130. Йўлдошев Қ. Улкан туйғуларнинг мўъжаз суратлари. Китобда. Фарида Афрўз. Тасбеҳ. – Тошкент: «Шарқ», 2007. –Б. 3-10.

131. Жамол Камол. Аср билан видолашув. (Шеърлар, дostonлар). Сайланма. I жилд. – Тошкент: «Фан», 2007. – 336 б.
132. Миртемир. Асарлар: 4-жилд. Драма. Насрий шеърлар. Хотиралар. Адабий-танкидий мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 240 б.
133. Намоз Мусулмон. Туманларни қўпорар тоғлар. – Тошкент: «Ватан», 1995.
134. Орипов А. Танланган асарлар. IV жилдлик, II жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001. – 496 б.
135. Парфи Рауф. Сабр дарахти: Шеърлар. – Т: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1986. – 216 б.
136. Парфи Рауф. Сакина. Сайланма. – Тошкент: «Мухаррир», 2013. – 376 б.
137. Раҳмон Шавкат. Сайланма. – Тошкент: «Шарқ», 1997. – 384 б.
138. Раҳмон Шавкат. Юрак қирралари. Шеърлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1981. – 108 б.
139. Салимов С. Оққушим. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1979. – 44 б.
140. Сулаймонов Ш. Сўз салмоғи (Сўзбоши ўрнида) // Воҳидов С. Дунё дарсхонадир. – Тошкент: «Наврўз», 2013.
141. Тилак Жўра. Райҳон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1977. – 44 б.
142. Тошпўлат Аҳмад. Соғинсангиз мени изланг... (Эсселар, хотиралар, лавҳалар). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашр.-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 215-222.
143. Усмон Азим. Сайланма. Шеърлар. – Тошкент: «Шарқ», 1995. – Б. 265.
144. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1971. – 158 б.

145. Қосимов Ф. Замон ва шахснинг бадиий талқини. Воҳидов С. Ҳаловатни ҳалолликдан изладим. – Бухоро, 2005. – Б. 58-62.

IV. Энциклопедия ва луғатлар

146. Белокурова С.П. Словарь литературоведческих терминов. – Санкт-Петербург: «Паритет», 2006.

147. Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 338.

148. O'zbek tilining izohli lug'ati. – T.: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. – 668 б.

149. Қуронон Д., Мамажонон З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати – Тошкент: «Академнашр», 2010. – 400 б.

150. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: 1967. – 408 б.

151. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1979. – 367 б.

152. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1983. – 376 б.

V. Интернет сайтлари

153. www.kh-davron.uz. Хуршид Даврон. Самандар Воҳидов. Ғазаллар.

154. www.ziyouz.com. кутубхонаси. Султонмурод Олим. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Б. 375-376.

155. Saviya.uz. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. XX аср ўзбек адабиёти. – Тошкент: «Ёзувчи», 2016. – 280 б.